ISSN 2091-5659

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

# СОБРАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

## № 38

**2026 йил 21 - 26 сентябрь**

**Расмий нашр**

**Официальное издание**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари жойлаштирилади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

# МУНДАРИЖА

*ИККИНЧИ БЎЛИМ*

950. «Ёқилғи-энергетика тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 22 сентябрдаги ПФ-202-сон Фармони

951. ««Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда маҳаллалар ролини кучайтириш ва ҳудудларнинг яшиллик даражасини тубдан оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 23 сентябрдаги ПФ-206-сон Фармони

952. «Меҳнат соҳасида хавфсиз ва ҳурматга асосланган иш муҳитини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 21 сентябрдаги ПҚ-345-сон қарори

953. «Нуфузли халқаро шахмат мусобақалари ғолиблари ва совриндорлари ҳамда уларнинг тренерларини муносиб рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 21 сентябрдаги ПҚ-346-сон қарори

954. «Теннис спорт турини оммалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 21 сентябрдаги ПҚ-347-сон қарори

*УЧИНЧИ БЎЛИМ*

955. «Меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар тўғрисида хабар бериш, уларни текшириш ва ҳисобга олиш ҳамда уларнинг оқибатида етказилган зиённинг ўрнини қоплаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 22 сентябрдаги 505-сон қарори

956. «Тошкент шаҳрида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 22 сентябрдаги 508-сон қарори

957. «Давлат харидларини «таклиф сўрови» асосида амалга оширишга рухсат этилган тадбиркорлик субъектларининг сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимлари (дастурий маҳсулотлар) реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 22 сентябрдаги 510-сон қарори

958. «Пахта ва ғалла етиштиришда «янги агроном» тайёрлаш ва «устоз-шогирд» тизимларини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 24 сентябрдаги 513-сон қарори

*ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ*

959. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 288-моддаси иккинчи қисмининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2026 йил 22 сентябрдаги КСҚ-8-сон қарори




# ИККИНЧИ БЎЛИМ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
# FARMONI

2026 yil « 22 » сентябрь ПФ–202 -son

## Ёқилғи-энергетика тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ёқилғи-энергетика тармоғидаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш, тармоқда давлат бошқаруви ва хусусий сектор фаолияти чегараларини аниқ белгилаш, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда ёқилғи-энергетика ресурслари бозорида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

### I. Мақсадлар

**1.** Қуйидагилар ушбу Фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб белгилансин:

**(а)** мамлакат энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва тармоқ барқарорлигини таъминлаш;

**(б)** ёқилғи-энергетика тармоғида натижага асосланган бошқарув тизимини йўлга қўйиш;

**(в)** давлат ва хусусий сектор ўртасидаги муносабатларни **“стратегия – тартибга солиш – назорат – ижро”** тамойили асосида ўрнатиш;

**(г)** ёқилғи-энергетика тармоғининг **инвестициявий жозибадорлиги** ва сармоя киритиш **шаффофлигини** ошириш ҳамда ушбу йўналишда соғлом рақобат муҳитини яратиш;

**(д)** ёқилғи-энергетика тармоғида рақобатни ривожлантириш ҳамда барча учун тенг ҳуқуқ ва шарт-шароитлар яратиш орқали **замонавий экотизимни жорий қилиш**.

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



## II. Ёқилғи-энергетика тармоғидаги институционал ислоҳотлар

**2.** Белгилансинки:

**(а)** Энергетика вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) томонидан ёқилғи-энергетика тармоғи корхоналари ва истеъмолчиларига шартномавий, хизмат кўрсатиш ва бошқа хўжалик муносабатлари бўйича индивидуал тусдаги рухсатномалар бериш амалиёти бекор қилинади;

**(б)** Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги (кейинги ўринларда – Регулятор) зиммасига электр энергияси билан бир қаторда **табиий ва суюлтирилган газ** таъминотида бозор тамойилларини босқичма-босқич шакллантириш ҳамда тартибга солиш вазифалари юклатилади;

**(в)** Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига (кейинги ўринларда – Инспекция) қоидабузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш, хавфларни эрта аниқлашга қаратилган **превентив назорат моделига** асосланган вазифалар юклатилади;

**(г)** ёқилғи-энергетика тармоғи корхоналари тегишлилиги бўйича ёқилғи-энергетика ресурсларини қазиб олиш, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, ташиш, сақлаш, узатиш, тақсимлаш, етказиб бериш ва сотиш бўйича **хўжалик (тижорат) фаолиятини амалга ошириш вазифасини** бажаради.

**3.** Қуйидагилар:

**(а)** Энергетика вазирлигининг асосий фаолият йўналишлари **1-иловага** мувофиқ;

**(б)** Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлигининг янги фаолият йўналишлари **2-иловага** мувофиқ;

**(в)** Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг қўшимча фаолият йўналишлари **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



**4.** Вазирлик, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Регуляторнинг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

**(а)** Регулятор ходимларининг умумий чекланган сонини қўшимча 21 та штат бирлигига ошириш. Бунда қўшимча штат бирликларини молиялаштириш 2026 йилда Энергетика бозорини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, 2027 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда назарда тутилади;

**(б)** Вазирлик ҳузуридаги Ёқилғи-энергетика соҳасини ислоҳ қилиш ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича лойиҳа офисининг асосий вазифалари этиб қуйидагиларни белгилаш:

**(i)** ёқилғи-энергетика тармоғида мавжуд ахборот тизимларининг функционал имкониятларини кенгайтириш, бунда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, тармоқнинг ягона маълумотлар базасини шакллантириш;

**(ii)** рақамли платформалар орқали энергия ресурсларига бўлган талаб ва таклиф прогнозлари, ёқилғи-энергетика баланси, ёқилғи-энергетика тармоғини ривожлантириш бўйича қисқа ва узоқ муддатли режаларни ишлаб чиқиш ва янгилаб бориш;

**(iii)** давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда тармоқ корхоналарига кўмаклашиш, талаб этиладиган ер майдонларини ажратишда Вазирлик номидан ҳаракат қилиш, лойиҳаларни амалга ошириш ҳолатини мониторинг қилиш ва муаммоларни бартараф этиш;

**(iv)** касбий ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда тармоқ корхоналари учун кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш, шу жумладан, дуал таълимни жорий этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

**(v)** рақамли технологиялар ва сунъий интеллект ёрдамида ёқилғи-энергетика тармоғи ходимларини бошқариш, тармоқ корхоналарида энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларига (KPI) эришилишини баҳолаш ва мониторинг қилишни жорий этиш.

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



## III. Ёқилғи-энергетика ресурсларини прогнозлаш ва стратегик режалаштириш

**5.** Вазирлик, Регулятор, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

**(а) 2026 йил якунига қадар** ҳудудлар ва тармоқларнинг ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган талабидан келиб чиқиб, қуйидагиларни кўзда тутувчи **2050 йилга қадар истеъмолчиларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаш концепциясини** тасдиқлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин ҳамда тасдиқланган Концепцияни эълон қилсин:

**(i)** ёқилғи-энергетика ресурслари салоҳияти;

**(ii)** демографик ўзгаришлар ва ҳудудларнинг ихтисослашуви ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг узоқ муддатли талаб прогнози;

**(iii)** ёқилғи-энергетика ресурслари диверсификацияси, муқобил энергия манбалари, шу жумладан, қайта тикланувчи энергия, энергия сақлаш тизимлари ва атом энергетикасини ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболлари;

**(iv)** энергия самарадорлигини ошириш, замонавий рақамли ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, юқори самарадор, экологик тоза ва янги авлод энергетика технологияларига босқичма-босқич ўтиш механизмлари;

**(v)** республика истеъмолчиларини ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаш орқали энергетика хавфсизлиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш;

**(б) ҳар 5 йилда** мазкур Концепцияни янгилаб, тегишли норматив ҳуқуқий-ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

**6.** Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

**(а)** республика истеъмолчиларини ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлашни ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш мазкур Фармоннинг **4-иловаси**даги схемага мувофиқ амалга оширилади. Бунда:

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



**(i)** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Вазирлик, Регулятор билан биргаликда **ҳар йилнинг август ойига қадар** тармоқлар ва ҳудудлар кесимида ҳар йили янгиланадиган **ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган талабнинг уч йиллик прогнозлари** (кейинги ўринларда – Талаб прогнозлари) ишлаб чиқилади;

**(ii)** Вазирлик ва Регулятор томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **ҳар йилнинг сентябрь ойига қадар** Талаб прогнозлари асосида ҳар йили янгиланадиган **истеъмолчиларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлаш бўйича уч йиллик ривожлантириш режаси**ни (кейинги ўринларда – Стратегик режа) тасдиқлашни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади;

**(iii)** Талаб прогнозлари ва Стратегик режа Вазирлар Маҳкамаси томонидан **ҳар йилнинг октябрь ойига қадар** тасдиқланади ва эълон қилинади;

**(б)** ёқилғи-энергетика тармоғида истиқболли инвестиция лойиҳалари режасини ишлаб чиқиш ва уларнинг танлов ҳужжатлари тўпламини тайёрлаш мазкур Фармоннинг **5-иловаси**даги схемага мувофиқ амалга оширилади. Бунда:

**(i)** тасдиқланган Стратегик режа асосида Регулятор ва Вазирлик томонидан **ҳар йилнинг ноябрь ойига қадар** ҳар бир лойиҳанинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари, лойиҳани амалга ошириш тамойиллари ва молиялаштириш манбалари, талаб этиладиган ер участкаси ҳамда инфратузилма тавсифи кўрсатилган ҳолда **истиқболли инвестиция лойиҳаларининг уч йиллик режаси** (кейинги ўринларда – Инвестиция режаси) Вазирлар Маҳкамасига киритилади;

**(ii)** Инвестиция режаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан **ҳар йилнинг якунига қадар** тасдиқланади ва эълон қилинади;

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



**(iii)** Инвестиция режасидаги лойиҳаларнинг танлов ҳужжатлари тўплами буюртмачи ёки давлат шериги томонидан, шунингдек, маҳаллий ва халқаро лойиҳа институтларини жалб қилган ҳолда тайёрланади ва очиқ эълон қилиб борилади;

**(iv)** лойиҳа ташаббускори (амалга оширувчи) қонунчиликда белгиланган тартибда танлов асосида аниқланади;

**(v)** Инвестиция режасига киритилган лойиҳалар учун талаб этиладиган ер участкалари қонунчиликда белгиланган тартибда ажратилади;

**(vi)** буюртмачи (давлат шериги) Инвестиция режасига кўра инвестицияларни ўзлаштириш, лойиҳаларни белгиланган муддатда амалга ошириш ва ишга туширишга масъул ҳисобланади;

**(в)** инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш, лойиҳалар доирасида индивидуал хусусиятга эга имтиёзлар ва преференциялар бериш, Инвестиция режасига киритилмаган лойиҳаларни бошлаш қатъий тақиқланади;

**(г)** объектларни лойиҳа-смета ҳужжатларини параллел равишда ишлаб чиқиш ва молиялаштириш билан бир вақтда қуриш ва реконструкция қилишга (хусусий инвестициялар ҳисобидан қуриладиган объектлар бундан мустасно) рухсат берилмайди.

## IV. Ёқилғи-энергетика тармоғида молиявий операциялар ва пул оқимларини бошқариш механизмларини ислоҳ қилиш

**7.** Белгилансинки, **2027 йил 1 июлдан бошлаб** Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси фаолиятининг шаффофлиги, тезкорлиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида **Ёқилғи-энергетика соҳасида идоралараро тариф комиссиясининг ягона рақамли платформаси** (кейинги ўринларда – Рақамли платформа) жорий этилади. Бунда Рақамли платформа орқали:

**(а)** фаолияти тартибга солинадиган корхоналар томонидан тариф буюртмалари ҳамда тарифларни ҳисоблаш учун зарур бўлган молиявий, техник ва бошқа маълумотларни электрон шаклда қабул қилиш ва қайта ишлаш таъминланади;

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



**(б)** тариф ҳисоб-китоблари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тарифларни шакллантириш тартиби асосида автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади;

**(в)** тариф буюртмалари бўйича маълумотларни автоматлаштирилган тарзда таҳлил қилиш, уларнинг истеъмолчиларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлаш бўйича йиллик ривожлантириш режасига ва истиқболли инвестиция лойиҳалар режасига мувофиқлигини текшириш имкони яратилади;

**(г)** тариф буюртмаларини кўриб чиқиш, тузатишлар киритиш, келишиш ва қарор қабул қилиш жараёнлари рақамлаштирилади;

**(д)** қабул қилинаётган тариф қарорларининг тартибга солинадиган корхоналар молиявий барқарорлигига ҳамда Давлат бюджетига таъсирини баҳолаш имкони таъминланади;

**(ж)** тарифларни давлат томонидан тартибга солиш жараёни бўйича ягона электрон маълумотлар базаси шакллантирилади ҳамда қарор қабул қилиш жараёнининг шаффофлиги таъминланади;

**(з)** электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ истеъмолчиларидан ҳамда улгуржи қайта сотувчилардан келиб тушадиган пул маблағларини тақсимлаш тартибини шакллантириш, ҳар уч ойда қайта кўриб чиқиш ҳамда мониторингини юритиш тизими автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади;

**(и)** электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ истеъмолчиларидан ҳамда улгуржи қайта сотувчилардан келиб тушадиган пул маблағлари тақсимотидаги иштирокчилар учун маблағлар тақсимоти жараёнининг шаффофлиги таъминланади.

**8.** Белгилансинки:

**(а)** Рақамли платформани ишлаб чиқишда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Регулятор – буюртмачи, “Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор – “UZINFOCOM” МЧЖ – пудратчи ҳисобланади;

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



**(б)** Рақамли платформани ишлаб чиқиш харажатлари “Энергетика ислоҳотлари учун инновацион углерод ресурсларини қўллаш” (iCRAFT) лойиҳаси доирасида Регуляторга рақамлаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

## V. Ёқилғи-энергетика тармоғида кадрлар салоҳиятини тубдан ошириш

**9.** Бошқарув самарадорлиги агентлиги 2026 йил якунига қадар:

**(а)** Вазирлик, Регулятор ва Инспекция билан биргаликда марказий аппарат, тизим корхона ва ташкилотларининг ходимлари учун ёқилғи-энергетика, муқобил энергия манбалари, энергетик режалаштириш, диспетчерлик, маълумотлар таҳлили (дата анализ) ва бошқа йўналишлар бўйича илғор хорижий давлатларда стажировкаларни ташкил этсин. Бунда стажировка дастурининг аниқ мақсад ва натижаларга йўналтирилганлигига алоҳида эътибор қаратилади;

**(б)** Вазирлик ва ёқилғи-энергетика тармоғи корхоналари билан биргаликда номзодларни юқори ва ўрта бўғин раҳбарлик лавозимига тайинлашдан олдин ҳамда бир йилда бир марта юқори ва ўрта бўғин раҳбарларини шахсий-профессионал диагностикадан ўтказиш механизмини йўлга қўйсин.

**10.** Вазирлик 2030 йилга қадар:

**(а)** Регулятор, Энергия самарадорлиги миллий агентлиги, Атом энергияси агентлиги ва “Эл-юрт умиди” жамғармаси билан биргаликда ёқилғи-энергетика тармоғида нуфузли хорижий университетларда таълим оладиган талабалар сонини босқичма-босқич йиллик **50 нафарга етказиш** чораларини кўрсин;

**(б)** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда ёқилғи-энергетика тармоғида кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича жами 50 миллион долларга тенг грант маблағларини жалб қилсин.

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



## VI. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

**11.** Ёқилғи-энергетика тармоғини ислоҳ қилиш, норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ва тармоқни рақамлаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси **6-илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

**12.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига **7-илова**га мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**13.** Вазирлик, Регулятор манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**14.** Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва энергетика вазири Ш.Х. Ходжаев белгилансин.

**15.** Мазкур Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёқилғи-энергетика масалалари бўйича маслаҳатчиси Б.Р. Нарматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** — **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 22 сентябрдаги ПФ–202-сон Фармонига
1-илова

## Энергетика вазирлигининг асосий фаолият йўналишлари

1. Ўзбекистон Республикасининг энергетика хавфсизлигини ва ёқилғи-энергетика тармоғининг барқарорлигини таъминлаш, қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбаларини ривожлантириш, шунингдек, истеъмолчиларнинг энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини юритиш.

2. Ёқилғи-энергетика тармоғининг стратегик ривожланиш ҳамда ёқилғи-энергетика ресурсларининг ишлаб чиқарилиши ва истеъмолини диверсификация қилиш режаларини ишлаб чиқиш ва улар ижросини мониторинг қилиш.

3. Ёқилғи-энергетика тармоғини техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва сертификатлаштириш, шу жумладан, янги технологиялар ва халқаро стандартларни жорий қилиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш.

4. Ёқилғи-энергетика тармоғининг рақамли экотизимини яратиш, сунъий интеллект ёрдамида жараёнларни мунтазам таҳлил ва мониторинг қилиш.

5. Ёқилғи-энергетика тармоғида муҳандис-техник ва бошқарув кадрларини тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича тизимли ишларни ташкил қилиш.

6. Ёқилғи-энергетика соҳасида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш ҳамда илмий-техникавий лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш.

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 22 сентябрдаги ПФ–202-сон Фармонига
2-илова

## Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлигининг янги фаолият йўналишлари

1. Электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ таъминотида бозор тамойилларини босқичма-босқич ташкил қилишни таъминлаш.
2. Электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ бозорларида рақобатни қўллаб-қувватлаш, бозорнинг жозибадорлигини ҳамда талаб ва таклифнинг мутаносиблигини таъминлаш.
3. Электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ бозорларининг барча иштирокчилари учун тенг ҳуқуқ ва шаффофликни таъминловчи қонун-қоидаларга риоя этилиши устидан давлат назоратини ўрнатиш.
4. Электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ бозорлари иштирокчилари фаолиятини лицензиялаш, уларнинг лицензия шартларига амал қилишини назорат қилиш.
5. Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашдаги технологик йўқотишларнинг рухсат этилган меъёрларини тасдиқлаш.
6. Бозор конъюнктураси ва энергия ресурсларига бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишни режалаштириш ҳамда инфратузилмани яратишга қаратилган узоқ муддатли инвестиция сиёсатини шакллантиришда ва амалга оширишда иштирок этиш.
7. 2028 йилдан бошлаб электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ таъминотида:

   **(а)** тартибга солинадиган тарифлар ва тўловларни тасдиқлаш;

   **(б)** истеъмолчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хизматлар сифати устидан мониторингни амалга ошириш ҳамда истеъмолчилар мурожаатларини кўриб чиқишнинг самарали тизимини жорий этиш.

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 22 сентябрдаги ПФ–202-сон Фармонига
3-илова

## Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг қўшимча фаолият йўналишлари

1. Қоидабузарликларни аниқлаш ва жазолашга йўналтирилган амалиёт билан бирга услубий кўмак кўрсатиш, қоидабузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш, хавфларни эрта аниқлаш амалиётини жорий қилиш.
2. Хавфларни олдиндан баҳолаш, қоидабузарликлар сабабларини таҳлил қилиш ва уларни бартараф этишга қаратилган профилактик тадбирларни амалга ошириш.
3. Ёқилғи энергетика тармоғидаги корхоналар ва истеъмолчилар учун қонунчиликда белгиланган мажбурий талабларни содда, очиқ ва тушунарли шаклда эълон қилиш ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирларини доимий амалга ошириш.
4. Назорат тадбирларини хавф даражасига асосланган ёндашув орқали ташкил этиш, огоҳлантириш ва камчиликларни ихтиёрий бартараф этиш учун муддат бериш амалиётини қўллаш.
5. Энергетика объектларини авариялар содир бўлиши, техник ҳолати ҳамда қонунчилик ва техник қоидалар талабларига риоя этиш кўрсаткичлари бўйича ҳар йили рейтинг баҳолашни амалга ошириш ҳамда очиқлик ва шаффофлик тамойиллари асосида эълон қилиб бориш.

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 22 сентябрдаги ПФ–202-сон Фармонига
4-илова

## Республика истеъмолчиларини ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлашни ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Чора-тадбирлар | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Вазирлик, Регулятор, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари | Истеъмолчиларнинг тармоқлар ва ҳудудлар кесимидаги ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган талабининг уч йиллик прогнозларини ишлаб чиқиш | Ҳар йилнинг август ойига қадар |
| 2-босқич | Вазирлик, Регулятор, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги | Истеъмолчиларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлаш бўйича уч йиллик ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш | Ҳар йилнинг август ойига қадар |
| 3-босқич | Вазирлар Маҳкамаси | Истеъмолчиларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлаш бўйича уч йиллик ривожлантириш режасининг тасдиқланишини таъминлаш, эълон қилиш ва ижрога қаратиш | Ҳар йилнинг октябрь ойига қадар |
| 4-босқич | Вазирлик, Регулятор, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги | Истеъмолчиларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлаш бўйича уч йиллик ривожлантириш режасининг бажарилишини мониторинг қилиш | Доимий |

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 22 сентябрдаги ПФ–202-сон Фармонига
5-илова

## Ёқилғи-энергертика тармоғида истиқболли инвестиция лойиҳалари режасини ишлаб чиқиш уларнинг танлов ҳужжатлари тўпламини тайёрлаш СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Чора-тадбирлар | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Регулятор ва Вазирлик | Ёқилғи-энергетика тармоғида истиқболли инвестиция лойиҳалари режасини (кейинги ўринларда – Инвестиция режаси) ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш | Ҳар йилнинг ноябрь ойига қадар |
| 2-босқич | Вазирлар Маҳкамаси | Инвестиция режасини тасдиқлаш, эълон қилиш ва ижрога қаратиш | Ҳар йилнинг якунига қадар |
| 3-босқич | Буюртмачи (давлат шериги), лойиҳалаштириш институтлари | Инвестиция режасидаги лойиҳаларнинг танлов ҳужжатлари тўпламини *(танлов иштирокчиларига қўйиладиган малака талаблари, лойиҳанинг техник кўрсаткичлари, лойиҳани бошлашда рухсат этиш билан боғлиқ ҳужжатлар ва бошқаларни)* тайёрлаш ва очиқ эълон қилиб бориш | Инвестиция режасига асосан |
| 4-босқич | Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари | Инвестиция режасига киритилган лойиҳалар учун талаб этиладиган ер участкаларини тегишлилиги бўйича маҳаллий ҳокимликлар захирасига қайтариш ва лойиҳаолди ҳужжатларига мувофиқ Энергетика вазирлигига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш | Инвестиция режасига асосан |
| 5-босқич | Буюртмачи (давлат шериги) | Лойиҳа ташаббускорини (амалга оширувчини) қонунчиликда белгиланган тартибда тендер асосида аниқлаш | Инвестиция режасига асосан |
| 6-босқич | Буюртмачи (давлат шериги) | Инвестиция режасига кўра инвестицияларни ўзлаштириш, лойиҳаларни белгиланган муддатда амалга ошириш ва ишга туширилишини таъминлаш | Инвестиция режасига асосан |

**Изоҳ:** *маҳаллий ташкилот ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ва кредитлари асосида амалга ошириладиган лойиҳалар бундан мустасно.*

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 22 сентябрдаги ПФ–202-сон Фармонига
6-илова

## Ёқилғи-энергетика тармоғини ислоҳ қилиш, норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ва тармоқни рақамлаштириш бўйича ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш шакли | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. Ёқилғи-энергетика тармоғида институционал ислоҳотларни амалга ошириш ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш** | | | | | |
| 1. | Ёқилғи-энергетика тармоғида давлат органлари ва ташкилотлари функцияларини мақбуллаштириш. | 1. Ёқилғи-энергетика тармоғида давлат органлари ва ташкилотлари функцияларини таҳлил қилиш, такрорланувчи ва ортиқча функцияларни аниқлаш ва мақбуллаштириш.<br>2. Ёқилғи-энергетика тармоғидаги давлат органлари ва ташкилотларининг функция ва вазифаларини ўзгартириш ҳамда уларнинг низомларига ўзгартиришлар киритиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | Бир ой муддатда<br><br>Уч ой муддатда | Энергетика вазирлиги *(Ходжаев)*, Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Мустафаев)*, Ўзэнергоинспекция *(Исоқжонов)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)* |
| 2. | Вазирлик ва идораларнинг табиий ва суюлтирилган газ бозорларини тартибга солиш ваколатларини Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлигига ўтказиш. | 1. Электр энергияси ҳамда табиий ва суюлтирилган газ бозорларини иқтисодий тартибга солиш соҳасида Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги ваколатларини кенгайтириш, қўшимча функция ва вазифалар юклашни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>2. Ҳужжат лойиҳасини ўрнатилган тартибда вазирлик ва идоралар билан келишиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | Бир ой муддатда<br><br>Уч ой муддатда | Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Мустафаев)*, Энергетика вазирлиги *(Ходжаев)* |

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш шакли | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 3. | Ўзэнергоинспекцияга қоидабузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш, хавфларни эрта аниқлашга қаратилган “**превентив назорат модели**”га асосланган қўшимча вазифаларни юклаш. | 1. Ўзэнергоинспекцияга қоидабузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш, хавфларни эрта аниқлашга қаратилган “**превентив назорат модели**”га асосланган қўшимча вазифаларни юклаш бўйича ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>2. Ҳужжат лойиҳасини ўрнатилган тартибда вазирлик ва идоралар билан келишиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | Бир ой муддатда<br><br>Уч ой муддатда | Ўзэнергоинспекция *(Исоқжонов)*, Энергетика вазирлиги *(Ходжаев)*, Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Мустафаев)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)* |
| 4. | Халқаро молия институтлари билан ислоҳотларни мувофиқлаштириш. | Жаҳон банки, ОТБ, ЕТТБ, ХМК ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бозор модели, тариф сиёсати, клиринг ва маълумотлар базаси бўйича техник кўмак дастурларини жалб қилиш. | Амалий чора-тадбирлар | Доимий | Энергетика вазирлиги *(Ходжаев)*, Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Мустафаев)* |
| 5. | Ўзбекистон Республикасининг “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Қонунига мазкур Фармондан келиб чиқиб, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш. | 1. Ўзбекистон Республикасининг “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>2. Қонун лойиҳасини белгиланган тартибда вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш.<br>3. Қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | Уч ой муддатда<br><br>Белгиланган тартибда | Энергетика вазирлиги *(Ходжаев)*, Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)* |
| 6. | Ёқилғи-энергетика ресурслари бозорларида рақобат ва камситмаслик тамойилларини | 1. Халқаро консультантларни жалб қилган ҳолда ёқилғи-энергетика тармоғининг ҳар | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2027 йил апрель | Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги, |

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш шакли | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | таъминлаш бўйича қоидаларни ишлаб чиқиш. | бир йўналиши бўйича бозорни тартибга солувчи қоидаларни ишлаб чиқиш.<br>2. Ҳужжат лойиҳасини ўрнатилган тартибда вазирлик ва идоралар билан келишиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | | 2027 йил июнь | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Мустафаев)*, Энергетика вазирлиги *(Ходжаев)*, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси *(Турахужаев)* |
| 7. | Ёқилғи-энергетика тармоғида давлат хизматларини, шу жумладан, техник шартларни бериш ва келишиш жараёнларини соддалаштириш. | 1. Ёқилғи-энергетика тармоғида давлат хизматларини, шу жумладан, техник шартларни бериш ва келишишни тўлиқ **проактив** шаклга ўтказиш бўйича тегишли ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>2. Ҳужжат лойиҳасини ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | Уч ой муддатда<br>Белгиланган тартибда | Энергетика вазирлиги *(Ходжаев)*, Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги, Ўзэнергоинспекция *(Исоқжонов)*, Адлия вазирлиги *(Ташкулов)* |
| 8. | “Яшил энергия” МЧЖни ислоҳ қилиш ҳамда унинг фаолиятидан олинадиган даромадларни энергия самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш. | 1. “Яшил энергия” МЧЖ устав капиталидаги Энергетика вазирлигининг улушини Энергия самарадорлиги миллий агентлигига баланс қийматида ўтказиш.<br>2. “Яшил энергия” МЧЖ устав капиталидаги тижорат банклари ҳамда уларга тегишли шўъба корхоналарининг улушларини Энергия самарадорлиги миллий агентлигига бозор қийматида баҳоланган қийматда мос равишда давлат улуши бўйича келгусида ҳисобланадиган дивидендлар ҳисобидан чегириш орқали реализация қилиш ҳамда мазкур шўъба корхоналари томонидан | Амалий чора-тадбирлар | Бир ҳафта муддатда<br>Бир ой муддатда | Давлат активларини бошқариш агентлиги *(Муродов)*, Энергетика вазирлиги *(Ходжаев)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Мустафаев)*, Энергия самарадорлиги миллий агентлиги *(Бадриддинов)*, “Яшил энергия” МЧЖ *(Насретдинов)* |

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



| T/p | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш шакли | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | тижорат банкларига тўланадиган дивидендлар эвазига топшириш.<br>3. 2027 йилдан бошлаб "Яшил энергия" МЧЖ устав капиталидаги давлат улуши бўйича олинадиган дивидендларни республикада амалга ошириладиган энергия самарадорлиги тадбирларини молиялаштиришга йўналтириш. | | Доимий | |
| **II. Ёқилғи-энергетика ресурсларини прогнозлаш ва стратегик режалаштириш** | | | | | |
| 9. | 2050 йилга қадар истеъмолчиларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш. | 1. 2050 йилга қадар истеъмолчиларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича республика ишчи гуруҳини тузиш.<br>2. 2050 йилга қадар ҳудудлар ва тармоқларнинг ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган талабини аниқлаш.<br>3. 2050 йилга қадар истеъмолчиларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш.<br>4. Концепцияни тасдиқлаш бўйича тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | Икки ҳафта муддатда<br><br>2026 йил октябрь<br><br>2026 йил ноябрь<br><br>2026 йил декабрь | Энергетика вазирлиги *(Ходжаев)*, Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Мустафаев)*, Ўзэнергоинспекция *(Исоқжонов)* |
| 10. | Ёқилғи энергетика тармоғини 2035 йилгача рақамли трансформация қилиш стратегиясини қуйидагиларни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқиш:<br>ёқилғи-энергетика тармоғини рақамли трансформация қилиш;<br>соҳанинг ягона рақамли архитектураси ва ягона | 1. Соҳада рақамлаштириш бўйича амалга оширилган лойиҳалар ва мавжуд ахборот тизимлари хатловини ўтказиш.<br>2. Ёқилғи энергетика тармоғини 2035 йилгача рақамли трансформация қилиш стратегиясини тасдиқлашни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил октябрь<br><br>Белгиланган тартибда | Энергетика вазирлиги *(Ходжаев)*, Рақамли технологиялар вазирлиги *(Шерматов)*, ёқилғи-энергетика тармоғи корхоналари |

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш шакли | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | маълумотлар платформасини шакллантириш;<br>сунъий интеллект ва илғор рақамли технологияларни жорий қилиш;<br>тармоқ кўрсаткичларини онлайн прогнозлаш, мониторинг қилиш, риск-менежмент тизимини жорий этиш. | | | | |
| **III. Энергетика тизимида молиявий операциялар ва пул оқимларини бошқариш механизмларини ислоҳ қилиш** | | | | | |
| 11. | Электр энергиясининг улгуржи бозорида “ягона улгуржи нарх” механизмларини жорий этиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш. | 1. Электр энергиясининг улгуржи бозорида “ягона улгуржи нарх” механизмларини жорий этиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш ва асосли таклифлар тайёрлаш.<br>2. Ўрганишлар ижобий натижа берса, “ягона улгуржи нарх” механизмларини жорий қилиш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Регулятор ва Энергетика вазирлигининг қўшма қарори билан тасдиқлаш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | Икки ой муддатда<br><br>2026 йил декабрь | Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Мустафаев)*, Энергетика вазирлиги *(Ходжаев)* |
| 12. | Электр энергиясининг улгуржи савдо операциялари учун мўлжалланган савдо платформасини ишлаб чиқиш. | 1. Электр энергияси бозори концепцияси ва қоидалари талабларидан келиб чиққан ҳолда электр энергиясининг улгуржи савдо операциялари учун мўлжалланган савдо платформасини яратиш бўйича техник топшириқ лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>2. Техник топшириқ лойиҳасини белгиланган тартибда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш.<br>3. “UZINFOCOM” МЧЖ билан савдо платформасини ишлаб чиқиш бўйича тегишли шартномаларни имзолаш. | Техник топшириқ | 2026 йил ноябрь<br><br>Белгиланган тартибда<br><br>2026 йил декабрь | “Ўзэнергосотиш” АЖ *(Обиджонов)*, Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги, Энергетика вазирлиги (Ходжаев), Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов) |

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш шакли | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 4. Савдо платформасини синов тариқасида ишга тушириш. | | 2027 йил апрель | |
| **IV. Истеъмолчиларни ёқилғи-энергия ресурслари билан таъминлашда қулайликлар яратиш** | | | | | |
| 13. | Табиий газ ва электр энергияси истеъмолчилари учун оммавий оферта шартномасини жорий қилиш. | 1. Табиий газ ва электр энергияси истеъмолчилари учун намунавий оммавий оферта шартномасини ишлаб чиқиш.<br>2. Намунавий оммавий оферта шартномасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.<br>3. Тасдиқланган намунавий оферта шартномасини Энергетика вазирлиги ва “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг расмий веб-сайтларига жойлаштириш.<br>4. “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг мобиль иловасида ҳар бир истеъмолчининг электр таъминотидаги узилишлари тарихини юритиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2026 йил октябрь<br><br>2026 йил декабрь<br><br>2027 йил январь | Энергетика вазирлиги *(Ходжаев)*, Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ *(Исакулов)*, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ *(Ходжаев)*, Ўзэнергоинспекция *(Исоқжонов)*, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси *(Турахужаев)* |
| 14. | Электр таъминотидаги узилишлар белгиланган муддатларда бартараф этилмаганлиги учун истеъмолчиларга компенсация тўлаш механизмини жорий қилиш. | 1. Электр таъминотидаги узилишлар белгиланган муддатларда бартараф этилмаганлиги учун истеъмолчиларга компенсация тўлаш механизми бўйича тегишли ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>2. Ишлаб чиқилган ҳужжат лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил декабрь<br><br>Белгиланган тартибда | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Мустафаев)*, Энергетика вазирлиги *(Ходжаев)*, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси *(Турахужаев)* |

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



| T/p | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш шакли | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 15. | Табиий газ етиб бориши қийин бўлган ҳудудларни электрлаштириш бўйича чора-тадбирларни жадаллаштириш. | 1. Табиий газ етиб бориши қийин бўлган ҳудудларни электрлаштириш учун тажрибали консультантларни жалб қилиш мақсадида халқаро молия институтлари билан музокаралар ўтказиш.<br>2. Халқаро молия институтларининг техник кўмагида тажрибали консультантларни жалб қилиш.<br>3. Жалб қилинган консультантлар билан бирга табиий газ етиб бориши қийин бўлган ҳудудларни электрлаштириш концепциясини қуйидагиларни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқиш:<br>электрлаштириладиган истеъмолчилар, шунингдек, табиий газ таъминоти мавжуд бўлмаган ва иситиш мақсадида электр энергиясидан фойдаланиб келаётган истеъмолчилар учун электр энергиясининг имтиёзли тарифларини белгилаш;<br>электрлаштириш натижасида алмаштириладиган энергия самарадорлиги юқори бўлган маиший техникаларни сотиб олишда қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш.<br>4. Тегишли ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил ноябрь<br><br>2026 йил декабрь<br><br>2027 йил февраль<br><br>2027 йил апрель | Энергетика вазирлиги *(Ходжаев)*,<br>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Мустафаев)*,<br>Энергия самарадорлиги миллий агентлиги *(Бадриддинов)* |
| **V. Ёқилғи-энергетика тармоғидаги кадрлар салоҳиятини ошириш** | | | | | |
| 16. | Ёқилғи-энергетика тармоғида кадрлар салоҳиятини ошириш. | 1. Ёқилғи-энергетика тармоғида кадрларни бозор механизмларига ўтиш, рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини қўллаш, дата-анализ (маълумотлар таҳлили) ва бошқа | Амалий чора-тадбирлар | Бир ой муддатда | Энергетика вазирлиги *(Ходжаев)*,<br>Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги, |

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



| T/p | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш шакли | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | йўналишлар бўйича малакасини ошириш режасини ишлаб чиқиш.<br>2. Режага асосан илғор хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида ривожланган давлатларга стажировкалар ташкил қилиш.<br>3. Стажировкада амалий кўникмаларга устуворлик бериш, олинган тажрибани маҳаллий шароитга мослаштириш ҳамда стажировка якунида тажриба ва билимларни амалиётга жорий этиш режаларини ишлаб чиқиш тизимини йўлга қўйиш.<br>4. Стажировка натижадорлиги бўйича доимий равишда мониторинг ва назоратни олиб бориш.<br>5. Режа асосида ҳудудларда тизимли ўқув-семинар ва тренинглар ташкил этиш. | | Режа асосида<br>Режа асосида<br>Доимий<br>Режа асосида | Ўзэнергоинспекция *(Исоқжонов)*, Бошқарув самарадорлиги агентлиги *(Хусаинов)*, ёқилғи-энергетика тармоғи корхоналари |

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 22 сентябрдаги ПФ–202-сон Фармонига
7-илова

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5059-сон Фармонининг 8-бандида:

**(а)** бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

**(б)** олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишинча бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–14-сон Фармонига 1-иловада “28. Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги” бўлими қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

| **28. Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги** | | | |
|---|---|---|---|
| Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги | 50 | 50 | |
| *шу жумладан, директор ўринбосарлари сони* | *2* | *2* | |

”.

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–57-сон қарорининг 11-банди учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

**4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги “Энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–166-сон Фармонида:

**(а)** 5-бандниng иккинчи – ўн биринчи хатбошилари қуйидаги мазмундаги иккинчи – ўнинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ таъминотида рақобатга асосланган улгуржи ва чакана бозорларни босқичма-босқич ташкил қилишни таъминлаш;

электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ таъминотининг улгуржи ва чакана бозорларида рақобатни қўллаб-қувватлаш, бозорнинг жозибадорлигини ҳамда талаб ва таклифнинг мутаносиблигини таъминлаш;

электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ таъминотининг рақобатга асосланган улгуржи ва чакана бозорлари иштирокчилари учун тенг ҳуқуқ ва шаффофликни таъминловчи қонун-қоидаларга риоя этилиши устидан давлат назоратини ўрнатиш;

электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ таъминотининг рақобатга асосланган улгуржи ва чакана бозорлари иштирокчилари фаолиятини лицензиялаш, уларнинг лицензия шартларига амал қилишини назорат қилиш;

электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашдаги технологик йўқотишларнинг рухсат этилган меъёрларини тасдиқлаш;

бозор конъюнктураси ва энергия ресурсларига бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишни режалаштириш

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



ҳамда инфратузилмани яратишга қаратилган узоқ муддатли инвестиция сиёсатини шакллантиришда ва амалга оширишда иштирок этиш;

2028 йилдан бошлаб электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ таъминотида тартибга солинадиган тарифлар ва тўловларни тасдиқлаш;

2028 йилдан бошлаб электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ таъминотида истеъмолчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хизматлар сифати устидан мониторингни амалга ошириш ҳамда истеъмолчилар мурожаатларини кўриб чиқишнинг самарали тизимини жорий этиш";

**(б)** 10-бандниng "г" кичик банди биринчи хатбошисидаги "30" рақами "50" рақами билан алмаштирилсин.

**5.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 17 январдаги "Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–28-сон қарорида:

**(а)** 2-бандниng биринчи хатбошисидаги "30" рақами "50" рақами билан алмаштирилсин;

**(б)** 3-бандниng учинчи хатбошисида "электр энергетикаси соҳасида" сўзлари "электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ таъминоти соҳаларида" сўзлари билан алмаштирилсин;

**(в)** 1-иловада:

(i) 1–3-бандлардаги "Электр энергиясининг" сўзлари "Электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ таъминоти соҳаларининг" сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) 4-бандда "Электр энергиясининг рақобатга асосланган улгуржи ва чакана бозорлари" сўзлари "Электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ таъминоти соҳаларидаги бозор" сўзлари билан алмаштирилсин;

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



(iii) 5 ва 6-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. 2028 йилдан бошлаб электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ таъминоти соҳаларида тартибга солинадиган тарифлар ва тўловларни белгилаш услубиётларини ишлаб чиқиш.

6. Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашдаги технологик йўқотишларнинг рухсат этилган меъёрларини тасдиқлаш”.

**6.** Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 июлдаги 484-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчиларни электр энергияси ва табиий газ тармоқларидан узиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 23-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**7.** Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 319-сон қарорида:

**(а)** 1-иловада:

(i) 2-банд қуйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“**намунали истеъмолчи** – ЭҲАТга уланган ва масофадан бошқариш имкониятига эга ҳисобга олиш ускунаси билан таъминланган, электр энергияси учун муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаган ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш ва уни ҳисобга олиш бўйича қоидабузарликларга йўл қўймаган истеъмолчи (маиший истеъмолчилар ва охирги икки ой давомида тўлов интизомига риоя қилмаган истеъмолчилар бундан мустасно);

ўн биринчи – қирқ учинчи хатбошилар тегишлича ўн иккинчи – қирқ тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(ii) 20-бандда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



(iii) 78-бандниng саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“тунги давр соатларида — белгиланган тариф;

ярим тиғиз давр соатларида — белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда камаювчи коэффициент қўллаб амалга оширилади”;

(iv) 84-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“84. ЭҲНАТга уланган ҳисоблагичга эга бўлган истеъмолчиларга электр энергияси олдиндан тўланган тўлов доирасида етказиб берилади. Бунда намунали истеъмолчининг шахсий ҳисобварағидаги маблағ тугаганда электр энергиясини етказиб бериш ЭҲНАТ орқали автоматик равишда тўхтатилади ҳамда маблағ келиб тушгандан сўнг автоматик равишда тикланади”;

(v) 88-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“88. Электр энергияси учун тўлов қуйидаги тартибда амалга оширилади:

маиший истеъмолчилар ҳар ойнинг 10-санасига қадар ўтган ойда истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт, ЭҲНАТга уланган маиший истеъмолчилар бундан мустасно;

ЭҲНАТга уланган маиший истеъмолчилар қарздорлиги мавжуд бўлганда, дастур орқали дарҳол тармоқдан узилади;

истеъмолчиларга (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергияси 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилади, намунали истеъмолчилар бундан мустасно;

намунали истеъмолчилар ҳисобот ойи учун шартномада белгиланган электр энергияси қийматининг 15 фоизини ҳисобот ойи бошлангунига қадар олдиндан тўлайди;

QMMB: 06/26/202/0965-son
24.09.2026-y.



ҳисобот ойининг қолган қисми учун тўловлар истеъмолчи томонидан электр энергиясига бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, ҳисобот ойи давомида ихтиёрий равишда қисмларга бўлиб амалга оширилади;

истеъмолчининг шахсий ҳисобварағидаги маблағнинг тугаши ва шу муносабат билан электр энергиясини етказиб беришнинг автоматик тўхтатилиши тўлов интизомининг бузилиши ҳисобланмайди;

намунали истеъмолчида муддати ўтган қарздорлик юзага келганда, ЭҲНАТ билан маълумот алмашинуви унинг айби билан бузилганда, ҳисобга олиш ускунаси ишига аралашиш ёки электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолати аниқланганда, намунавий истеъмолчи мақомини йўқотади;

15 фоизлик олдиндан тўлов тартибини қўллаш учун белгиланган талабларга истеъмолчи қайта мувофиқ бўлганда, мазкур тартиб кейинги ҳисобот ойидан автоматик равишда тикланади;

истеъмолчининг 15 фоизлик олдиндан тўлов тартибидан фойдаланиш ҳуқуқи ЭҲНАТ ва ҳисоб-китоб маълумотлари асосида автоматик равишда аниқланади. Бунда истеъмолчидан алоҳида мурожаат ёки қўшимча келишув тузиш талаб этилмайди;

| **12.** | Оролқум, Қизилқум, Чотқол, Қурама, Ҳисор, Туркистон ва Зарафшон тоғ тизмалари ҳамда бошқа чўл ва тоғли ҳудудларда касаллик ва зараркунандалар тарқалган **400 минг гектар** майдонни соғломлаштириш бўйича 2036 йилгача мўлжалланган босқичма-босқич чора-тадбирларни амалга ошириш. | 1. Зарарланган майдонларни хатловдан ўтказиб, хавф даражаси ва кураш усуллари бўйича манзилли дастурни тасдиқлаш.<br>2. Фанлар академияси, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ва бошқа илмий муассасалар иштирокида дала экспедицияларини ташкил этиш.<br>3. Амалий ишларни Яшил боғларни бошқариш ўрмон илмий-тажриба марказининг дарахт касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашиш хизмати томонидан илмий хулосалар асосида, биологик усулларга устуворлик берган ҳолда олиб бориш. | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари | Икки ой муддатда<br><br>Ҳар йили баҳор мавсумида | Экология қўмитаси Ўрмон агентлиги, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси, Фанлар академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 4. Кимёвий препаратларни фитосанитария хулосаси, рухсат этилган препаратлар рўйхати ва атроф-муҳит ҳамда аҳоли хавфсизлиги талабларига мувофиқ равишда қўллаш. | | | |
| **13.** | Уруғ, ниҳол ва кўчатларни танлаш, экиш, парваришлаш ҳамда униб чиқиш ва сақланиш натижаларини баҳолашнинг ягона услубиятини ишлаб чиқиш. | 1. Уруғнинг келиб чиқиши, сифат ва лаборатория текшируви, экиш материали тоифалари, ҳудудий агротехника ҳамда намуналар танлаш мезонларини белгилаш.<br>2. Униб чиқиш ва сақланишни ҳисоблаш формулалари, бошланғич сон, баҳолаш даврлари, қуриб қолган ва қайта экилган кўчатлар ҳисоби, фото-геомаълумотлар ҳамда текшириш далолатномаларининг шаклларини ишлаб чиқиш.<br>3. Услубиятни турли тупроқ-иқлим шароитларида мавжуд тажриба участкаларида синовдан ўтказиб, илмий хулосалар ва манфаатдор идоралар таклифлари асосида такомиллаштириш.<br>4. Услубият ва уни жорий этиш бўйича ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш, масъулларни | Зарур қўшимча дала ва лаборатория тадқиқотлари учун белгиланган тартибда ажратиладиган илмий грантлар | Уч ой муддатда | Ўрмон агентлиги, Фанлар академияси, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси, Экология қўмитаси |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | ўқитиш ва натижаларнинг ягона электрон ҳисобини юритиш. | | | |
| **14.** | Қизилқумда А–380 автомобиль йўлининг қум босиш хавфи юқори бўлган 5 километрлик қисмида комплекс ўрмон-мелиорация синов лойиҳасини амалга ошириш. | 1. Йўл баланс сақловчиси билан хавфли 5 километрлик қисм ва туташ участкаларни аниқлаш, ердан фойдаланиш ҳуқуқи, коммуникациялар ва муҳофаза минтақаси чекловларини текшириш.<br>2. Хитой тажрибасини мослаштириб, 1×1 метрлик экологик хавфсиз механик тўсиқлар ва 3–5 қаторли қурғоқчиликка чидамли дарахт-буталар белбоғини лойиҳалаш. Кўриниш, ҳаракат хавфсизлиги, сув таъминоти, парвариш ва ёнғин хавфсизлигини ҳисобга олган ҳолда тасдиқлаш, талаб этиладиган экспертизалардан ўтказиш.<br>3. Молиялаштириш тасдиқлангач, давлат харидлари тартибида ижрочини танлаб, тўсиқларни ўрнатиш ва мавсумий экишни амалга ошириш, ишларни далолатнома билан қабул қилиб, сақлашга масъулни белгилаш.<br>4. Синов ва таққослаш участкаларида қум тўпланиши, йўлни тозалаш харажатлари ва кўчатлар сақланишини камида икки мавсум | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси ва маҳаллий бюджет маблағлари, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган маблағлар | 2027 йилдан бошлаб<br><br>Икки ой муддатда | Ўрмон агентлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Экология қўмитаси, Транспорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | кузатиб, кенгайтириш бўйича хулоса тайёрлаш. | | | |
| 15. | Ўрмон фондида зараркунандалар ва касалликларни эрта аниқлаш, профилактика ва комплекс ҳимоя тадбирларини ташкил этиш. | 1. Энтомологик ва фитопатологик зарарланган майдонлар харитаси ва хавф даражасини шакллантириш, йиллик ҳимоя режаси, зарур воситалар ва харажатлар ҳисобини тасдиқлаш.<br>2. Ташхис натижасига кўра механик ва биологик чораларни устувор қўллаш, кимёвий ишловни рухсат этилган препаратлар, қўллаш регламенти ва хавфсизлик талаблари асосида ташкил этиш.<br>3. Карантин объекти аниқланганда ваколатли карантин органига хабар бериш ва белгиланган чекловларга риоя қилиш, ишлов олдидан аҳоли ва асаларичиларни хабардор этиш, сув объектлари ва муҳофаза этиладиган ҳудудлар режимини сақлаш.<br>4. Ҳимоя ишларини майдон, восита сарфи ва самарадорлик далолатномалари билан қабул қилиш, ўрмон ходимларини ташхис, меҳнат муҳофазаси ва воситалардан хавфсиз фойдаланиш бўйича ўқитиш. | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари | Доимий<br><br>2027–2036 йиллар, ҳар чорак | Ўрмон агентлиги Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси, Экология қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 16. | Кўкаламзорлаштиришда органик мульчадан фойдаланишнинг ягона агротехник талабларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. | 1. Тупроқ, иқлим ва ўсимлик турларини ҳисобга олган ҳолда мульча материаллари, тозалиги, фитосанитария хавфсизлиги, намлик назорати ҳамда янгилаш даврийлиги бўйича талаблар лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>2. Органик мульча қатламини 5–8 сантиметрда ётқизиш, дарахт танасига тегизмаслик ва сарфни амалда қопланадиган майдон бўйича ҳисоблашни назарда тутиш, илмий асосланган истисноларни белгилаш.<br>3. Талабларни илмий муҳокама ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, ваколат доирасида тасдиқлаш, умуммажбурий норма белгиланганда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда киритиш.<br>4. Тасдиқланган талабларни техник топшириқлар ва технологик карталарга киритиш, ўқитиш ҳамда ишларни қабул қилишда майдон ва материал сифатини қайд этиш. | Маблағ талаб этмайди | 2027 йил август | Ўрмон агентлиги, Экология қўмитаси, Фанлар академияси, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **3. Ўрмон фонди ерларини кенгайтириш, ўрмонлаштириш ва чўлланишга қарши курашиш ишлари кўламини ошириш** | | | | | |
| **17.** | Чўл ҳудудларида экологик барқарорликни таъминлаш билан биргаликда юқори қўшимча қийматга эга бўлган **“Чўл саноати” (Deseret Industries)** моделини синов тариқасида қўллаш чораларини кўриш. | 1. “Чўл саноати” (Deseret Industries) модели ва уни Ўзбекистонда синов тариқасида қўллаш бўйича таҳлилий маълумотларни тайёрлаш.<br>2. Таҳлилий маълумотлар асосида синов лойиҳаларини ишлаб чиқиш.<br>3. Ишлаб чиқилган лойиҳаларни амалга ошириш (молиялаштириш) мақсадида Инновацион ривожланиш агентлигига тақдим этиш. | Қонунчиликда тақиқланмаган маблағлар | 2027 йил май<br><br>2027 йил ноябрь | Ўрмон агентлиги, Инновацион ривожланиш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Экология қўмитаси, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги |
| **18.** | Республика ҳудудларида **ўрмон барпо этиш ва қайта тиклаш** тадбирларини амалга ошириш. | 1. Ўрмон барпо этиш ишлари бажариладиган майдонларни аниқлаш ва режа тақсимотини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш.<br>2. “Яшиллойиҳа” лойиҳалаш институти томонидан лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш.<br>3. Тупроқ-иқлим шароитига мос дарахт-буталарнинг уруғ ва кўчатлари захирасини яратиш.<br>4. Белгиланган ҳудудларда (тоғли, чўл, водий-тўқай) **1,6 млн** гектар майдонда ўрмон барпо этиш ишларини амалга ошириш. | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари, ижрочилар маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2027–2036 йиллар | Ўрмон агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| **19.** | Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида лойиҳа | 1. Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида **галофит ўсимликларнинг** | Умуммиллий экологик | 2027 йил декабрь | Экология қўмитаси, |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | асосида **галофит ўсимликларнинг илмий тажриба участкаларини** барпо этиш. | **илмий тажриба участкаларини** ташкил этиш, туман ва ҳудудлар кесимида ер майдонларини танлаш.<br>2. Галофит ўсимликлар уруғлари захирасини яратиш.<br>3. Яйлов ва бошқа кўп йиллик ўсимликларни (галофит) кенг майдонларда экиш ишларини олиб бориш, **15 гектар** майдонда **галофит ўсимликларнинг илмий тажриба участкаларини** ташкил этиш.<br>4. Ушбу боғларда илмий фаолиятни йўлга қўйиш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш. | муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари | | Ўрмон агентлиги, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари |
| **20.** | Болгариялик инвесторлар билан ҳамкорликда **ўрмонларни барпо этиш ва замонавий бошқариш** бўйича йирик лойиҳани амалга ошириш. | 1. Инвестор билан ҳамкорликда ер майдонларини аниқлаш.<br>2. Лойиҳа доирасида деградацияга учраган **50 минг** гектар майдонларини тиклаш, **100 минг** гектар мавжуд ўрмонларни бошқаришда замонавий услублар жорий этиш бўйича ҳудудлар кесимида тақсимотни тасдиқлаш.<br>3. Лойиҳанинг ташкилий ва смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш масаласини ҳал қилиш. | Инвестор маблағлари | 2027–2035 йиллар | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Экология қўмитаси |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 4. Лойиҳани босқичма-босқич амалга ошириш. | | | |
| **21.** | Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида **писта плантацияларини** ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш. | 1. **Самарқанд ва Сурхондарё** вилоятларида писта плантацияларини ташкил этиш мумкин бўлган ер майдонларини белгилаб олиш.<br>2. Пайариқ, Нуробод, Қўшработ, Иштихон, Каттақўрғон туманларида **50 минг гектар**, Узун туманида **5 минг гектар** писта плантацияларини ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш. | Маҳаллий бюджет маблағлари | 2026–2035 йиллар | Ўрмон агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари |
| **22.** | Ўрмон фонди ерларида **ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари** мониторингини юритиш. | 1. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг биологик хилма-хиллигини ҳисобга олиш, улар бўйича бирламчи кадастр маълумотларини шакллантириш, атроф-муҳит мониторингини юритиш мақсадида ҳар бир ўрмон хўжалигида тегишли штат бирликларини жорий этиш.<br>2. Маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш.<br>3. Ўрмон фонди ерларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари мониторингини юритиш. | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари | Уч ой муддатда<br><br>Доимий | Экология қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 23. | Чўл ҳудудларида яшил ҳудудларни кенгайтириш бўйича илмий, амалий ва инновацион технологияларни жорий этиш бўйича **лойиҳаларни** амалга ошириш. | 1. Оролқум, Қизилқум ва бошқа чўл ҳудудларида яшил қопламалар, кўчатхоналарни барпо этиш бўйича лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш.<br>2. Молиялаштириш мақсадида халқаро молия институтларига ва Инновацион ривожланиш агентлигига лойиҳа таклифларини тақдим этиш. | Халқаро молия институтлари ва илмий дастурлар доирасида ажратиладиган маблағлар | 2027–2036 йиллар | Ўрмон агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 24. | Чўлланишга қарши курашишда янги технологияларни жорий этиш бўйича **халқаро семинарларни** ташкил этиб бориш. | 1. “Хитой-Марказий Осиё” чўлланишга қарши курашиш маркази билан ҳамкорликда Хитой, Марказий Осиё ва бошқа давлатлар иштирокида чўлланишга қарши курашишда янги технологияларни жорий этиш бўйича халқаро илмий-амалий семинарлар ташкил этиб бориш.<br>2. Семинар давомида қўшни давлатлар билан инновацион лойиҳалар муҳокамасини ўтказиш, амалий тажрибалар алмашиш, ОАВларда кенг ёритиб бориш. | “Хитой-Марказий Осиё” чўлланишга қарши курашиш маркази маблағлари | 2027–2036 йиллар, ҳар йили май ойида | Экология қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 25. | Аҳолини экологик хавфлардан ҳимоялаш ва унинг турмуш тарзига салбий таъсирини камайтириш, чанг бўронлари содир бўлганда бажариладиган **тезкор** | 1. Чанг бўронларининг атроф-муҳитга ва аҳолининг санитар турмуш тарзига салбий таъсири тўғрисида илмий-амалий ташвиқот ишларини олиб бориш. Бунда олимлар ва соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси | Доимий | Экология қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадио-компанияси |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | **чоралар бўйича тайёрлаш ва кўникмалар бериш**. | аҳоли учун махсус кўрсатувлар, видеороликлар, давра суҳбатлари ва учрашувларни ташкил қилиш, рекламалар тайёрлаш, кўргазмали стендлар намойиш қилиш.<br>2. Тайёрланган махсус кўрсатувлар ва рекламаларни ОАВ орқали кенг оммага етказиш. | маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар | | |
| **26.** | Хўжайли ва Қораўзак давлат ўрмон хўжаликларида ҳар бири 5 гектардан, жами 10 гектар манзарали дарахт ва бута кўчатхоналарини ташкил этиш. | 1. Ўрмон хўжаликларининг қонуний фойдаланишидаги ерлардан 5 гектардан майдон танлаш, тупроқ, шўрланиш ва сув манбасини ўрганиб, чегаралар ҳамда ўрмон тузиш ҳужжатларини мувофиқлаштириш.<br>2. Кўчат турлари, йиллик қувват, суғориш, жиҳозлар, уруғлик ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжни белгилаб, лойиҳа-смета ҳамда камида уч йиллик эксплуатация харажатларини тасдиқлаш.<br>3. Тасдиқланган маблағ доирасида харидларни ўтказиш, инфратузилмани тайёрлаш, ходимларни ўқитиш ва сифатли уруғ-кўчат асосида етиштиришни бошлаш, импорт материаллар учун карантин талабларини бажариш. | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф етиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари | 2027 йил якунига қадар | Ўрмон агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Сув хўжалиги вазирлиги, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 4. Кўчатхоналарни далолатнома билан ишга тушириш, етиштирилган кўчатлар сифати, сони, сақланиши ва сотилиши ҳисобини юритиш. | | | |
| **27.** | Шўртан, Жиззах, Наманган ва бошқа давлат ўрмон хўжаликларида ниҳолхона ва кўчатхоналарни барпо этиш ҳамда кенгайтириш орқали қўшимча 7 миллион дона сифатли кўчат ва ниҳол захирасини яратиш. | 1. Ер ҳуқуқлари, мавжуд қувват, тупроқ ва сув таъминотини ўрганиб, 7 миллион дона қўшимча захирани хўжаликлар ва турлар кесимида белгилаш, етиштириш циклини ҳисобга олган ҳолда манзилли дастур ва сметани тасдиқлаш.<br>2. Ердан фойдаланишни расмийлаштириш, сув манбаи ва лимитларини келишиш ҳамда лойиҳа экспертизасини таъминлаш, молиялаштириш манбаси тасдиқланган объектлар бўйича харидларни ўтказиш.<br>3. Сув тежовчи суғориш технологиялари, ниҳол етиштириш, соялатиш ва сақлаш инфратузилмасини қуриш ёки модернизация қилиш, қабул далолатномаси билан балансга олиш.<br>4. Келиб чиқиши ва сифати ҳужжатлаштирилган уруғ-кўчат материалини етиштириш. Бунда мавжуд захирадан алоҳида қўшимча 7 миллион дона материални хатловдан | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф етиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари | 2027 йил якунига қадар | Ўрмон агентлиги, Экология қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси, Қашқадарё, Жиззах, Наманган вилояти ҳокимликлари |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | ўтказиш, фитосанитария ҳолати ва реал тайёрлигини тасдиқлаш. | | | |
| **4. Рақамлаштириш ва малакали кадрлар тайёрлаш** | | | | | |
| **28.** | Ҳар бир ўрмон ҳудудининг **“яшил паспорти”**ни яратиш. | 1. Космик мониторинг технологиялари асосида ҳар бир ўрмон ҳудуди бўйича дарахт билан қопланган майдонлар, ўрмон захиралари, фитосанитария ҳолати, иссиқхона газларини сингдириш салоҳияти, ўрмон ёнғини хавфи, ноқонуний дарахт кесиш ҳолатлари ҳамда ер қопламасидаги ўзгаришларни автоматик аниқлаш тизимини жорий этиш.<br>2. Шакллантирилган маълумотларни “Smart Forestry” ахборот платформаси билан интеграция қилиш орқали ўрмон ресурсларининг ҳолатини таҳлил қилиш, баҳолаш ва реал вақт режимида мониторинг қилиш имкониятини яратиш.<br>3. Ҳар бир ўрмон ҳудудини ягона идентификация рақами, географик координаталари ва функционал тоифаси (тоғ ўрмонлари, чўл ўрмонлари, маданий ўрмонлар, тўқайзорлар, яйловлар ва бошқалар) бўйича рақамли тавсифлаш ҳамда электрон реестрни шакллантириш. | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2028 йил март | Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўрмон агентлиги, “Ўзбеккосмос” агентлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Кадастр агентлиги, Гидрометеорология хизмати агентлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 4. Ўрмон ёнғини хавфи, касаллик ва зараркунанда тарқалиши, қуриш жараёнлари, ноқонуний дарахт кесиш ҳолатлари, сув таъминоти муаммолари ва бошқа хавфли ҳолатлар аниқланганда масъул ташкилотлар ҳамда мансабдор шахсларга “Smart Forestry” тизими орқали автоматик хабарнома (СМС, электрон почта) юбориш, тезкор чора кўриш механизмларини жорий этиш. | | | |
| **29.** | **“Яшил олам”** электрон савдо тизимини жорий этиш орқали ўрмончилик соҳасида етиштирилаётган ўрмон маҳсулотлари ва хизматларининг электрон тижоратини ташкил этиш. | 1. “Smart Forestry” ягона ахборот платформаси таркибида “Яшил олам” электрон тижорат қуйи тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали ўрмон маҳсулотлари (кўчатлар, асал, доривор ўсимликлар, ёнғоқ, бодом, ёғоч маҳсулотлари ва бошқалар) ҳамда хизматларни онлайн сотиш имкониятини яратиш.<br>2. Кўчатларни харид қилиш, интерактив харита орқали экиш манзилини танлаш, етказиб бериш, экиш, парваришлаш ва муҳофаза қилиш хизматларини онлайн буюртма асосида ташкил этиш ҳамда экилган кўчатларнинг ҳолати тўғрисида фото, | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари, ижрочилар маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2028 йил март | Ўрмон агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Кадастр агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | видео ва геолокация маълумотлари асосида буюртмачини мунтазам хабардор қилиш механизмларини жорий этиш.<br>3. Сотувчилар ва харидорлар ўртасида электрон шартномаларни автоматик шакллантириш, уларни электрон рақамли имзо орқали тасдиқлаш, электрон ҳисобварақ-фактуралар ва тўлов инвойсларини яратиш ҳамда миллий ва халқаро электрон тўлов тизимлари билан интеграция қилиш орқали онлайн тўловларни амалга ошириш имкониятини таъминлаш.<br>4. Фойдаланувчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва мурожаатларини қабул қилиш, хизматлар сифати ҳамда ижрочилар фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизимини жорий этиш орқали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш.<br>5. Ахборот тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, модернизация қилиш, техник қўллаб-қувватлаш ва сервис хизматларини молиялаштириш мақсадида сотилган маҳсулотлар ёки кўрсатилган хизматлар бўйича тузилган шартномалар қийматининг 5 фоизи | | | |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | миқдоридаги маблағни автоматик равишда Ўрмон хўжалигини рақамлаштириш марказининг махсус ҳисоб рақамига йўналтириш механизмларини жорий этиш.<br>6. “Smart Forestry” ягона ахборот платформаси, Солиқ қўмитаси, кадастр органлари, логистика операторлари, электрон тўлов, геоахборот, Гидрометеорологиянинг ахборот тизими ва бошқа давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш орқали маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш.<br>7. “Smart Forestry” мобил иловасини тўлиқ ишга тушириш.<br>8. Мобил илова ишга тушгандан сўнг давлат харидларини амалга ошириш портали билан интеграция қилиш. | | | |
| **30.** | Ўрмон хўжалиги соҳаси учун замонавий билим ва кўникмаларга эга мутахассис **кадрларни тайёрлаш** тизимини такомиллаштириш. | Олий таълим ва касбий таълим муассасалари билан ҳамкорликда соҳавий таълим дастурларини такомиллаштириш, амалиётга йўналтирилган ўқув жараёнларини кенгайтириш ҳамда соҳага зарур бўлган мутахассисларни мақсадли тайёрлаш чораларини кўриш. | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари, | 2027–2030 йиллар | Ўрмон агентлиги, Экология қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар, таълим муассасалари |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | ижрочилар маблағлари | | |
| **31.** | Ўрмон хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган **ходимларни** қайта тайёрлаш ва уларнинг **малакасини** ошириш тизимини такомиллаштириш. | 1. Ўрмон агентлиги тизими ходимларини Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида ҳамда бошқа таълим муассасаларида мунтазам қайта тайёрлаш.<br>2. Малака ошириш курсларига жалб қилиш, соҳага замонавий билим ва кўникмаларни жорий этиш. | Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари, ижрочилар маблағлари | 2027–2036 йиллар | Ўрмон агентлиги, Экология қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар, таълим муассасалари |
| **32.** | Ўрмон хўжалиги соҳасида халқаро тажрибалар асосида юқори малакали мутахассисларнинг **касбий билим ва амалий кўникмаларини** ошириш. | 1. Хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари асосида ўқув семинарлари, стажировкалар, тажриба алмашиш ва малака ошириш тадбирларини ташкил этиш.<br>2. Илғор хорижий амалиётларни жорий қилиш. | Халқаро молия институтлари маблағлари, грантлар, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар | 2027–2036 йиллар | Ўрмон агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| **33.** | “Яшил макон” платформасида дарахтлар ҳисоби ва парваришини юритувчи “Дарахт баланси” модулини жорий этиш. | 1. Модул эгаси, оператори, маълумот киритувчилар ва тасдиқловчиларни белгилаш, техник топшириқ, смета, маълумот алмашиш ва янгилаш тартибини тасдиқлаш.<br>2. Дарахтнинг ягона рақами, геолокацияси, тури, ёши, баланс | Ижрочилар маблағлари, Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли | 2028 йил январь | Экология қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштириш манбаи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | сақловчиси, сув манбаси, масъули ва фитосанитария ҳолатига оид маълумотларни юритиш, соғлом, даволаш талаб этилган ва қуриган дарахтларни ажратиш. Қуриш сабаби, фото, алмаштириш муддати ва харажат манбаини қайд этиш.<br>3. Шартнома бўйича алмаштиришни назорат қилиш ва даволаш хизматига электрон буюртма беришни йўлга қўйиш, янги ва мавжуд дарахтларни босқичма-босқич хатловдан ўтказиш. | жамғармаси маблағлари | | қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |



QMMB: 07/26/345/0959-son
22.09.2026-y.



# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 21 » сентябрь №ПҚ–345

## Меҳнат соҳасида хавфсиз ва ҳурматга асосланган иш муҳитини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Меҳнат соҳасида ходимларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, хавфсиз, ҳурматга асосланган ва камситишдан холи иш муҳитини таъминлаш, тазйиқ, зўравонлик ва шу мақсадда хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолатларининг (workplace harassment) олдини олиш, бундай ҳолатлар юзасидан мурожаатларни холис, тезкор ва шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликка асосан кўриб чиқишнинг ягона рақамли механизмларини жорий этиш мақсадида **қарор қиламан**:

### I. Мақсадлар

**1.** Қуйидагилар меҳнат соҳасида **хавфсиз ва ҳурматга асосланган иш муҳитини** (safe workplace) **таъминлашнинг** энг асосий вазифалари этиб белгилансин:

**(а)** меҳнат соҳасида тазйиқ, жинсий ва жисмоний зўравонлик, шаҳвоний шилқимлик, руҳий босим, таъқиб қилиш, камситиш ва шу мақсадда мансаб мавқеини суиистеъмол қилишга қаратилган ҳаракатларнинг (кейинги ўринларда – тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари) **олдини олиш ва уларга нисбатан таъсир чораларини кўриш бўйича** самарали тизимни жорий қилиш;

**(б)** меҳнат соҳасида **тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари** содир этилганлиги бўйича мурожаатларни қабул қилиш, бундай ҳолатларга холисона баҳо бериш жараёнларини рақамлаштириш ва унинг устидан қатъий назорат ўрнатиш;

**(в)** меҳнат соҳасида тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари юзасидан мурожаат қилган фуқароларнинг **шахсига оид маълумотларни ҳимоя қилиш кафолатларини** кучайтириш;

**(г)** меҳнат соҳасида ходимларга нисбатан ёки улар томонидан содир этилган **тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларига** оид ҳуқуқбузарликлар яширилишининг олдини олиш.

## II. Меҳнат соҳасида тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг самарали тизимини жорий қилиш

**2.** Олий Мажлис Сенати, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик), Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ва Ўзбекистон иш берувчилари конфедерациясининг давлат органлари ва ташкилотларида, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларда ҳамда устав капиталида ушбу юридик шахсларнинг улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларда (кейинги ўринларда – давлат органлари ва ташкилотлари), шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар бошқа корхона, ташкилот ва муассасаларда (кейинги ўринларда – нодавлат ташкилотлар) **Меҳнат соҳасида хавфсиз ва ҳурматга асосланган иш муҳитини таъминлаш дастури**ни (кейинги ўринларда – Дастур) босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

**3.** Рақамли технологиялар вазирлиги **2026 йил 1 декабрга** қадар Бошқарув самарадорлиги агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) ахборот тизимларида давлат органлари ва ташкилотлари учун қуйидаги имкониятларга эга “Хавфсиз ва ҳурматга асосланган иш муҳити” ахборот порталини (кейинги ўринларда – Портал) ишга туширсин:

**(а)** ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда **тазйиқ ва зўравонлик** ҳолатларига оид **мурожаатни онлайн** қабул қилиш;

**(б)** давлат органлари ва ташкилотларида Портални юритиш учун масъул ходимлар (кейинги ўринларда – масъул ходимлар), уларнинг бевосита раҳбарлари ёки давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахслари томонидан содир этилган тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича мурожаатларни **автоматик тарзда давлат органлари ва ташкилотларининг юқори турувчи инстанциясига** жўнатиш;

**(в)** тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича мурожаатларни **текшириш, далилларни тўплаш, хулосалар тайёрлаш, ахборот алмашинуви ва мулоқотларни** Портал орқали амалга ошириш;

**(г)** тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича текширувлар ўтказилиши, уларнинг натижалари, кўрилган чоралар ҳамда уларнинг **ўзгартирилиши билан боғлиқ жараёнларга оид маълумотларни** Порталда сақлаб қолиш ва уларнинг йўқ қилинишига йўл қўймаслик;

**(д) тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қисқа онлайн тренинг курсларини** (кейинги ўринларда – қисқа тренинг курслари) **ташкил этиб бориш** ҳамда улар ўтказилганлигини **электрон тасдиқлаш** амалиётини йўлга қўйиш;

**(ж)** тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича мурожаатларни ўрганиш якунлари, тегишли қисқа тренинг курслари ва улар ўтказилганлиги натижалари бўйича **таҳлилларни** амалга ошириш**, статистик маълумотларни тўплаш** ва шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ **умумлаштирилган маълумотларни** очиқ эълон қилиб бориш;

**(з)** тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аломатлари мавжуд бўлган ҳолларда мурожаатларни **“112” ягона диспетчерлик хизмати орқали** қонунчиликда белгиланган тартибда ваколатли органга юбориш.

**4.** Вазирлик **2026 йил 1 декабрга** қадар **“dmi.mehnat.uz” ахборот тизимида** нодавлат ташкилотлар учун ихтиёрий равишда фойдаланиш мақсадида ушбу қарорнинг 3 бандида назарда тутилган имкониятларни яратсин.

**5.** Тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларига доир мурожаатлар, уларни кўриб чиқиш билан боғлиқ маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш ҳамда уларнинг қонунчиликда назарда тутилмаган ҳолларда ошкор этилиши ва тарқатилишига йўл қўймаслик юзасидан жавобгарлик барча даражадаги ташкилотлар раҳбарларининг зиммасига юклатилсин.

## III. Меҳнат соҳасида тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича самарали тизимни жорий қилиш

**6.** Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

**(а)** давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ва мансабдор шахслари **ҳар йили** Агентлик билан келишилган ўқув дастурлари асосида қисқа тренинг курсларида ўқитилади;

**(б)** нодавлат ташкилотлар ходимлари **ихтиёрий равишда** Вазирлик томонидан ташкил этиладиган қисқа тренинг курсларида ўқитилиши мумкин.

**7.** Белгилансинки, давлат органлари ва ташкилотларида инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантиришга ёки кадрлар билан ишлашга масъул бўлган ходимлар орасидан камида бир нафар ходим Портални юритиш, қисқа тренинг курсларини ташкил этиш учун **масъул** бўлади.

**8.** Рақамли технологиялар вазирлиги Вазирлик, Агентлик ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда **2026 йил 1 декабрга** қадар Портални ишга тушириш учун уни **"112" ягона диспетчерлик хизмати**, "dmi.mehnat.uz" ахборот тизими хамда давлат органлари ва ташкилотларининг тегишли ахборот тизимларига **ўзаро интеграция қилишни** таъминласин.

**9.** Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура меҳнат соҳасида тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари юзасидан "112" ягона диспетчерлик хизмати орқали келиб тушган мурожаатларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва холисона кўриб чиқилишини алоҳида назоратга олсин.

**10.** Агентликка давлат органлари ва ташкилотларида Дастур доирасида белгиланган қоидалар аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминлаш мақсадида Портал орқали мониторинг қилиш натижасида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича **кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар** киритиш ваколати берилсин.

**11.** Вазирлик Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, Ўзбекистон иш берувчилари конфедерацияси билан биргаликда доимий равишда нодавлат ташкилотлар учун "dmi.mehnat.uz" ахборот тизимида меҳнат соҳасида тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича мурожаатлар билан ишлаш имкониятлари тарғиботини амалга ошириб борсин.

**12.** Агентлик, Вазирлик, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги **уч ой муддатда**:

**(а)** давлат органлари ва ташкилотлари масъул ходимлари учун **тазйиқ ва зўравонлик** ҳолатлари, шу жумладан, улар юзасидан мурожаатлар билан Дастур доирасида ишлаш бўйича **махсус тренинг курсларини** ўтказсин. Бунда махсус тренинг курслари методологияси Агентлик томонидан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги кўмагида ишлаб чиқилади;

**(б)** давлат органлари ва ташкилотлари масъул ходимларининг **тазйиқ ва зўравонлик** ҳолатларининг олдини олиш борасидаги фаолиятини **рағбатлантириш** бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

**13.** Белгилаб қўйилсинки:

**(а)** Портални ишга тушириш ва сақлаш ҳамда уни бошқа ахборот тизимлари ва "112" ягона диспетчерлик хизмати билан интеграция қилиш харажатлари **Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси** маблағлари ҳисобидан;

**(б)** Вазирликнинг "dmi.mehnat.uz" ахборот тизимини бошқа ахборот тизимлари ва "112" ягона диспетчерлик хизмати билан интеграция қилиш харажатлари Вазирликнинг маблағлари ҳисобидан қопланади.

**14.** Давлат органлари ва ташкилотларининг меҳнат жамоаларига **ички меҳнат тартиби қоидалари доирасида**:

**(а)** қонунчиликда белгиланган тартибда аниқланган жинсий ёки жисмоний зўравонлик, шаҳвоний шилқимлик ҳолатларини меҳнат мажбуриятларини **бир марта қўпол бузиш** сифатида;

**(б)** ходим тарафидан ёки ходимга нисбатан содир этилган тазйиқ, руҳий босим, камситиш ҳолатлари ҳамда мурожаат муносабати билан таъқиб қилиш ҳолатларини **меҳнат интизомини бузиш** сифатида баҳолашни белгилаш тавсия этилсин.

## IV. Меҳнат соҳасида хавфсиз ва ҳурматга асосланган иш муҳитини таъминлаш амалиётини жорий этиш бўйича ташкилий масалалар

**15.** Вазирлик:

**(а) бир ой муддатда** нодавлат ташкилотлар учун тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда бундай ҳолатларга чора кўриш бўйича **ягона намунавий методологияни соҳадаги асосий талабларни** инобатга олган ҳолда ишлаб чиқсин;

**(б) икки ой муддатда** Адлия вазирлиги билан биргаликда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро меҳнат ташкилотининг **Меҳнат соҳасида тазйиқ ва зўравонликка барҳам бериш тўғрисида**ги конвенциясини (190-сон, 2019 йил) ратификация қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**16.** Вазирлар Маҳкамаси **бир ҳафта муддатда** давлат органлари ва ташкилотларининг меҳнат соҳасида хавфсиз ва ҳурматга асосланган иш муҳитини таъминлашнинг аниқ механизмларини белгиласин.

## V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

**17.** Давлат органлари ва ташкилотларининг меҳнат соҳасида хавфсиз ва ҳурматга асосланган иш муҳитини таъминлаш бўйича янги амалиётни мониторинг қилиш ва унинг ижроси тўғри ташкил этилишини назорат қилишга масъул этиб Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Раҳбарининг шартнома асосида жалб қилинган маслаҳатчиси Н.Э. Давлетова белгилансин.

**18.** Адлия вазирлиги Вазирлик, Агентлик, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**19.** Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Раҳбари С.Ш. Мирзиёева зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** — **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/346/0962-son
23.09.2026-y.

38 (1266)-сон
953-модда

# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
# QARORI

2026 yil « 21 » сентябрь №ПҚ–346

## Нуфузли халқаро шахмат мусобақалари ғолиблари ва совриндорлари ҳамда уларнинг тренерларини муносиб рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизда кейинги йилларда ақл-идрок ва юксак интеллектуал салоҳият рамзи бўлган шахмат спорт турини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг оммалаштириш, иқтидорли шахматчиларни узоқ муддатли ва тизимли тайёрлаш, уларнинг жаҳон ареналарида юқори натижаларга эришиши орқали юртимизнинг халқаро нуфузини юксак чўққиларга кўтариш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда ўзбек шахмат мактаби вакилларининг Бутунжаҳон шахмат олимпиадаларида, нуфузли халқаро турнир ва чемпионатларда эришаётган тарихий ва оламшумул ғалабалари юртимизда истеъдодли спортчиларни тарбиялаш ҳамда уларнинг маҳоратини узлуксиз ошириш, замонавий спорт инфратузилмасини яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганлигининг яққол исботидир.

Халқаро ареналарда Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, халқимизга фахр-ифтихор туйғуларини бахш этаётган халқаро шахмат мусобақалари ғолиб ва совриндорларининг матонати ҳамда юксак интеллектуал маҳоратини алоҳида эътироф этиш, шунингдек, ушбу ютуқлар ортида турган тренер-мураббийларнинг фидокорона меҳнатини муносиб тақдирлаш мақсадида **қарор қиламан**:

**1.** Спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ва Ўзбекистон шахмат федерациясининг халқаро нуфузли шахмат мусобақаларининг ғолиб ва совриндорлари бўлган шахматчиларимиз ҳамда уларнинг тренерларига бериладиган бир марталик пул мукофотлари миқдорини ошириш орқали уларни моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

QMMB: 07/26/346/0962-son
23.09.2026-y.



**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 5 августдаги ПҚ–347-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси шахматчилари ва уларнинг тренерларига бериладиган бир марталик пул мукофотларининг миқдорлари **иловага** мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

**3.** Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/346/0962-son
23.09.2026-y.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 21 сентябрдаги ПҚ–346-сон қарорига
илова

# Ўзбекистон Республикаси шахматчилари ва уларнинг тренерларига бериладиган бир марталик пул мукофотларининг МИҚДОРЛАРИ

*(АҚШ долларида)*

| Т/р | Мусобақалар (унвон) | Медаль | Шахматчига бериладиган пул мукофоти миқдори | Тренерга бериладиган пул мукофоти миқдори* |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Бутунжаҳон шахмат **олимпиадаси** ва **паралимпиадаси** (катталар ўртасида) | Олтин | 200 000 | 50 000 |
| | | Кумуш | 100 000 | 25 000 |
| | | Бронза | 50 000 | 12 500 |
| 2. | Бутунжаҳон шахмат **олимпиадаси** ва **паралимпиадаси** (ёшлар ўртасида) | Олтин | 20 000 | 5 000 |
| | | Кумуш | 10 000 | 2 500 |
| | | Бронза | 5 000 | 1 250 |
| 3. | Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) таснифига кўра **жаҳон миқёсидаги мусобақалар** | Олтин | 15 000 | 7 000 |
| | | Кумуш | 7 500 | 3 500 |
| | | Бронза | 3 750 | 1 750 |
| 4. | Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) таснифига кўра **Осиё миқёсидаги мусобақалар** | Олтин | 10 000 | 5 000 |
| | | Кумуш | 5 000 | 2 500 |
| | | Бронза | 2 500 | 1 250 |
| 5. | Халқаро **гроссмейстер спорт унвонини** олган тақдирда | 5 000 | | |

**) Тренерларга назарда тутилган пул мукофоти ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларни охирги бир йил давомида тайёрлаган тренерларга берилади. Бунда ушбу маблағлар, тегишли Тренерлар кенгашининг қарорига асосан, спортчини тайёрлашда сўнгги **4 (тўрт) йилда** иштирок этган тренер ва бошқа мутахассислар ўртасида қайта тақсимланиши мумкин.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
# QARORI

2026 yil « 21 » сентябрь №ПҚ–347

## Теннис спорт турини оммалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизда теннис спорт турини янада оммалаштириш, спортчиларни саралаб олиш тизимини яхшилаш, ушбу спорт тури бўйича замонавий спорт инфратузилмасини яратиш ҳамда нуфузли спорт мусобақаларида натижадорликни таъминлаш мақсадида **қарор қиламан**:

### I. Мақсадлар

**1.** Қуйидагилар теннис спорт турини оммалаштириш ва ривожлантиришнинг **асосий мақсадлари** этиб белгилансин:

**(а)** аҳоли ўртасида теннис спорт турининг оммавийлигини ошириш, иқтидорли спортчиларни **аниқлаш**, **танлаш** ва саралаб олиш ҳамда уларни **профессионал спортчилар** сифатида тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш;

**(б)** теннис спорт тури бўйича **профессионал тренерлар** ва **бошқа мутахассисларни** тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

**(в)** теннис спорт тури бўйича замонавий спорт инфратузилмасини барпо этиш ва мавжуд спорт иншоотларининг **моддий-техника базасини мустаҳкамлаш**, замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш;

**(г)** теннис спорт тури бўйича профессионал спортчиларни тайёрлашнинг **барча босқичларини рақамлаштириш**;

**(д)** теннис бўйича мусобақаларни **тизимли ташкил этиб бориш**.

**2.** Қуйидагилар теннис спорт турини 2030 йилгача оммалаштириш ва ривожлантиришнинг **асосий мақсадли кўрсаткичлари** этиб белгилансин:

**(а)** теннис билан доимий шуғулланувчилар сонини **3 000 нафар**гача етказиш;

**(б)** теннис бўйича тренерлар сонини **200 нафар**га етказиш;

**(в)** теннис спорт тури бўйича Осиёда **топ-5 таликка** кириш;

**(г)** теннис спорт турини **истиқболли спорт турлари** қаторига киритиш чораларини кўриш.

## II. Теннис спорт турини оммалаштириш

**3.** Белгилаб қўйилсинки, **2026 йил 1 октябрдан бошлаб** анъанавий тарзда теннис бўйича Ўзбекистон Республикасида қуйидаги мусобақаларни ўтказиб бориш йўлга қўйилади:

**(а)** Профессионал теннисчилар ассоциацияси (ATP) ва Аёллар тенниси ассоциацияси (WTA) ҳамда Халқаро теннис федерацияси (ITF) шафелиги остида бўлиб ўтадиган **халқаро теннис мусобақалари**. Бунда ушбу мусобақаларни ўтказиш ҳамда ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар ҳомийлик хайриялари ҳисобидан молиялаштирилади;

**(б)** ёшлар ва катталар ўртасида **Ўзбекистон кубоги**;

**(в)** ёшлар, ўсмирлар ва катталар ўртасида **Республика чемпионати**;

**(г)** катталар ўртасида “**Uzbekistan open**” халқаро турнири;

**(д)** эркаклар ўртасида “**ATP Challenger**” халқаро мусобақаси.

**4.** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон теннис федерациясининг **2027 йил 1 январдан бошлаб** умумий ўрта таълим ташкилотларида “**Juniors Tennis Initiative**” дастурини жорий қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин. Бунда дастур доирасида:

**(а)** **1–4-синф ўқувчилари** учун жисмоний тарбия дарсларида теннисга қизиқишни шакллантириш бўйича бошланғич машғулотлар йўлга қўйилади;

**(б)** ўқувчиларнинг теннисга қизиқиши ҳамда спорт инфратузилмаси мавжудлигига қараб теннис ривожлантириладиган **умумий ўрта таълим ташкилотлари** танлаб олинади;

**(в)** танлаб олинган умумий ўрта таълим ташкилотларида теннис бўйича **спорт секциялари** ташкил этилади ҳамда уларнинг моддий-техника базаси яхшиланиб, спорт инвентарлари, шу жумладан, "**tennis wall**" мосламалари билан Ўзбекистон теннис федерацияси **маблағлари** ҳисобидан жиҳозланади;

**(г)** машғулотлар танлаб олинган умумий ўрта таълим ташкилоти жойлашган ҳудуддаги спорт мактабидан жалб этилган **тренерлар** томонидан олиб борилади.

**5.** Спорт вазирлигининг **Республика олимпия захиралари теннис мактабини** (кейинги ўринларда – Мактаб) бошқариш функцияси **амалдаги молиялаштириш тартибини** сақлаган ҳолда Ўзбекистон теннис федерациясига берилсин.

**6.** Белгилансинки, Ўзбекистон теннис федерацияси:

**(а)** Мактаб фаолиятининг энг муҳим **самарадорлик кўрсаткичларини** белгилайди, унинг раҳбар кадрларини **лавозимига тайинлайди ва лавозимидан** озод қилади;

**(б)** Мактабнинг молиявий ва стратегик фаолиятини ривожлантириш бўйича **дастур** ва **узоқ муддатли режаларни** тасдиқлайди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

**(в)** Мактаб томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлар учун **тўловлар миқдори** ҳамда унинг бюджетдан ташқари маблағларини **сарфлаш йўналишларини** мустақил белгилайди.

**7.** Ўзбекистон теннис федерацияси:

**(а)** Мактаб фаолиятини **замонавий бошқарув моделлари** асосида самарали ташкил этсин;

**(б)** **икки ой муддатда** Мактабга юқори малакали **хорижий эксперт ва тренерларни** жалб қилсин ҳамда илғор тажрибалар асосида профессионал спортчилар, мураббийлар ва ҳакамларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш бўйича **замонавий методикаларни** ишлаб чиқиб, жорий қилсин;

**(в)** **2027 йил 1 июнга** қадар ҳомийлик маблағларини жалб қилган ҳолда Мактаб **моддий-техника базасини** мустаҳкамласин;

**(г)** 2027 йилдан бошлаб Мактаб базасида Халқаро теннис федерацияси (ITF) шафелиги остида бўлиб ўтадиган **халқаро теннис мусобақаларини** ўтказиш чораларини кўрсин.

## III. Теннис спорт турини молиялаштиришни ташкил этиш

**8.** Спорт вазирлиги тизимидаги спорт-таълим ташкилотларининг теннис кортларини сақлаш харажатларини молиялаштиришнинг қуйидаги тартиби жорий этилсин:

**(а) 2027 йил 1 январдан** бошлаб пулли хизматларни кўрсатиш учун етарли имкониятларга эга теннис кортлари ўзини ўзи молиялаштириш тартибига ўтказилади. Бунда:

**(i)** спорт-таълим ташкилотига теннис кортларида жорий этиладиган пулли хизматлар учун **тўловлар миқдорини мустақил белгилаш** ҳуқуқи берилади;

**(ii)** пулли хизматлардан тушадиган тушумлар, биринчи навбатда, **коммунал тўловлар харажатларига** йўналтирилади ҳамда спорт-таълим ташкилотларига маблағларнинг қолган қисмидан **мустақил фойдаланиш ҳуқуқи** берилади;

**(iii)** спорт-таълим ташкилотларининг ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказилган теннис кортларида теннис бўйича мавжуд гуруҳлар билан шуғулланаётган тренерларнинг **иш ҳақи** ва **унга тенглаштирилган тўловлар** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

**(б)** даромадлари харажатларини қопламайдиган ва реконструкцияга муҳтож теннис кортлари **давлат-хусусий шериклик шартлари** асосида хусусий инвесторларга берилади. Бунда:

**(i)** спорт-таълим ташкилотларининг давлат-хусусий шериклик асосида хусусий инвесторларга берилган теннис кортларида теннис бўйича мавжуд гуруҳларнинг машғулотларини **беғараз асосда ўтказиб бориш таъминланади**;

**(ii)** ушбу талаб тегишли **давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларда назарда тутилади**;

**(в)** теннис кортларини ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш натижасида тежаб қолинадиган бюджет маблағлари теннис бўйича спортчиларни **витаминлар**, **асбоб-ускуналар**, **экипировка** ва бошқа **зарур воситалар** билан таъминлашга мақсадли йўналтирилади.

## IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

**9.** Спорт вазирлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон теннис федерацияси билан биргаликда:

**(а) 2027 йил 1 январга қадар:**

**(i)** Спорт вазирлиги тизимида ҳамда давлат мулкида бўлган теннис кортларини хатловдан ўтказсин;

**(ii)** давлат мулкида бўлган теннис кортларини ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**(iii)** давлат-хусусий шериклик шартлари асосида **хусусий инвесторга бериладиган теннис кортлари** рўйхатини шакллантирсин ҳамда **ўзининг расмий веб-сайтида** тегишли эълонлар жойлаштирилишини таъминласин;

**(б) 2027 йил 1 январдан бошлаб** ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиладиган теннис кортлари фаолиятини мазкур қарор асосида ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

**10.** Теннис спорт турини янада ривожлантириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари дастури **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

**11.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 апрелдаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–114-сон қарорига 7-илованинг 9 ва 10-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Осиё ва Параосиё ўйинлари ғолиблари ҳамда совриндорлари қуйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

олтин медаль учун — 25 000 АҚШ доллари;

кумуш медаль учун — 12 500 АҚШ доллари;

бронза медаль учун — 6 250 АҚШ доллари.

10. Осиё ва Параосиё ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларни тайёрлаган тренерлар қуйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

олтин медаль учун — 10 000 АҚШ доллари;

кумуш медаль учун — 5 000 АҚШ доллари;

бронза медаль учун — 2 500 АҚШ доллари”.

**12.** Спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**13.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб спорт вазири А.И. Икрамов белгилансин.

**14.** Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг спорт бўйича вакили О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 21 сентябрдаги ПҚ–347-сон қарорига
илова

# Теннис спорт турини янада ривожлантириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари ДАСТУРИ

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **1.** | Теннис спорт турини **оммалаштириш** ва **ривожлантириш**. | 1. Ўзбекистонда теннис спорт тури билан доимий шуғулланувчилар сонини **3 000 нафар**гача етказиш.<br>2. Теннис спорт тури бўйича тренерлар сонини **200 нафар**га етказиш.<br>3. Теннис спорт тури бўйича Осиёда топ-5 таликка кириш.<br>4. Теннис спорт турини истиқболли спорт турлари қаторига киритиш чораларини кўриш. | 2026–2030 йиллар | Ижрочилар маблағлари, ҳомийлик хайриялари | Спорт вазирлиги, Ўзбекистон теннис федерацияси, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси |
| **2.** | Ҳудудларда теннис спорт тури бўйича **иқтидорли ёшларни аниқлаш**, **танлаш** ва **саралаш** (селекция) ишларини такомиллаштириш. | 1. Ҳудудлардаги селекционерларни жалб қилган ҳолда иқтидорли ёшларни аниқлаш.<br>2. Ҳудудларда хорижий ва маҳаллий мутахассислар иштирокида теннис спорт тури бўйича ёш спортчилар билан маҳорат дарсларини ташкил қилиб бориш.<br>3. Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва саралаб олиш ҳамда уларни профессионал спортчи сифатида тайёрлаш учун спорт-таълим муассасаларига йўналтириб бориш. | Доимий | – | Ўзбекистон теннис федерацияси, Спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |
| **3.** | Теннис спорт тури бўйича **терма жамоаларнинг** нуфузли **халқаро мусобақаларга** тайёргарлик кўриши ва унда муносиб иштирок этишини таъминлаш. | 1. Теннис спорт тури бўйича миллий терма жамоаларга малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш.<br>2. Нуфузли халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўриш режасини ишлаб чиқиш. | 2026–2030 йиллар | Ижрочилар маблағлари, ҳомийлик хайриялари | Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон теннис федерацияси, Спорт вазирлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 3. Режага мувофиқ терма жамоа аъзолари учун халқаро ва маҳаллий ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиб бориш.<br>4. Терма жамоа аъзоларининг нуфузли халқаро мусобақаларда иштирокини таъминлаш. | | | |
| **4.** | Теннис спорт тури бўйича миллий терма жамоаларни зарур спорт **инвентарлари**, **жиҳозлар**, спорт **экипировкалари** ва **махсус кийимлар** билан таъминлаш. | 1. Теннис спорт тури бўйича миллий терма жамоаларнинг халқаро мусобақаларга самарали тайёргарлик кўриши учун зарур спорт инвентарлари, жиҳозлар, спорт экипировкалари ва махсус кийимлар рўйхатини шакллантириш.<br>2. Спорт инвентарлари, жиҳозлар, спорт экипировкалари ва махсус кийимларни харид қилиш. | 2027 йил 1 январдан бошлаб | Ижрочилар маблағлари, ҳомийлик хайриялари | Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон теннис федерацияси, Спорт вазирлиги |
| **5.** | Жойлардаги теннис спорт тури бўйича **спорт инфратузилмасини** яхшилаш. | 1. Ҳудудларда давлат спорт таълим муассасаларининг теннис кортларини хатловдан ўтказиш ҳамда спорт иншоотларининг таъмирга муҳтожлигини жойига чиққан ҳолда ўрганиш.<br>2. Ўрганиш натижаларига мувофиқ теннис спорт тури бўйича ўзини ўзи молиялаштириш имкониятига эга бўлмаган теннис кортларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий инвесторга бериш тўғрисида ўрнатилган тартибда эълон бериш. | 2027 йил 1 январь<br><br>2027–2030 йиллар | – | Спорт вазирлиги, Ўзбекистон теннис федерацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |
| **6.** | Умумий ўрта таълим мактабларида “**Juniors Tennis Initiative**” дастурини жорий қилиш. | 1. Дастурни ишлаб чиқиш жараёнига мутахассисларни жалб этиш.<br>2. Илғор хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда дастурни ишлаб чиқиш.<br>Бунда дастурни 4-синф ўқувчилари учун жисмоний тарбия фани доирасида амалга оширишни назарда тутиш.<br>3. Теннис бўйича спорт инфратузилмаси мавжуд умумий ўрта таълим мактабларини хатловдан ўтказиш. | 2026 йил ноябрь 2026 йил декабрь | Ижрочилар маблағлари, ҳомийлик хайриялари | Ўзбекистон теннис федерацияси, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 4. Хатлов натижаларига кўра танлаб олинган умумий ўрта таълим мактабларида теннис бўйича спорт секцияларини ташкил этиш.<br>5. Теннис бўйича спорт секциялари ташкил этилган умумий ўрта таълим мактабларининг моддий-техника базасини яхшилаш, спорт инвентарлари, жумладан, “tennis wall” мосламалари билан жиҳозлаш. | 2026–2027 йиллар | | |
| **7.** | Теннис спорт тури бўйича етакчи хорижий давлатларнинг **илғор тажрибасини ўрганиш** ва амалиётга жорий этиб бориш чораларини кўриш. | 1. Ўқув-машғулот жараёнларига жаҳоннинг етакчи мутахассисларини тизимли асосда жалб этиб бориш.<br>2. Миллий терма жамоалар тренерлари ва бошқа мутахассисларини тажриба алмашиш мақсадида теннис спорт тури ривожланган етакчи хорижий давлатларга юборишни йўлга қўйиш. | 2026 йил ноябрь | Ижрочилар маблағлари, ҳомийлик хайриялари | Ўзбекистон теннис федерацияси, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси |
| **8.** | Миллий терма жамоаларни **илмий** ва **услубий жиҳатдан** таъминлаш тизимини такомиллаштириш. | 1. Теннис спорт тури бўйича миллий терма жамоалар учун илмий ва услубий қўлланмалар рўйхатини шакллантириш.<br>2. Рўйхатга мувофиқ илмий ва услубий қўлланмаларни такомиллаштириш.<br>3. Такомиллаштирилган илмий ва услубий қўлланмаларни илмий кенгашларда кўриб чиқиш ва чоп этиш. | 2026 йил ноябрь | Ижрочилар маблағлари | Ўзбекистон теннис федерацияси |
| **9.** | Миллий терма жамоаларни **тиббий** ва **тиббий-биологик** қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш. | 1. Теннис спорт тури бўйича миллий терма жамоаларнинг тиббий ва тиббий-биологик воситалар билан таъминланганлик ҳолати ва эҳтиёжини ўрганиш.<br>2. Аниқланган эҳтиёжга кўра, теннис спорт тури бўйича миллий терма жамоаларни тиббий ва тиббий-биологик воситалар билан таъминлаб боришни ташкил қилиш. | Доимий | Ижрочилар маблағлари, ҳомийлик хайриялари | Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон теннис федерацияси |

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1




# УЧИНЧИ БЎЛИМ

# ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.

38 (1266)-son
955-modda

# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 22 » sentabr № 505 Toshkent sh.

## Меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар тўғрисида хабар бериш, уларни текшириш ва ҳисобга олиш ҳамда уларнинг оқибатида етказилган зиённинг ўрнини қоплаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислоҳотлар дастурлари ва “Ўзбекистон–2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида” 2026 йил 16 февралдаги ПФ–22-сон Фармонига мувофиқ меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар тўғрисида хабар бериш, уларни текшириш ва ҳисобга олиш ҳамда уларнинг оқибатида етказилган зиённинг ўрнини қоплаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

Меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар тўғрисида хабар бериш, уларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби ҳақидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

Ходимнинг меҳнатда майиб бўлиши ва (ёки) касб касаллиги туфайли ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зиённинг ўрнини қоплаш қоидалари **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

**2026 йил 1 декабрдан бошлаб** меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар тўғрисида хабар бериш, уларни текшириш ва ҳисобга олиш сунъий интеллектга асосланган **“Xavfsiz mehnat”** электрон ахборот тизими (кейинги ўринларда – электрон ахборот тизими) орқали амалга оширилиши жорий этилади;

электрон ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги электрон ахборот тизимининг оператори ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2026 йилнинг 1 декабрга қадар** электрон ахборот тизими ишлаб чиқилишини ва амалиётга жорий этилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **3-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Э. Захидов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 22 ” сентябрдаги 505-сон қарорига
1-илова

**Меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар тўғрисида хабар бериш, уларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби ҳақида**

НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари (кейинги ўринларда – бошқарув органлари) ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъи назар, барча ташкилотлар, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорларда (кейинги ўринларда – ташкилотлар) меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларни (кейинги ўринларда – бахтсиз ҳодисалар) текшириш ва ҳисобга олишнинг ягона тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилади:

иш берувчиларга;

меҳнат шартномаси бўйича ўз вазифаларини бажараётган ходимларга;

ишга қабул қилиш лозим даражада расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганидан қатъи назар, ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёхуд унинг рухсати билан ишга қўйилган шахсларга;

ишлаб чиқаришда ишлаётган даврида суд ҳукми бўйича жазони ўтаётган фуқароларга;

белгиланган тартибда ходимларни ёллайдиган якка тартибдаги тадбиркорларга;

табиий ёки техноген хусусиятга эга ҳалокатлар, ишлаб чиқаришдаги авариялар, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, шунингдек, ёнғинлар, тошқинлар, зилзилалар, эпидемиялар ёки эпизоотияларнинг олдини олиш ёки оқибатларини бартараф этиш ҳамда аҳолининг ёхуд унинг бир қисмининг ҳаётига ёки нормал яшаш шароитларига таҳдид соладиган бошқа алоҳида ҳолларда ишларни амалга оширишга жалб этилган ходимларга;

марказлаштирилган иссиқ сув таъминоти, совуқ сув таъминоти ва (ёки) сув чиқариш тизимларининг, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти, ёритиш, транспорт, алоқа тизимларининг нормал ишлашини бузадиган кутилмаган ҳолатларни бартараф этишга доир ижтимоий жиҳатдан зарур ишларни амалга оширишга жалб этилган ходимларга;

агар махсус давлатлараро битимда ўзгача ҳол кўрсатилмаган бўлса, ёлланиб ишлаётган чет эл фуқароларига;

ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ бўлмаган қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларни бажариш учун ташкилотга юборилган ҳарбий хизматчиларга, шу жумладан, муқобил хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга;

ташкилотда ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган талабалар ва ўқувчиларга.

Контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга, шунингдек, ички ишлар ва давлат божхона хизмати органларида, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматида, Миллий гвардиясида хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчиларга (ходимларга) ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга нисбатан ушбу Низомнинг махсус қонунчиликка зид бўлмаган қисми татбиқ этилади.

Судьяларга нисбатан ушбу Низомнинг судлар тўғрисидаги қонунчиликда тартибга солинмаган қисми бўйича татбиқ этилади.

Прокуратура органлари ходимларига нисбатан ушбу Низомнинг прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликка зид бўлмаган қисми татбиқ этилади.

3. Қуйидагилар:

ташкилот ҳудудида ва унинг ташқарисида меҳнат вазифаларини бажараётганда (шунингдек, хизмат сафарларида) юз берган жароҳатланиш, заҳарланиш, биологик омиллар натижасида келиб чиқадиган касалликларни юқтириб олиш, иссиқлик таъсири, портлаш, иморатлар, иншоотлар ва конструкциялар бузилиши, куйиш, музлаш, чўкиш, радиация, электр токи ёки яшин уриши, террористик ҳаракатлар натижасида, шунингдек, ҳайвонлар, ҳашаротлар ва судралиб юрувчилар томонидан жароҳат етказиш натижасидаги;

табиий офатлар (зилзилалар, ўпирилишлар, сув тошқинлари, тўфонлар ва бошқалар) натижасидаги;

ўз функционал вазифаларини бажариш юзасидан, шунингдек, авариялар нинг, одамлар ҳалок бўлишининг олдини олиш ва ташкилотнинг мулкини сақлаш мақсадида, иш берувчи топшириқ бермаган бўлса ҳам, ташкилот манфаатларини кўзлаб амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар натижасидаги;

иш берувчининг ҳудудида ёки иш бажариладиган бошқа жойда, шу жумладан, белгиланган танаффуслар вақтида, шунингдек, ишлаб чиқариш асбоблари ва кийимларини тартибга келтириш, иш бошланишидан олдин ва тугаганидан кейин ички меҳнат тартиб қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни бажариш учун зарур бўлган вақт ичида ёки ходим учун белгиланган иш вақтидан ташқари ишларни бажаришда, дам олиш ва ишламайдиган байрамларда ишга жалб қилингандаги;

ходим хизмат сафарида бўлган ёки ўз функционал вазифаларини бажариш вақтида – йўл-транспорт ҳодисасидаги, темир йўл, ҳаво йўлларидаги, денгиз ва дарё транспортидаги, электр транспортидаги ҳодиса натижасидаги;

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



иш берувчи томонидан буйруқ билан махсус ажратилган уйдан ишга ва/ёки ишдан уйга ходимларни ташиш учун мўлжалланган транспортда, шунингдек, ушбу мақсадлар учун шартномага (буюртмага) мувофиқ ўзга ташкилот транспортида ишга кетаётган ёки ишдан қайтаётгандаги;

иш вақтида шахсий транспортда йўл транспорт ходисаси натижасидаги (уни хизматга оид сафарлар учун ишлатишга рухсат берилганлик ҳақида иш берувчининг ёзма буйруғи мавжуд бўлганда);

иш берувчининг топшириғини бажариш учун транспортда ёки пиёда ҳаракатланаётганда, шунингдек, меҳнат фаолияти хизмат кўрсатиш объектлари орасида юриш билан боғлиқ ходимлар билан иш вақтида транспортда ёки пиёда кетаётгандаги;

тадбирларнинг ўтказилиши ёки ишлар бажарилиши жойидан қатъи назар, шанбалик (якшанбалик), фуқаро мудофааси бўйича ўқув машғулотлари, кўнгилли ёнғин муҳофазаси мусобақалари ўтказилаётгандаги, қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилгандаги, иш берувчининг ёзма фармойиши бўйича ташкилот томонидан оталиқ ёрдами кўрсатилаётгандаги;

ички ишлар органларининг маълумотлари асосида – иш вақтида меҳнат вазифаларини бажараётганда бошқа шахс томонидан тан жароҳати етказилгандаги;

сменали дам олишда бўлган ходим билан транспорт воситасидаги, вахта шаҳарчаси ҳудудидаги ёки ижарага олинган хонадаги (кузатиб борувчи, рефрижератор бригадаси ходими, сменали ҳайдовчи, денгиз ва дарё кемалари ходимлари, шунингдек, вахта-экспедиция усулида ишлаётганлар ва бошқалар) бахтсиз ҳодисалар текширилади ва ҳисобга олинади.

4. Табиий ўлим, ўзини ўзи ўлдириш, жабрланувчининг ўз саломатлигига қасддан шикаст етказиши, шунингдек, жабрланувчининг жиноят содир қилиш чоғида шикастланиш ҳолатлари (суд-тиббий экспертиза хулосаси ёки тергов органларининг маълумотларига кўра) текширилмайди ва ҳисобга олинмайди.

5. Бахтсиз ҳодисалар содир бўлган тақдирда, иш берувчи қуйидагиларга мажбур:

жабрланувчига зудлик билан шифокордан олдинги биринчи ёрдам кўрсатиш ва зарур бўлганда уни тиббий муассасага олиб бориш;

авария ёки бошқа фавқулодда вазиятларнинг ривожланишига ва жароҳат етказиши мумкин бўлган омилларнинг бошқа шахсларга таъсирига йўл қўймаслик учун шошилинч чоралар кўриш;

бахтсиз ҳодиса содир бўлган тақдирда, тегишли органлар ва ташкилотларни, шунингдек, жабрланувчининг яқинларини хабардор қилиш;

бахтсиз ҳодисани тўғри ва ўз вақтида текширишни ташкил этиш ва таъминлаш ҳамда текширув материалларини тайёрлаш бўйича бошқа зарур чораларни кўриш;

бахтсиз ҳодиса содир бўлганда иш жойидаги вазиятни ва жиҳозлар ҳолатини ҳодиса юз берган вақтда қандай бўлса, шундайлигича (агар бу атрофдаги ходимлар ҳаёти, саломатлигига таҳлика солмаётган бўлса ва ҳалокатга олиб келмаса) сақлаб қолиш;

бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги маълумотларни электрон ахборот тизимига киритиш;

бахтсиз ҳодиса сабабларини таҳлил қилиш, уларнинг меҳнат жамоасида кўриб чиқилишини таъминлаш ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ жароҳатланишларнинг олдини олишга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

бахтсиз ҳодисани махсус текшириш комиссиясида иштирок этиш ёки иштирок этиш учун ўзининг вакилини ажратиш;

техник ҳисоблашлар, лаборатория тадқиқотлари, синовдан ўтказиш, шунингдек, транспорт ва алоқа воситалари ҳамда бошқа ишларни ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш;

бахтсиз ҳодиса юз берган жойни суратга олиш ва бошқа зарур ҳужжатларни тақдим этиш;

текшириш учун зарур бўлган транспорт ва алоқа воситалари, махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

махсус текшириш комиссияси аъзолари ишлаши учун уларга жиҳозланган алоҳида хона ажратиб бериш;

бахтсиз ҳодисани махсус текшириш материалларини расмийлаштиришни ва етарли миқдорда кўпайтиришни таъминлаш.

## 2-боб. Бахтсиз ҳодисалар тўғрисида хабар бериш тартиби

6. Бахтсиз ҳодиса ҳақида жабрланувчи ёки гувоҳ дарҳол бўлинма (цех) раҳбарига хабар бериши керак.

Бўлинма (цех) раҳбари:

жабрланувчига зудлик билан шифокордан олдинги биринчи ёрдам кўрсатиши ва уни тиббий-санитария қисмига ёки бошқа тиббиёт муассасасига етказишни ташкил этиши;

бахтсиз ҳодисани махсус текшириш комиссияси текширишни бошлашига қадар иш жойидаги вазиятни ва жиҳозлар ҳолатини ҳодиса юз берган вақтда қандай бўлса, шундайлигича (агар бу атрофдаги ходимлар ҳаёти, саломатлигига тадид солмаётган бўлса ва ҳалокатга олиб келмаса) сақлаб қолиши;

бахтсиз ҳодиса тўғрисида иш берувчига ва касаба уюшмасига ёки ташкилот ходимларининг бошқа вакиллик органига дарҳол хабар қилиши зарур.

Ташкилот тиббий-санитария қисми (шифохона, поликлиника) бир сутка ичида бахтсиз ҳодиса оқибатида жабрланган ва мурожаат қилган ходимлар, шу жумладан, хизмат сафаридаги ва ташкилот объектларида иш бажараётган хорижий ташкилот ходимлари билан юз берган ҳар бир бахтсиз ҳодиса ҳақида иш берувчига ва касаба уюшмасига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига хабар беради.

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



Белгиланган тартибда ходимлар ёллайдиган якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларида бахтсиз ҳодиса ҳақида жабрланувчи ёки гувоҳ якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти раҳбарига дарҳол хабар бериши керак.

7. Бахтсиз ҳодиса содир бўлган тақдирда, иш берувчи ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ электрон ахборот тизими орқали бир сутка ичида қуйидагиларга белгиланган тартибда хабарнома юбориши шарт:

ҳудудий давлат меҳнат инспекциясига;

юқори турувчи хўжалик органига (агар мавжуд бўлса);

бахтсиз ҳодиса юз берган жойдаги ҳудудий ички ишлар органига;

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига;

Касаба уюшмалари ҳудудий бирлашмасига;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг ҳудудий органига, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий органига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг (кейинги ўринларда – Ўзэнергоинспекция) ҳудудий органига, агар бахтсиз ҳодиса назорати остидаги ташкилотда (объектда) юз берган бўлса;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли ҳудудий органига, агар бахтсиз ҳодиса ёнғин, портлаш, техноген авария, табиий офат оқибатида содир бўлган бўлса;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчига.

8. Агар жабрланувчи бахтсиз ҳодиса оқибатида вақтинча иш қобилиятини йўқотган даврда ушбу бахтсиз ҳодиса сабабли вафот этса, иш берувчи бу ҳақида электрон ахборот тизими орқали бир сутка ичида ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ташкилотларга хабарнома юбориши шарт.

Жабрланувчи шу бахтсиз ҳодиса оқибатида вафот этган вақтдан бошлаб оқибати ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодиса сифатида ҳисобга олиниши керак.

9. Тиббиёт муассасалари бахтсиз ҳодиса оқибатида жабрланган ва мурожаат қилган шахслар тўғрисида ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ бир сутка ичида электрон ахборот тизими орқали ҳудудий Давлат меҳнат инспекцияси ҳамда Касаба уюшмалари ҳудудий бирлашмасига хабарнома юбориши шарт.

10. Ушбу Низомнинг 7, 8, 9-бандларида кўрсатилган муддатларда бахтсиз ҳодиса юзасидан электрон ахборот тизими орқали хабарнома юбормаслик меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузиш ҳисобланади ва белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



## 3-боб. Енгил турдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби

11. Ушбу Низомнинг 2-банди биринчи қисмида кўрсатилган, меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахслар иш берувчининг (унинг вакилининг) топшириғига биноан бирон-бир ишни бажараётганда, шунингдек, иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномасидан келиб чиқадиган ёхуд унинг манфаатларини кўзлаб қандайдир хатти-ҳаракатни амалга ошираётганда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланишига олиб келмаган тирналишлар, шилинишлар, юмшоқ тўқималарнинг лат ейиши, қонталашлар, юзаки жароҳатлар ва бошқа енгил турдаги шикастланишлар меҳнат фаолияти билан боғлиқ енгил турдаги бахтсиз ҳодиса ҳисобланади.

12. Енгил турдаги бахтсиз ҳодисалар иш берувчининг буйруғи билан тузилган комиссия томонидан текширилади.

Комиссия таркибига ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходими ёки ушбу вазифа юкланган шахс, мавжуд бўлса, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи вакили ҳамда бошқа мутахассислар киритилади.

Комиссия таркибига бахтсиз ҳодисанинг келиб чиқиш сабабларига бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган, мазкур бахтсиз ҳодиса юзасидан манфаатлар тўқнашувига эга бўлган шахсларни, шунингдек, меҳнат хавфсизлигига бевосита жавоб берувчи раҳбарларнинг киритилишига йўл қўйилмайди.

13. Комиссия:

уч иш куни ичида бахтсиз ҳодисани текшириб чиқиши, гувоҳлар ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бузилишига йўл қўйган шахсларни аниқлаб сўроқ қилиши, имкони бўлса, жабрланувчидан тушунтириш хати олиши;

бахтсиз ҳодиса натижасида ходимнинг меҳнат қобилияти камида бир кунга йўқотилса ёки тиббий хулосага мувофиқ енгилроқ бошқа ишга ўтиши зарур бўлса, ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ электрон ахборот тизими орқали Н-1 шаклидаги далолатномани тузиши ва тасдиқлаш учун иш берувчига киритиши керак.

14. Иш берувчи бахтсиз ҳодисани текшириш якунлари бўйича электрон ахборот тизими орқали киритилган Н-1 шаклидаги далолатномани бир иш куни ичида тасдиқлаши ва нусхасини жабрланувчига етказиши шарт.

Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилган бахтсиз ҳодисалар ташкилот томонидан ҳисобга олинади ва электрон ахборот тизимида қайд қилинади.

15. Бошқа ташкилот томонидан ўша ташкилот топшириғини бажариш учун ёки хизмат вазифасини амалга ошириш учун мазкур ташкилотга жўнатилган ходим билан юз берган бахтсиз ҳодиса шу бахтсиз ҳодиса юз берган ташкилот иш берувчиси томонидан тузилган комиссия томонидан жабрланувчи ишлайдиган ташкилот вакили иштирокида текширилади.

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



Бахтсиз ҳодиса жабрланувчи қайси ташкилот ходими бўлса, ўша ташкилот томонидан ҳисобга олинади.

16. Иш берувчининг ёзма буйруғи билан вақтинча бошқа ташкилотга ишга ўтказилган ёхуд ўриндошлик асосида ишлаётган ходим билан бахтсиз ҳодиса юз берса бахтсиз ҳодиса содир бўлган ташкилот томонидан текширилади ва ҳисобга олинади.

17. Бошқа ташкилотнинг ажратилган участкасида иш олиб бораётган ташкилот ходими билан бахтсиз ҳодиса юз берса, у иш олиб бораётган ташкилот томонидан текширилади ва ҳисобга олинади.

18. Ҳарбий қисм билан ташкилот ўртасидаги шартнома ёки битим бўйича халқ хўжалиги объектларига ишга жалб қилинган ва унинг маъмурий-техник ходими бошчилигида ишлаётган ҳарбий қурилиш отряди (қисми) шахсий таркиби билан юз берган бахтсиз ҳодиса ушбу бахтсиз ҳодиса юз берган такшилот томонидан ҳарбий қурилиш отряди (қисми) қўмондонлиги иштирокида текширилади. Бахтсиз ҳодиса ташкилот томонидан ҳисобга олинади.

Ҳарбийлаштирилган кон ва газ қутқарувчилари қисмлари шахсий таркиби билан юз берган бахтсиз ҳодиса иш берувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси ёки Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси ёхуд Ўзэнергоинспекцияси вакили иштирокида текширилади.

19. Жазони ижро этиш муассасасида сақланаётган ва ушбу муассаса билан ташкилот ўртасидаги шартнома ёки битим бўйича ишга жалб қилинган ҳамда унинг маъмурий-техник ходими бошчилигида ишлётган шахс билан содир бўлган бахтсиз ҳодиса ушбу муассаса вакили иштирокида ташкилот томонидан текширилади ва ҳисобга олинади.

Жазони ижро этиш муассасасида сақланаётган ва ушбу муассасада хўжалик ишларини бажараётган шахс билан, шунингдек, шу муассасанинг ишлаб чиқаришида содир бўлган бахтсиз ҳодиса Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда текширилади ва ҳисобга олинади.

20. Автокорхона ёки бошқа ташкилот томонидан тузилган йиғма автоколонна таркибидаги автомобиль ҳайдовчиси билан юз берган бахтсиз ҳодиса шу ташкилот томонидан текширилади ва ҳисобга олинади. Текширишда ходимни юборган ташкилот вакили қатнашади.

21. Ташкилот ходими раҳбарлигида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ёки иш бажараётган ўқувчилар, талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодиса ташкилот томонидан таълим ташкилоти вакили билан биргаликда текширилади ва ташкилот томонидан ҳисобга олинади.

Ташкилот томонидан ишлаб чиқариш амалиёти учун ажратилган участкада ўқитувчилари раҳбарлигида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ёки иш бажараётган ўқувчилар, талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодисалар таълим ташкилоти томонидан ташкилот вакили билан биргаликда текширилади ва таълим ташкилоти томонидан ҳисобга олинади.

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



22. Енгил турдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобини юритиш бўйича тавсиялар Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг таклифлари инобатга олинган ҳолда, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

## 4-боб. Гуруҳли, оқибати ўртача оғир ёки оғир ва ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисаларни махсус текшириш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартиби

23. Қуйидаги бахтсиз ҳодисалар махсус текширилади:

саломатликка етказилган зарарнинг оғирлик даражасидан қатъи назар, бир вақтнинг ўзида икки ва ундан зиёд ходимлар билан юз берган гуруҳли бахтсиз ҳодисалар;

оқибати ўртача оғир ёки оғир бахтсиз ҳодисалар;

оқибати ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар.

24. Тадбиркорлик субъектларида содир бўлган гуруҳли, оқибати ўртача оғир ёки оғир ва ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисаларни махсус текшириш махсус ваколатли орган билан олдиндан келишилмаган ва хабардор этмаган ҳолда ушбу Низом талаблари асосида текширилади.

25. Гуруҳли, оқибати ўртача оғир ёки оғир ва уч нафаргача ходимлар ўлими билан тугаган бахтсиз ҳодиса электрон ахборот тизими орқали юборилган хабарномага асосан Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаларининг (кейинги ўринларда – ҳудудий Бандлик органи) буйруғига мувофиқ тасдиқланадиган қуйидаги таркибдаги махсус текшириш комиссияси томонидан текширилади:

махсус текшириш комиссияси раиси – ҳудудий Бандлик органининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат техник инспектори;

махсус текшириш комиссияси аъзолари – иш берувчи вакиллари, ташкилотнинг касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларининг бошқа вакиллик органи вакили ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг вакили;

бошқа ташкилот томонидан ўша ташкилот топшириғини бажариш учун ёки хизмат вазифасини амалга ошириш учун мазкур ташкилотга жўнатилган ходим билан юз берган бахтсиз ҳодисани текширишда ходимни юборган ташкилот вакили;

ҳарбий қисм билан ташкилот ўртасидаги шартнома ёки битим бўйича халқ хўжалиги объектларига ишга жалб қилинган ва унинг маъмурий-техник ходими бошчилигида ишлаётган ҳарбий қурилиш отряди (қисми) шахсий таркиби билан юз берган бахтсиз ҳодисани текширишда ҳарбий қурилиш отряди (қисми) қўмондонлиги вакили;

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



жазони ижро этиш муассасасида сақланаётган ва ушбу муассаса билан ташкилот ўртасидаги шартнома ёки битим бўйича ишга жалб қилинган ҳамда унинг маъмурий-техник ходими бошчилигида ишлаётган шахс билан содир бўлган бахтсиз ҳодисани текширишда жазони ижро этиш муассасаси вакили;

ташкилот ходими раҳбарлигида ишлаб чиқариш амалиёти ўтаётган ёки иш бажараётган ўқувчилар ва талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодисани текширишда ўқувчилар ва талабаларни юборган таълим ташкилоти вакили;

агар бахтсиз ҳодиса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси ёки Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси ёхуд Ўзэнергоинспекция назорати остидаги ташкилотларда (объектларда) юз берган бўлса, ушбу органларнинг ҳудудий органининг ваколатли вакили;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли ҳудудий органининг ваколатли вакили, агар бахтсиз ҳодиса ёнғин, портлаш, техноген авария, табиий офат оқибатида содир бўлган бўлса, махсус текшириш комиссия таркибига киритилиши керак.

26. Уч нафардан ўн бир нафаргача инсонларнинг ўлимига сабаб бўлган бахтсиз ҳодисалар электрон ахборот тизими орқали юборилган хабарномага асосан Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги буйруғига мувофиқ қуйидаги таркибда тузилган махсус текшириш комиссияси томонидан текширилади:

махсус текшириш комиссияси раиси – Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Давлат меҳнат инспекциясининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспектори;

махсус текшириш комиссияси аъзолари – бахтсиз ҳодиса содир бўлган ташкилотнинг юқори турувчи органи раҳбарларидан бири, иш берувчи ёки унинг вакили, ташкилот касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларининг бошқа вакиллик органи раиси;

бошқа ташкилот томонидан ўша ташкилот топшириғини бажариш учун ёки хизмат вазифасини амалга ошириш учун мазкур ташкилотга жўнатилган ходим билан юз берган бахтсиз ҳодисани текширишда ходимни юборган ташкилот раҳбарларидан бири;

ҳарбий қисм билан ташкилот ўртасидаги шартнома ёки битим бўйича халқ хўжалиги объектларига ишга жалб қилинган ва унинг маъмурий-техник ходими бошчилигида ишлаётган ҳарбий қурилиш отряди (қисми) шахсий таркиби билан юз берган бахтсиз ҳодисани текширишда ҳарбий қурилиш отряди (қисми) қўмондонлиги раҳбарларидан бири;

жазони ижро этиш муассасасида сақланаётган ва ушбу муассаса билан ташкилот ўртасидаги шартнома ёки битим бўйича ишга жалб қилинган ҳамда унинг маъмурий-техник ходими бошчилигида ишлаётган шахс билан содир бўлган бахтсиз ҳодисани текширишда жазони ижро этиш муассасаси раҳбарларидан бири;

ташкилот ходими раҳбарлигида ишлаб чиқариш амалиёти ўтаётган ёки иш бажараётган ўқувчилар ва талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодисани текширишда ўқувчилар ва талабаларни юборган таълим ташкилоти раҳбарларидан бири;

агар бахтсиз ҳодиса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси ёки Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси ёхуд Ўзэнергоинспекция назорати остидаги ташкилотларда (объектларда) юз берган бўлса, ушбу органларнинг ваколатли вакили;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ваколатли вакили, агар бахтсиз ҳодиса ёнғин, портлаш, техноген авария, табиий офат оқибатида содир бўлган бўлса, махсус текшириш комиссияси таркибига киритилиши керак.

27. Ўн бир нафар ва ундан ортиқ инсонларнинг ўлимига сабаб бўлган бахтсиз ҳодисалар Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши асосида тузилган махсус текшириш комиссияси томонидан текширилади.

28. Махсус текшириш комиссияси:

ўн беш иш куни мобайнида бахтсиз ҳодисани текшириб чиқади, ташкилотдаги (бўлинмадаги, цехдаги) меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини, агар зарур бўлса, тармоқнинг бошқа ташкилотларида ҳам текширишни ташкил этади, шунингдек, ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ махсус текшириш далолатномасини тузади ҳамда қуйидаги ҳужжатларни расмийлаштиради:

ҳар бир жабрланувчига алоҳида электрон ахборот тизими орқали тузилган Н-1 шаклидаги далолатнома;

режалар, схемалар, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, бахтсиз ҳодиса юз берган жойнинг фотосуратлари ва видеотасвирлар (агар мавжуд бўлса);

йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жой схемаси (агар бахтсиз ҳодиса йўл-транспорт ходисаси оқибатида содир бўлган бўлса);

жабрланувчининг (жабрланувчиларнинг) ва бахтсиз ҳодисани кўрган гувоҳлар ва бошқа алоқадор шахсларни сўроқ қилиш баённлари, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилинишига масъул бўлган мансабдор шахсларнинг тушунтиришлари, эксперт гуруҳи тузиш тўғрисидаги қарор ва бошқалар;

жабрланувчининг (жабрланувчиларнинг) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлардан ўтказилгани, ўқитилиб, билимлари текширилганини қайд қилиш журналларидан ёки электрон дастурлардан олинган кўчирмалар;

жабрланувчига (жабрланувчиларга) етказилган жароҳатнинг хусусияти ва оғирлиги, ўлими сабаблари тўғрисидаги тиббий хулоса ёки суд-тиббий экспертиза хулосаси;

эксперт гуруҳининг (зарур бўлганда) бахтсиз ҳодиса сабаблари ҳақидаги хулосаси, лаборатория ва бошқа тадқиқотлар, тажрибалар, таҳлиллар натижалари;

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



махсус текшириш комиссияси тузиш ҳақидаги буйруқ ёки фармойиш;

бахтсиз ҳодисага алоқадор ташкилотнинг ички ҳужжатларидан кўчирмалар;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспекторининг ташкилотдаги меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини текшириш материаллари;

зарур бўлган ҳолларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспекторининг хулосаси;

жабрланувчининг (жабрланувчиларнинг) ўртача ойлик иш ҳақи тўғрисида маълумотнома – етказилган зарарни қоплаш суммасини ҳисоблаб чиқиш учун;

боқувчи бўлган ходим вафот этгани муносабати билан етказилган зиённинг ўрни қоплаш тўғрисидаги иш берувчининг буйруғи нусхаси – ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодиса юз берганда.

29. Махсус текшириш комиссияси аъзолари текшириш давомида иш берувчидан, ташкилот ва унинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари, гувоҳлар ва бошқа шахслардан ёзма ва оғзаки тушунтиришлар олишга ҳақли.

Махсус текшириш комиссияси аъзолари махсус текшириш ўтказаётган комиссия далолатномасидан норози бўлганда, ўзининг алоҳида фикрини билдириб, махсус текшириш комиссияси раисига ёки ички ишлар органига ёхуд судга тақдим этиши мумкин.

30. Махсус текшириш комиссияси аъзолари жабрланувчи (жабрланувчилар) ёки уларнинг оила аъзолари билан учрашувлар ташкил этади, зарур бўлса тегишли органларга таклифлар киритади ёки ижтимоий тусдаги ёрдам масалаларини жойида ҳал қилади, шунингдек, жабрланувчига (жабрланувчиларга) ёки вафот этганнинг оила аъзоларига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларини тушунтиради.

31. Махсус текшириш комиссияси раиси – меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспектори текшириш якунлангандан сўнг беш иш куни ичида махсус текшириш материалларини қуйидагиларга юбориши керак:

бахтсиз ҳодиса юз берган жойдаги ҳудудий ички ишлар органига;

бахтсиз ҳодиса юз берган ташкилотга;

агар жабрланган ходим бошқа ташкилотдан юборилган бўлса, ушбу ходимни юборган ташкилотга;

агар бахтсиз ҳодиса назорати остидаги ташкилотда (объектда) юз берган бўлса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси ёки Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси ёхуд “Ўзэнергоинспекцияси”га.

Бахтсиз ҳодисани махсус текшириш материаллари тегишли ташкилот ва органларга юборилгандан сўнг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспектори уч иш куни ичида бахтсиз ҳодиса юзасидан маълумотларни электрон ахборот тизимига киритиши лозим.

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



32. Бахтсиз ҳодиса юз берган ташкилот иш берувчиси (юқори турувчи хўжалик органи раҳбари) махсус текшириш материалларини зудлик билан кўриб чиқишга, бахтсиз ҳодисани келиб чиқиши сабабларини бартараф этиш тўғрисида махсус текшириш комиссияси таклиф қилган чора-тадбирларни бажариш ҳақида, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича лавозим вазифаларнинг бажарилмаслигига (бузилишига) йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақида буйруқ чиқаришга мажбур.

Иш берувчи махсус текшириш комиссияси таклиф қилган чора-тадбирларнинг бажарилгани ҳақида махсус текшириш комиссияси раиси, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспекторига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг ёки Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ёхуд Ўзэнергоинспекциясининг объектлар назорати остида бўлган маҳаллий органларига ёзма равишда ахборот юборади.

33. Махсус текшириш комиссияси раиси бахтсиз ҳодиса сабабларини аниқлаш учун саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги, тоғ-кон саноати, энергетика, ёнғин хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар бўйича эксперт ва мутахассисларни жалб этган ҳолда уларнинг хулосаларини олиш ҳуқуқига эга.

Махсус текшириш комиссияси раисининг сўровига асосан тегишли соҳа эксперт ва мутахассислари бахтсиз ҳодиса юзасидан етти иш куни ичида ўзларининг хулосаларини беришлари шарт.

Жалб этилган эксперт ёки мутахассис асосли сабабларсиз белгиланган муддатда хулосани тақдим этмаган тақдирда, махсус текшириш комиссияси раиси ушбу эксперт ёки мутахассисни алмаштириш ҳамда уларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда чора кўриш юзасидан мазкур эксперт ва мутахассисларнинг иш берувчисига тақдимнома киритиш ҳуқуқига эга.

34. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспектори ташкилотдаги меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини текшириб, далолатнома расмийлаштиради ва қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш юзасидан иш берувчиларга (унинг вакилига) бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатма беради ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўради.

## 5-боб. Электрон ахборот тизими орқали хабардор қилинмаган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби

35. Иш берувчи томонидан электрон ахборот тизими орқали хабарнома юборилмаган гуруҳли, оқибати ўртача оғир ёки оғир ва уч нафаргача ходим ўлими билан тугаган бахтсиз ҳодиса қуйидагилар асосида ҳудудий Бандлик органи буйруғига мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат техник инспектори томонидан текширилади:

жабрланувчи (жабрланувчилар) ёки уларнинг яқин қариндошлари ёхуд қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсларнинг мурожаатлари;

ички ишлар органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг мурожаатлари;

оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилинган маълумотлар.

36. Иш берувчи томонидан электрон ахборот тизими орқали хабарнома юборилмаган уч нафардан ўн бир нафаргача ходимларнинг ўлимига сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги буйруғига мувофиқ қуйидагилар асосида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспектори томонидан мустақил текширилади:

жабрланувчи (жабрланувчилар) ёки уларнинг яқин қариндошлари ёхуд қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсларнинг мурожаатлари;

ички ишлар органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг мурожаатлари;

оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилинган маълумотлар.

37. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспектори зарурат бўлганда, тегишли эксперт ва мутахассисларни (саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги, тоғ-кон саноати, энергетика, ёнғин хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа) жалб қилган ҳолда уларнинг хулосаларини олиш ҳуқуқига эга.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспекторининг сўровига асосан тегишли соҳа эксперт ва мутахассислари бахтсиз ҳодиса юзасидан етти иш куни ичида ўзларининг хулосаларини беришлари шарт.

38. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспектори ушбу Низомнинг 4-бобида кўрсатиб ўтилган муддатда ва тартибда бахтсиз ҳодисани текширади ва жалб этилган эксперт ва мутахассисларнинг хулосалари асосида ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ далолатнома тузади ҳамда расмийлаштириб, ушбу Низомнинг 31-бандида кўрсатилган ташкилотларга юборади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспектори далолатнома тегишли органларга юборилгандан сўнг уч иш куни ичида бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги маълумотларни электрон ахборт тизимига киритади.

## 6-боб. Бахтсиз ҳодисалар тўғрисида ҳисобот ва уларнинг келиб чиқиши сабаблари таҳлили

39. Ушбу Низомнинг 28 ва 38-бандларида кўрсатиб ўтилган далолатнома ва хулосалар билан расмийлаштирилган бахтсиз ҳодисалар юзасидан иш берувчи текшириш далолатномасини олгандан сўнг уч иш куни ичида электрон ахбоорт тизими орқали ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ Н-1 шаклидаги далолатномани тузади ва бир иш куни ичида ушбу далолатнома нусхасини жабрланувчига (жабрланувчиларга) ёки уларнинг оила азоларига етказади.

40. Бахтсиз ҳодисаларни тўғри ва ўз вақтида текшириш ва ҳисобга олишни, шунингдек, бахтсиз ҳодиса келиб чиқиши сабабларини бартараф этишга оид чора-тадбирларнинг бажарилишини ташкилотнинг юқори турувчи хўжалик органи, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспектори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси хавфли ишлаб чиқариш объектларида, радиациявий хавфли объектларда ва атом энергиясидан фойдаланиш объектларида, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси тоғ-кон тармоғи, геология ҳамда ер қаъридан фойдаланиш соҳасида, шу жумладан, нефть-газ тармоғида геология-қидирув ишларини, углеводород хомашёсининг қазиб олинишини, кончиликни, қаттиқ фойдали қазилмаларнинг қайта ишланишини ҳамда портлатиш ишларини амалга оширишда саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилишини, шунингдек, ерости сувларидан оқилона фойдаланувчи объектларда ва Ўзэнергоинспекция энергетика объектлари ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларида (кейинги ўринларда – назорат остидаги объектлар) назорат қилади.

41. Иш берувчи Н-1 шаклидаги далолатномани тузишдан бош тортса, жабрланувчи ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс Н-1 шаклидаги далолатнома мазмунидан норози бўлса, ташкилот касаба уюшмаси қўмитасига ёки ходимларининг бошқа вакиллик органига мурожаат қилади.

Ташкилотнинг касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларининг бошқа вакиллик органи ўн иш куни ичида бахтсиз ҳодисанинг келиб чиқиши сабабларини ўрганиб чиқади, меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бузилишини аниқлайди, зарур деб ҳисобласа, иш берувчидан Н-1 шаклидаги далолатномани тузишни ёки қайта тузишни талаб қилади.

Иш берувчи бу талабларни бажармаса, ташкилот касаба уюшмаси қўмитасига ёки ходимларининг бошқа вакиллик органи, шунингдек, жабрланувчи ёки бошқа манфаатдор шахс ҳудудий Бандлик органларининг Давлат меҳнат инспекциясига мурожаат қилади.

42. Н-1 шаклидаги далолатнома тузилмагани ёки нотўғри тузилгани аниқланган ҳолларда, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспектори иш берувчидан Н-1 шаклидаги далолатномани тузишни ёки қайтадан тузишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспектори хулосасини бажаришга мажбур.

43. Иш берувчи ҳар бир бахтсиз ҳодиса юзасидан тузилган Н-1 шаклидаги далолатнома асосида уч иш куни ичида электрон ахборот тизимига тегишли маълумотларни киритиши шарт.

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



44. Иш берувчи ҳар бир бахтсиз ҳодисанинг келиб чиқиш сабабларини тўлиқ ва холисона ўрганиши, таҳлил қилиши ҳамда уни меҳнат жамоасида муҳокама қилинишини таъминлаши шарт.

Иш берувчи бахтсиз ҳодисани текшириш ва таҳлил натижаларига кўра меҳнат фаолияти билан боғлиқ жароҳатланишларнинг олдини олишга қаратилган ташкилий, техник, санитария-гигиеник ва профилактика чора-тадбирлари комплексини ишлаб чиқиши ҳамда уларнинг белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаши, шунингдек, ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул шахсларни белгилаши шарт.

45. Бошқарув органлари ўзларининг қуйи тизимида содир бўлган барча бахтсиз ҳодисаларнинг ҳисобини ва таҳлилини юритади, уни ўзига қарашли ташкилотларга маълумот учун юборади.

Тегишли касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга оид чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва уларнинг бажарилиши назорат қилинади.

46. Ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодиса юқори турувчи касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан биргаликда юқори турувчи хўжалик органларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ҳамда Ўзэнергоинспекция ҳайъатида (агар бахтсиз ҳодиса шу орган назорати остидаги объектда юз берган бўлса) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош) давлат техник инспектори иштирокида муҳокама қилинади.

47. Икки ва ундан зиёд инсонларнинг ўлимига сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса ҳудудий Бандлик бошқармалари ҳайъат йиғилишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси ёки Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси ёхуд Ўзэнергоинспекцияси ҳайъатида (агар бахтсиз ҳодиса шу орган назорати остидаги объектда юз берган бўлса) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспектори ҳамда тармоқ касаба уюшмаси вакили иштирокида кўриб чиқилади. Ҳайъат ва кенгашлар чиқарган қарор бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

48. Ҳудудий ички ишлар органлари Давлат меҳнат инспекциясининг сўровига асосан бахтсиз ҳодиса юзасидан ахборот бериб туради.

## 7-боб. Бахтсиз ҳодисаларни текшириш, расмийлаштириш ва ҳисобга олиш бўйича келишмовчиликларни кўриб чиқиш тартиби

49. Иш берувчи томонидан бахтсиз ҳодиса ҳолатини тан олмаслик, бахтсиз ҳодисани текшириш ва тегишли далолатномани тузишни рад этиш жабрланувчи (унинг қонуний вакили ёки бошқа ишончли шахси), ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар содир бўлганда, вафот этган шахснинг қарамоғида бўлган шахсларнинг ёки улар билан яқин қариндошлик муносабатларида бўлган шахсларнинг (уларнинг қонуний вакили ёки бошқа ишончли шахси) мурожаатлари асосида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспектори томонидан кўриб чиқилади.

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



50. Бахтсиз ҳодиса юзасидан иш берувчи билан жабрланувчи (жабрланувчилар) ўртасидаги келишмовчилик ҳудудий Давлат меҳнат инспекциясининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат техник инспектори томонидан кўриб чиқилади ва ҳал қилинади.

Иш берувчи ёки жабрланувчи (жабрланувчилар) билан ҳудудий Давлат меҳнат инспекциясининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат техник инспектори ўртасидаги келишмовчилик ҳудудий Давлат меҳнат инспекциясининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош давлат техник инспектори томонидан кўриб чиқилади ва ҳал қилинади.

Иш берувчи ёки жабрланувчи (жабрланувчилар) билан ҳудудий Давлат меҳнат инспекциясининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош давлат техник инспектори ўртасидаги келишмовчилик Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Давлат меҳнат инспекциясининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош ёки катта давлат техник инспектори томонидан кўриб чиқилади ва ҳал қилинади.

51. Иш берувчи ёки жабрланувчи (жабрланувчилар) билан Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Давлат меҳнат инспекциясининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош ёки катта давлат техник инспектори ўртасидаги келишмовчилик қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади ва ҳал қилинади.

52. Иш берувчи ёки жабрланувчи (жабрланувчилар) ушбу Низомнинг 49-51-бандларида назарда тутилган келишмовчиликлар бўйича бевосита судга мурожаат қилишлари мумкин.

53. Бахтсиз ҳодиса юзасидан тақдим этилган ҳужжатлар бўйича Ички ишлар органларининг эътирозлари ушбу Низомнинг 49-51-бандларида келтирилган изчиллик тартибида кўриб чиқилади ва ҳал қилинади.

54. Бахтсиз ҳодиса юзасидан келишмовчиликлар, бахтсиз ҳодисани текшириш юзасидан тўпланган ҳужжатлар ҳамда ўрганиш жараёнида қўшимча ривишда тўпланган ҳужжатлар, шунингдек, жабрланувчи ва гувоҳлардан олинган тушунтиришларга асосан ўн беш иш куни давомида кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш якунлангандан сўнг ўн иш куни ичида ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ хулоса тузилиб, тегишли ташкилотларга юборилади.

## 8-боб. Якунловчи қоида

55. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



Меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар
тўғрисида хабар бериш, уларни текшириш
ва ҳисобга олиш тартиби ҳақидаги низомга
1-илова

НАМУНА

Бахтсиз ҳодиса (енгил, гуруҳий, оқибати ўртача оғир, оғир
ҳамда ўлим билан тугаган) тўғрисида

**ХАБАРНОМА**

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Ташкилот номи** | | | |
| **Юқори турувчи органи** | | | |
| **Юридик манзили** | | | |
| **Асосий фаолият тури** | | | |
| **Иш берувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми** | | | |
| **Иш берувчининг телефон рақами** | | **Электрон почта манзили** | |
| **СТИР** | | **ИФУТ** | |
| **Бахтсиз ҳодиса содир бўлган вақт** *(соат, кун, ой, йил )* | | | |
| **Бахтсиз ҳодисани тури** *(енгил, гуруҳий, оқибати ўрта оғир, оғир ҳамда ўлим билан тугаган)* | | **Жароҳатланганлар сони** | |
| | | **Вафот этганлар сони** | |
| **Жабрланувчи (жабрланувчилар) ҳақида маълумот** *(туғилган куни, ойи, йили, яшаш манзили, лавозими, умумий иш стажи, ушбу ишдаги иш стажи)* | | | |
| **Жабрланувчини (жабрланувчиларни) юборган ташкилот номи ва юридик манзили** *(бошқа ташкилотдан юборилган шахслар бўлса тўлдирилади).* | | | |
| **Бахтсиз ҳодисани қисқача тавсифи** *(бахтсиз ҳодиса содир бўлган бўлим, цех, участка, жароҳат етказган асбоб-ускуна ва бошқа тавсилотлар)* | | | |

**Хабарнома юборган масъул шахс** *QR kod* **Ф.И.О.**

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



Меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар
тўғрисида хабар бериш, уларни текшириш
ва ҳисобга олиш тартиби ҳақидаги низомга
2-илова

НАМУНА

Бахтсиз ҳодиса (енгил, гуруҳий, оқибати ўртача оғир, оғир ҳамда ўлим билан тугаган) оқибатида жабрланган ва тиббиёт муассасасига мурожаат қилган шахслар тўғрисида

**ХАБАРНОМА**

| | |
|---|---|
| **Тиббиёт маусасаси номи** | |
| **Тиббиёт муассасанинг юридик манзили ва телефон рақами** | |
| **Жабрланувчи (жабрланувчилар) ҳақида маълумот** *(Ф.И.О. туғилган куни, ойи, йили, яшаш манзили, лавозими)* | |
| **Мурожаат қилган вақт** *(соат, кун, ой, йил )* | |
| **Жабрланувчи (жабрланувчилар) фаолият юритаётган ташкилот номи ва манзили** | |
| **Жароҳатланишнинг қисқача тавсифи** | |
| **Жабрланувчига (жабрланувчиларга) етказилган жароҳатнинг оғирлик даражаси** *(енгил, ўрта оғир, оғир, ўлим)* | |

**Хабарнома юборган**
**масъул шахс** *QR kod* **Ф.И.О.**

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



Меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар
тўғрисида хабар бериш, уларни текшириш
ва ҳисобга олиш тартиби ҳақидаги низомга
3-илова

НАМУНА

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

QR код

_____
Ташкилот раҳбари (Ф.И.О.)
20___ йил “____” “_____”

Н-1 шакл

**ДАЛОЛАТНОМА _____**
**Меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса тўғрисида**

1. Ташкилотнинг номи _____
1.1. Ташкилотнинг манзили _____
*(вилоят, шаҳар, туман, кўча, уй)*
1.2. Мулкчилик шакли _____
*(давлат, акциядорлик, хусусий ва бошқа)*
1.3. Бахтсиз ҳодиса юз берган жой _____
*(бўлинма, цех)*
2. Вазирлик, хўжалик бошқаруви органи _____
3. Ходимни юборган ташкилот _____
*(номи, манзили, вазирлик*
_____
*хўжалик бошқаруви органи)*
4. Жабрланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми _____
_____
5. Жинси: эркак, аёл (тагига чизилсин)
6. Ёши (тўлиқ йиллар сони кўрсатилсин) _____
7. Касби, лавозими _____
7.1. Разряди _____
8. Бахтсиз ҳодиса юз берганда бажарилаётган иш бўйича иш стажи _____
9. Меҳнат хавфсизлиги бўйича йўл-йўриқ бериш, ўқитиш ва билимларини текшириш:
9.1. Кириш йўриқномаси (сана) _____
9.2. Дастлабки йўл-йўриқ (сана) _____
9.3. Даврий йўл-йўриқ (сана) _____
9.4. Навбатдан ташқари йўл-йўриқ (сана) _____
9.5. Меҳнат хавфсизлиги бўйича ўқитилгани (сана) _____
9.6. Меҳнат хавфсизлиги бўйича билимлари текширилгани (сана) _____
9.7. Иш жойидаги стажировкадан ўтгани (сана) _____
9.8. Хавфлилиги юқори бўлган ишга кираётганда ўқитилиб билимлари текширилгани (сана)
_____

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



10. Дастлабки ва ёки даврий тиббий кўрикдан ўтгани _____

_____

11. Бахтсиз ҳодиса юз берган сана ва вақт _____

*(йил, кун, ой)*

_____

*(иш бошлашдан тўлиқ соатлар сони)*

12. Бахтсиз ҳодиса сабаблари _____

_____

_____

_____

12.1. Жароҳат етказилишга сабаб бўлган асбоб-ускуна _____

_____

12.2. Жабрланувчининг алкоголли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолати _____

*(тиббий хулосага биноан)*

12.3. Ташхис _____

*(дастлабки, охирги)*

13. Бахтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш тадбирлари:

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажарувчи | Бажарилиши ҳақида белги |
|---|---|---|---|---|

_____

14. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талаблари бузилишига йўл қўйган шахслар _____

*(Ф.И.О., лавозими, корхона номи)*

_____

*(улар томонидан бузилган қонунлар, қоидалар ва*

_____

*норматив ҳужжатларнинг моддалари, бандлари)*

15. Бахтсиз ҳодиса гувоҳлари _____

Далолатнома тузилди _____

*(йил, кун, ой)*

*Изоҳ:*

*7-банд. Агар жабрланувчи бир неча касб эгаси бўлса, унда бахтсиз ҳодиса юз берган вақтидаги касби кўрсатилади.*

*8-банд. Иш стажининг тўлиқ йиллар сони кўрсатилади, агар иш стажи бир йилдан кам бўлса, унда ой ва кунлар сон кўрсатилади.*

*12-банд. Бахтсиз ҳодисанинг асосий техник ва ташкилий сабаблари – асосийси биринчи бўлиб, қолганлари аҳамиятига қараб кўрсатилади.*

*12.1-банд. Жароҳат етказишга сабаб бўлган асбоб-ускунанинг номи, тури, русуми, ишлаб чиқарилган йили, тайёрланган корхона номи кўрсатилади.*

**Далолатномани тузган**
**масъул шахс** *QR kod* **Ф.И.О.**

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



Меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар
тўғрисида хабар бериш, уларни текшириш ва ҳисобга
олиш тартиби ҳақидаги низомга
4-илова

НАМУНА

Меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисани махсус текшириш

**ДАЛОЛАТНОМАСИ**

20 ___ йил "____" _____ соат _____ дақиқада _____

_____

*(жабрланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)*

билан юз берган

_____

*(гуруҳий, оқибати ўрта оғир, оғир, ўлим билан тугаган)*

_____

*(касби, лавозими, иш жойи,*

_____

*ташкилот, юқори турувчи хўжалик органи, вазирлик,*

_____

*хўжалик бошқаруви органи номи)*

_____

*(буйруқ)*

асосан қуйидаги таркибда тузилган комиссия:

раис _____

*(Ф.И.О., лавозими, иш жойи)*

_____

комиссия аъзолари:

_____

*(Ф.И.О., лавозими, иш жойи)*

_____

таклиф этилган мутахассислар иштирокида

_____

_____

_____

*(Ф.И.О., лавозими, иш жойи)*

20 ___ йил "_____" _____ дан 20 ___ йил "_____" гача мазкур бахтсиз ҳодисани махсус текширди ва ушбу далолатномани тузди.

## 1-боб. Жабрланувчи (жабрланувчилар) ҳақида маълумотлар

Фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, касби, лавозими, умумий ва касб бўйича (шу жумладан, ушбу ташкилотдаги) иш стажи, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш, ўқитилиб билимларини текшириш вақти, жабрланувчининг оилавий аҳволи, қарамоғидаги оила аъзолари ҳақидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми) туғилган йили, жабрланувчи билан қариндошлик муносабатлари).

## 2-боб. Бахтсиз ҳодиса содир бўлган корхона, бўлинма, цех, иш жойининг тавсифи

Бахтсиз ҳодиса юз берган жойни қисқача тавсифлаб, жабрланувчига қайси хавфли ва зарарли меҳнат жараёни омиллари таъсир қилган бўлиши мумкинлигини кўрсатиш керак.

Агар бахтсиз ҳодиса объектдаги ҳалокат натижасида юз берган бўлса, далолатномага қуйидагилар қўшимча қилиб киритилади:

объект тавсифи (қозонлар ва кўтарма иншоотлар объектлари учун объект номи ва тури, унинг асосий ўлчовлари, завод берган тартиб рақами, тайёрловчи завод, тайёрланган ва ўрнатилган йили, сўнгги текширувдан ўтгани, шунингдек, тайинланган текширувдан ўтиш муддати);

ҳалокат тоифаси ва тавсифи ҳақида маълумотлар;

нобуд бўлган маҳсулотлар (натура ифодасида ва сўм ҳисобида), ҳалокат натижасида етказилган зарар (сўм ҳисобида).

## 3-боб. Бахтсиз ҳодисанинг шарт-шароитлари

Бахтсиз ҳодиса юз беришигача нималар бўлгани, меҳнат жараёни қандай кечгани, бу жараёнга ким бошчилик қилганини кўрсатиш, жабрланувчи (жабрланувчилар) ва бахтсиз ҳодисага алоқадор бўлган бошқа шахсларнинг хатти-ҳаракатларини тавсифлаш, воқеалар изчиллигини баён қилиш, жароҳатланишга сабаб бўлган хавфли (зарарли) меҳнат жараёни омили, машина, асбоб ёки ускунани кўрсатиш зарур.

## 4-боб. Бахтсиз ҳодиса сабаблари

Бахтсиз ҳодисанинг асосий техник ва ташкилий сабабларини кўрсатиш, меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, лавозим йўриқномалари, ишларни бехатар бажариш бўйича меъёр ва йўриқномаларнинг аниқ қайси талаблари бузилганлигини (тегишли моддалар, бандларга ҳавола қилинган ҳолда), шунингдек, қайси хавфли ва зарарли меҳнат жараёни омили белгиланган меъёр ва даражалардан ошиб кетганлигини кўрсатиш керак.

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



**5-боб. Бахтсиз ҳодиса сабабларини, аниқланган меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бузилишларини бартараф этиш чора-тадбирлари**

Комиссия таклиф этган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

бахтсиз ҳодисали ҳалокат оқибатларини бартараф этиш чоралари;

бахтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш ва яна шундай ҳодиса юз беришининг олдини олиш чоралари;

илова қилинаётган шаклдаги жадвал ёки матнда чора-тадбирлар мазмуни, бажариш муддати ва масъул шахслар кўрсатилган ҳолда баён қилиниши мумкин.

| Чора-тадбирлар | Бажариш муддати | Бажарилишига масъул |
|---|---|---|
| | | |

**6-боб. Комиссиянинг меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бузилишига йўл қўйган шахслар тўғрисидаги хулосаси**

Ушбу бобда хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари бахтсиз ҳодисага (бахтсиз ҳодисали ҳалокатга) олиб келган жавобгар шахслар номини кўрсатиш, улар риоя қилмаган, белгиланган тартибда тасдиқланган меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, лавозим йўриқномалари ва бошқа норматив ҳужжатлар моддалари, бандлари кўрсатилиши керак.

Комиссия томонидан жавобгар шахсларга нисбатан жазо чоралари юзасидан таклифлар билдирилади. Таклиф этилган жазо чоралари жиноий жавобгарликдан (вужудга келган тақдирда) озод қилмайди. Махсус текшириш далолатномасида бахтсиз ҳодисани меҳнат фаолияти билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслиги юзасидан хулоса, комиссия аъзолари жабрланувчи (жабрланувчилар) ёки уларнинг оила аъзолари билан учрашганлари, моддий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий тусдаги масалаларни жойида кўриб чиққанлари, мавжуд қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ уларнинг қонуний ҳуқуқларини тушунтириб берганлари ёзилиши керак.

Махсус текшириш далолатномасининг якуний қисмида ушбу Низомнинг 4-боби 28-бандига мувофиқ илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилади.

Комиссия раиси _____

*(Ф.И.О., сана, имзо)*

Комиссия аъзолари _____

*(Ф.И.О., сана, имзо)*

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



Меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар
тўғрисида хабар бериш, уларни текшириш ва ҳисобга
олиш тартиби ҳақидаги низомга
5-илова

НАМУНА

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспекторининг
бахтсиз ҳодисани текшириш
**ДАЛОЛАТНОМАСИ**

20 ___ йил “____” _____ соат _____ дақиқада _____

_____

*(жабрланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)*

билан юз берган

_____

*(гуруҳий, оқибати ўрта оғир, оғир, ўлим билан тугаган)*

_____

*(касби, лавозими, иш жойи,*

_____

*ташкилот, юқори турувчи хўжалик органи, вазирлик,*

_____

*хўжалик бошқаруви органи номи)*

_____

*(буйруқ)*

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспектори

_____

*(Ф.И.О., лавозими, иш жойи)*

_____

таклиф этилган мутахассислар иштирокида

_____

_____

_____

*(Ф.И.О., лавозими, иш жойи)*

20 ___ йил “_____” _____ дан 20 ___ йил “_____” гача мазкур бахтсиз ҳодисани махсус текширди ва ушбу далолатномани тузди.

## 1-боб. Жабрланувчи (жабрланувчилар) ҳақида маълумотлар

Фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, касби, лавозими, умумий ва касб бўйича (шу жумладан, ушбу ташкилотдаги) иш стажи, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш, ўқитилиб, билимларини текшириш вақти, жабрланувчининг оилавий аҳволи, қарамоғидаги оила аъзолари ҳақидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, жабрланувчи билан қариндошлик муносабатлари).

## 2-боб. Бахтсиз ҳодиса содир бўлган корхона, бўлинма, цех, иш жойининг тавсифи

Бахтсиз ҳодиса юз берган жойни қисқача тавсифлаб, жабрланувчига қайси хавфли ва зарарли меҳнат жараёни омиллари таъсир қилган бўлиши мумкинлигини кўрсатиш керак.

Агар бахтсиз ҳодиса объектдаги ҳалокат натижасида юз берган бўлса, далолатномага қуйидагилар қўшимча қилиб киритилади:

объект тавсифи (қозонлар ва кўтарма иншоотлар объектлари учун объект номи ва тури, унинг асосий ўлчовлари, завод берган тартиб рақами, тайёрловчи завод, тайёрланган ва ўрнатилган йили, сўнгги текширувдан ўтгани, шунингдек, тайинланган текширувдан ўтиш муддати);

ҳалокат тоифаси ва тавсифи ҳақида маълумотлар;

нобуд бўлган маҳсулотлар (натура ифодасида ва сўм ҳисобида), ҳалокат натижасида етказилган зарар (сўм ҳисобида).

## 3-боб. Бахтсиз ҳодисанинг шарт-шароитлари

Бахтсиз ҳодиса юз беришигача нималар бўлгани, меҳнат жараёни қандай кечгани, бу жараёнга ким бошчилик қилганини кўрсатиш, жабрланувчи (жабрланувчилар) ва бахтсиз ҳодисага алоқадор бўлган бошқа шахсларнинг хатти-ҳаракатларини тавсифлаш, воқеалар изчиллигини баён қилиш, жароҳатланишга сабаб бўлган хавфли (зарарли) меҳнат жараёни омили, машина, асбоб ёки ускунани кўрсатиш зарур.

## 4-боб. Бахтсиз ҳодиса сабаблари

Бахтсиз ҳодисанинг асосий техник ва ташкилий сабабларини кўрсатиш, меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, лавозим йўриқномалари, ишларни бехатар бажариш бўйича меъёр ва йўриқномаларнинг аниқ қайси талаблари бузилганлигини (тегишли моддалар, бандларга ҳавола қилинган ҳолда), шунингдек, қайси хавфли ва зарарли меҳнат жараёни омили белгиланган меъёр ва даражалардан ошиб кетганлигини кўрсатиш керак.

## 5-боб. Бахтсиз ҳодиса сабабларини, аниқланган меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бузилишларини бартараф этиш чора-тадбирлари

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспектори таклиф этган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

бахтсиз ҳодиса билан боғлиқ авария оқибатларини бартараф этиш чоралари;

бахтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш ва шу каби ҳодиса юз беришининг олдини олиш чоралари;

илова қилинаётган шаклдаги жадвал ёки матнда чора-тадбирлар мазмуни, бажариш муддати ва масъул шахслар кўрсатилган ҳолда баён қилиниши мумкин.

| Чора-тадбирлар | Бажариш муддати | Бажарилишига масъул |
|---|---|---|
| | | |

## 6-боб. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бузилишига йўл қўйган шахслар тўғрисида хулоса

Ушбу бобда хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари оқибатида бахтсиз ҳодисага (бахтсиз ҳодиса билан боғлиқ ҳалокатга) олиб келишига жавобгар бўлган шахслар номини кўрсатиш, улар томонидан риоя қилинмаган, белгиланган тартибда тасдиқланган меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, лавозим йўриқномалари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари бажарилмаган моддалари, бандлари кўрсатилиши керак.

Комиссия ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспектори томонидан жавобгар шахсларга нисбатан жазо чоралари юзасидан таклифлар билдирилади. Таклиф этилган жазо чоралари жиноий жавобгарликдан (вужудга келган тақдирда) озод қилмайди. Махсус текшириш далолатномасида Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспекторининг бахтсиз ҳодисани меҳнат фаолияти билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслиги юзасидан хулосаси, жабрланувчи (жабрланувчилар) ёки уларнинг оила аъзолари билан учрашганлари, моддий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий тусдаги масалаларни жойида кўриб чиққанлари, мавжуд қонунчиликка мувофиқ уларнинг қонуний ҳуқуқларини тушунтириб берганлари ёзилиши керак.

Махсус текшириш далолатномасининг якуний қисмида ушбу Низомнинг 4-боби 28-бандига мувофиқ илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича
(бош, катта) давлат техник инспектори *Имзо* Ф.И.О.

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



Меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар
тўғрисида хабар бериш, уларни текшириш
ва ҳисобга олиш тартиби ҳақидаги низомга
6-илова

НАМУНА

Келишмовчиликлар юзасидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта)
давлат техник инспекторининг

**ХУЛОСАСИ**

20 ___йил "___" _____ соат _____ дақиқадаги _____

_____

*(жабрланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)*

_____

*(жабрланувчининг лавозими ёки касби, ташкилот номи,*

_____

*юқори турувчи органи номи)*

_____ йилдан _____ йилгача ўтказилган текшириш материаллари асосида қуйидаги хулосага келдим, яъни

_____

_____

_____

_____

_____

_____

_____

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспектори махсус текшириш ўтказган комиссиянинг ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош) давлат техник инспекторининг қандай хулосалари билан келиша олмаслигини қуйидагиларга мувофиқ асослаб беради:

сўроқ қилинмаган ёхуд ўзининг дастлабки кўрсатмасига ўзгартириш киритмоқчи бўлган бахтсиз ҳодиса гувоҳларидан олинган қўшимча тушунтиришлар;

жабрланувчига етказилган жароҳатлар тавсифи, ўлими сабаблари тўғрисида тиббий хулоса;

меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига амал қилинмагани учун бахтсиз ҳодиса юз беришига шароит яратилгани;

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



бошқа эксперт гуруҳларининг хулосаси;

мазкур бахтсиз ҳодисага алоқаси бўлган бошқа ҳужжатлар.

Асослаб берганидан сўнг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспектори махсус текшириш далолатномаси ёки хулосанинг қайси боби ушбу бахтсиз ҳодисага алоқаси бўлган қўшимча ахборот (ҳужжатлар) ҳисобга олинмаган ҳолда баён этилган деб ҳисобласа, шу бобни ифодалаб бериши керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспекторининг хулосаси, зарур ҳолларда Н-1 шаклидаги далолатнома мазмунини бахтсиз ҳодисани қўшимча текшириш натижасида белгиланган маълумотларга мувофиқлаштириб, қайта тузиш тўғрисида иш берувчига қўйилган талаб билан тугатилади.

Хулоса меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, катта) давлат техник инспектори томонидан ушбу Низомнинг 4-боби бўлими 31-бандида кўрсатилган ташкилотларга юборилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича
(бош, катта) давлат техник инспектори *Имзо* Ф.И.О.

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 22 ” сентябрдаги 505-сон қарорига
2-илова

**Ходимнинг меҳнатда майиб бўлиши ва (ёки) касб касаллиги туфайли ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зиённинг ўрнини қоплаш**

# ҚОИДАЛАРИ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидалар ходимнинг меҳнатда майиб бўлиши ва (ёки) касб касаллиги туфайли ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зиённинг (кейинги ўринларда – соғлиққа етказилган зиён) ўрнини қоплаш тартибини белгилайди.

Ушбу Қоидаларнинг амал қилиши иш берувчиларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат шартномаси бўйича ишлаган ёки ишлаётган ҳамда соғлиғига зиён етказилган ходимларга жорий этилади.

Контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга, шунингдек, ички ишлар ва давлат божхона хизмати органларида, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматида, Миллий гвардиясида хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчиларга (ходимларга) ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга нисбатан ушбу Қоидаларнинг махсус қонунчиликка зид бўлмаган қисми татбиқ этилади.

Судьяларга нисбатан ушбу Қоидаларнинг судлар тўғрисидаги қонунчиликда тартибга солинмаган қисми бўйича татбиқ этилади.

Прокуратура органлари ходимларига нисбатан ушбу Қоидаларнинг прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликка зид бўлмаган қисми татбиқ этилади.

2. Иш берувчи ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам меҳнат вазифаларини бажаришда, шунингдек, иш берувчи томонидан берилган транспортда иш жойига бориш ёки ишдан қайтиш вақтида меҳнатда майиб бўлиши туфайли ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зиён учун моддий жавобгар бўлади.

Иш берувчи, агар ходимнинг соғлиғига етказилган зиён унинг айби билан етказилмаганлигини исботлаб беролмаса, меҳнатда майиб бўлиш ва (ёки) касб касаллиги туфайли ходимга етказилган зиён ўрнини қоплаши шарт.

3. Иш берувчи томонидан ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техник, санитария-гигиена, даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитлари таъминланмагани, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилмаслик туфайли ходимнинг соғлиғига етказилган зиён иш берувчининг айби билан содир этилган деб ҳисобланади.

4. Қуйидаги ҳужжатлар ходимнинг соғлиғига етказилган зиён учун иш берувчининг айбдорлигини ёки жавобгарлигини исботловчи далил ҳисобланади:

бахтсиз ҳодисани махсус текшириш далолатномаси;

бахтсиз ҳодиса ва ходимнинг соғлиғига етказилган зиён тўғрисида далолатнома;

суд қарори;

меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишининг давлат назоратини амалга оширувчи меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош, ктта) давлат техник инспектори ёхуд бошқа мансабдор шахсларнинг (органларнинг) хулосаси;

касб касаллиги тўғрисида тиббий хулоса;

айбдор шахсларга маъмурий ёки интизомий жазо бериш тўғрисидаги қарор;

касаба уюшмаси ёки ходимларининг бошқа вакиллик органи қарори.

Келишмовчилик пайдо бўлганда ёки иш берувчи зиённи тўлашни рад этганда, ушбу масала қонунчиликда белгиланган тартибда суд томонидан ҳал қилинади.

5. Агар жабрланувчининг қўпол эҳтиётсизлиги зиённинг келиб чиқишига ёки кўпайишига сабаб бўлса, ўрни қопланиши лозим бўлган зиён миқдори жабрланувчининг айби даражасига мутаносиб равишда камайтирилиши мумкин, лекин бундай камайтириш тўланиши лозим бўлган зиён суммасининг эллик фоиздан кўп бўлмаслиги лозим.

Жабрланувчи томонидан қўпол эҳтиётсизлик қилинган ва иш берувчининг айби бўлмаган ҳамда иш берувчининг жавобгарлиги у айблилигидан ёки айбсизлигидан қатъи назар, юзага келадиган ҳолларда, ўрни қопланиши лозим бўлган зиён миқдори суд томонидан ҳам камайтирилиши мумкин. Бунда зиённинг ўрнини қоплашни рад этишга йўл қўйилмайди.

Жабрланувчининг айбдорлиги даражаси корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи қарори билан, мазкур масала бўйича келишмовчилик пайдо бўлганда эса – суд томонидан белгиланади.

Аралаш жавобгарлик ходимнинг соғлиғига етказилган зиённинг ўрнини қоплаш чоғидаги қўшимча харажатларнинг ўрнини қоплашга, бир йўла бериладиган нафақани тўлашга, шунингдек, боқувчи бўлган ходим вафот этгани муносабати билан етказилган зиённинг ўрнини қоплашга татбиқ этилмайди.

6. Жабрланувчининг соғлиғига етказилган зиён туфайли касбий меҳнат қобилиятини йўқотиш даражаси тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси (кейинги ўринларда – ТИЭК) томонидан белгиланади.

Касбий меҳнат қобилиятини йўқотиш даражасини белгилаш билан бир вақтда ТИЭК асослари мавжуд бўлганда, ногиронликнинг тегишли гуруҳи белгиланади ҳамда жабрланувчининг қўшимча ёрдам турларига бўлган муҳтожлиги аниқланади.

7. Ушбу Қоидаларга мувофиқ ходимнинг соғлиғига етказилган зиён суммаси, қўшимча харажатларни қоплаш ҳамда бир йўла тўланадиган нафақа миқдори ташкилотнинг жамоа шартномасига асосан оширилиши мумкин.

8. Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори оширилганда, ходимнинг соғлиғига етказилган зиён ёки боқувчи вафот этгани муносабати билан етказилган зиённинг ўрнини иш берувчи томонидан қоплаш суммаси белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг оширилган суммасига мутаносиб равишда кўпайтирилади.

9. Ходимнинг соғлиғига етказилган зиёндан кейин меҳнат муносабатларини тўхтатиши соғлиққа етказилган зиённи тўлашдан озод қилмайди.

10. Қуйидагилар ходимнинг соғлиғига етказилган зиённи тўлаш манбалари ҳисобланади:

бюджет ташкилотлари ва муассасалари учун – қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат бюджети маблағлари;

бошқа иш берувчилар учун – ўз маблағлари.

## 2-боб. Ходимнинг соғлиғига етказилган зиён учун жабрланувчига тўланадиган зиён миқдори

11. Ходимнинг соғлиғига зиён етказилганда жабрланувчининг олган ёхуд олиши мумкин бўлган йўқотган иш ҳақи (даромади) тўланади.

Ходимнинг соғлиғига зиён етказилгани муносабати билан йўқотилган иш ҳақининг ўрнини қоплаш учун тўланадиган ойлик тўловлар миқдори жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан унинг касбий меҳнат қобилиятининг йўқотилиши даражасига мувофиқ бўлган фоизли нисбатда белгиланади.

Зиённинг ўрнини қоплашга оид тўловни тайинлашда жабрланувчи оладиган иш ҳақи, стипендия, пенсия ва бошқа даромадлар ҳисобга олинмайди. Бунда меҳнатда майиб бўлган жабрланганларга – ногиронлиги бўлган шахсларга етказилган зиённинг ўрнини қоплаш суммаси қонунчиликда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг эллик фоизидан кам бўлмаслиги керак.

12. Жабрланувчининг йўқотган иш ҳақи таркибига қўшимча равишда:

ўриндошлик асосида оладиган иш ҳақи; фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича меҳнат ҳақи;

тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромади (солиқ инспекцияси маълумотлари асосида);

муаллифлик ҳақи;

вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги ҳамда ҳомиладорлик ва туғруқ таътиллари даври учун тўланган нафақалар киритилади.

Барча иш ҳақи турлари солиқлар ушлаб қолингунга қадар ҳисобланган суммаларда ҳисобга олинади.

Ўқиш даврида тўланадиган стипендия (зиённи қоплаш тўғрисида мурожаат қилувчининг хоҳишига кўра) иш ҳақига тенглаштирилади.

13. Жабрланувчининг йўқотган иш ҳақи таркибига қуйидагилар киритилмайди:

юридик шахсларнинг устав фондларидаги қўйилмалари ёки пайлари бўйича улар томонидан олинадиган дивидендлар ва фоизлар, шунингдек, қимматли қоғозлар бўйича даромадлари;

бир марталик тусдаги тўловлар (фойдаланилмаган таътил учун пул компенсациялари, меҳнат шартномаси тўхтатилганда бериладиган ёрдам нафақалари).

14. Ўртача ойлик иш ҳақи ходимнинг соғлиғига етказилган зиён ёки ходимнинг соғлиғига етказилган зиён туфайли меҳнатга лаёқатсизликдан ёхуд меҳнатга лаёқат даражаси пасайишидан (фуқаронинг танлови бўйича) олдинги охирги ўн икки ой мобайнидаги иш (хизмат, муддатли ҳарбий хизматдан ташқари) бўйича аниқланади. Касб касаллигига чалинган тақдирда, ўртача ойлик иш ҳақи ҳам бундай касалликка сабаб бўлган ишни тўхтатишдан олдинги охирги ўн икки ой бўйича белгиланиши мумкин.

Ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоблаб чиқариладиган ойлар сонидан (фуқаронинг хоҳишига кўра) иш ойнинг биринчи кунидан бошланмагани ёки тўхтатилмаганлиги муносабати билан тўлиқсиз иш ойлари ҳамда уч ёшгача бўлган болани парвариш қилиш муносабати билан бериладиган таътил ойлари (шу жумладан, тўлиқ бўлмаган ойлар), шунингдек, ходим ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланган ёки соғлиғига етказилган зиён туфайли зиён тўловини юзага келтирган, I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс, ўн саккиз ёшгача ногиронлиги бўлган болани ёки даволаш муассасасининг ўзганинг парваришига муҳтожлик ҳақидаги хулосасига кўра қарияларни парвариш қилиш мобайнидаги иш вақти чиқариб ташланади. Бунда чиқариб ташланган ойлар бевосита бошқа олдинги ойлар билан алмаштирилади ёки уларни алмаштириш имкони бўлмаганда ҳисоблашдан чиқариб ташланади. Бундай алмаштириш, соғлиғига етказилган зиёндан ёки касб касаллигига чалинишдан олдинги иш жойидан қатъи назар, охирги икки йил доирасида амалга оширилади.

15. Ўн икки ойдаги иш учун ўртача ойлик иш ҳақи ушбу Қоидаларнинг 14-бандида кўрсатилган иш ҳақининг умумий суммасини ўн иккига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади. Ходим соғлиғига зиён етказилган вақтда ўн икки ойдан кам ишлаган тақдирда, ўртача ойлик иш ҳақи ҳақиқатда ишлаган умумий иш ҳақини ишлаган ойлар сонига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Иш даври тўлиқ ойдан кам вақтни ташкил қилган тақдирда, соғлиққа етказилган зиённи тўлаш миқдори шартли ойлик иш ҳақи (даромад) миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Бунда бутун ишланган вақт давомида олинган иш ҳақи (даромад) кунлар сонига бўлинади, ҳосил бўлган сумма бир йил учун ўрта ҳисобда ҳисоблаб чиқилган бир ойдаги иш кунлари сонига кўпайтирилади.

Ҳақиқий иш ҳақи миқдори тўғрисидаги ҳужжатларни олиш имконияти бўлмаган тақдирда, соғлиққа етказилган зиённи тўлаш миқдори мурожаат қилинган вақтда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Жабрланувчининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кўп бўлмаган ҳолларда ҳам соғлиққа етказилган зиённи миқдори худди шу тартибда ҳисоблаб чиқилади.

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



16. Вояга етмаганларнинг соғлиғига зиён етказилган тақдирда, зиён унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, аммо қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

17. Агар бир иш берувчида ишланган даврда соғлиғига зиён такроран етказилган тақдирда, ўртача ойлик иш ҳақи жабрланувчининг хоҳишига кўра биринчи ёки соғлиғига зиён такроран етказилгандан олдинги тегишли даврлар бўйича ҳисоблаб чиқилади. Соғлиққа етказилган зиённи тўлаш миқдори касбга доир меҳнатга лаёқатсизликнинг умумий фоизига қараб ҳисоблаб чиқилади.

Агар ходимнинг соғлиғига турли иш берувчиларда ишлаганда зиён етказилган бўлса, у ҳолда зиённинг тўлов миқдори ҳар бир иш берувчи томонидан, тегишли соғлиққа етказилган зиён бўйича касбга доир меҳнатга лаёқатсизлик фоизига қараб алоҳида аниқланади.

18. Чет элларда ишлаган ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи (даромади) чет элда ишлаганлик учун тўловларни чиқариб ташлаган ва ушбу Қоидаларнинг 8-бандини ҳисобга олган ҳолда умумий асосларда ҳисоблаб чиқилади.

19. Ишлаб чиқариш таълимини (амалий машғулотни) ўташ даврида соғлиғига зиён етказилган фуқароларнинг ўртача ойлик иш ҳақи (даромади) жабрланувчининг қайси касб (мутахассислик) бўйича ўқиганлигига қараб, шу касб (мутахассислик) ставкасидан (маошидан) келиб чиққан ҳолда (аммо 2 разряддан паст эмас) ҳисоблаб чиқилади. Ўқиш (амалий машғулот) давомида иш ҳақи (даромад) олган шахсларга уларнинг хоҳишига кўра ўртача ойлик иш ҳақи (даромади) шу давр учун ҳисоблаб чиқилади. Жабрланувчиларнинг хоҳишига кўра ўртача ойлик иш ҳақи (даромади) ўқиш даврида тўланган стипендия бўйича ҳам ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

20. Соғлиғига етказилган зиён туфайли ўзининг розилиги билан вақтинча енгилроқ, кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган жабрланувчига иш ҳақи меҳнатга лаёқати тиклангунга қадар соғлиғига етказилган зиёндан аввалги ўртача ойлик иш ҳақидан (даромадидан) кам бўлмаган миқдорда тўланади.

21. Агар жабрланувчи соғлиғига етказилган зиён туфайли аввалги ишини бажара олмаган тақдирда, иш берувчи жабрланувчини унинг хоҳишига кўра тиббиёт муассасанинг хулосасига мувофиқ ўз ҳисобидан янги касбга ўқитиши шарт.

Янги касбга ўқитиш даврида жабрланувчига соғлиғига зиён етказилгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақи (даромади) тўланади. Мазкур даврда зиённи қоплаш суммаси умумий асосларда тўланади.

## 3-боб. Ходимнинг соғлиғига зиён етказилганда қўшимча харажатларни компенсация қилиш

22. Ходимнинг соғлиғига зиён етказилгани учун жавобгар бўлган иш берувчи бир йўла бериладиган нафақа ва ойлик тўловлардан ташқари жабрланувчига меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллиги туфайли келиб чиққан қўшимча харажатларнинг ўрнини қоплаши шарт.

Қўшимча харажатларга даволаниш, протезлаш, қўшимча овқатланиш, дори воситаларини сотиб олиш, санаторий-курортда даволаниш харажатлари, шу жумладан, жабрланувчининг, зарур ҳолларда эса уни кузатиб борувчи шахснинг ҳам даволаниш жойига бориш ва қайтиш йўлкира ҳақини тўлаш, ўзгаларнинг парвариши, махсус транспорт воситаларини сотиб олиш ва бошқа турдаги ёрдам учун харажатлар, агар у ТИЭК томонидан ушбу турдаги ёрдамга муҳтож деб топилса ҳамда уларни тегишли ташкилотлардан бепул олиш ҳуқуқига эга бўлмаса, шунингдек, жабрланувчи ва иш берувчи ўртасида зиённинг ўрнини қоплаш бўйича низо юзага келган ҳамда низо жабрланувчининг фойдасига ҳал бўлган тақдирда, кўрсатилган юридик ёрдам учун адвокатга ҳақ тўлаш харажатлари киради.

Дориларни сотиб олиш харажатлари даволовчи шифокор ёзиб берган белгиланган шаклдаги рецепт ва сотиб олинган дорилар кўрсатилган ҳолдаги тўлов чеки тақдим этилганидан кейин иш берувчи томонидан тўланади.

I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун ТИЭКнинг уй шароитида парваришлаш зарурати тўғрисидаги хулосаси талаб этилмайди (улар махсус тиббий ёрдамга муҳтож бўлган ҳоллар бундан мустасно).

Ушбу бандда кўрсатилган бир неча ёрдам турига муҳтож бўлган жабрланувчига ҳар бир ёрдам турини олиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни қопланади.

23. Махсус тиббий парваришга муҳтож бўлган жабрланувчилар учун қўшимча харажатлар ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки баравари миқдорида белгиланади.

Уй шароитида парвариш қилиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг эллик фоизи миқдорида белгиланади.

Ҳам махсус тиббий парваришга, ҳам уй шароитидаги парваришга муҳтож бўлган жабрланувчига уй шароитидаги парвариш билан боғлиқ харажатлар махсус тиббий парвариш харажатларига қўшимча равишда тўланади.

Жабрланувчини парвариш қилиш учун қўшимча харажатлар уларнинг ким томонидан амалга оширилишидан қатъи назар тўланади.

Махсус транспорт воситаларини сотиб олиш харажатлари уларнинг қиймати доирасида тўланади.

Бошқа қўшимча харажатлар миқдори тегишли ташкилотларнинг ҳисоблари ва бошқа ҳужжатлар асосида ёхуд жабрланувчи томонидан ушбу харажатлар вақтидаги нархларга мувофиқ аниқланади.

24. Жабрланувчининг санаторий-курортда даволанишга муҳтожлиги ҳақида ТИЭК хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, унга ҳар йилги меҳнат таътилидан ташқари даволаниш учун қўшимча таътил берилади. Даволаниш учун берилган таътил вақти учун тўлов ҳар йилги таътил тўлови учун белгиланган қоидаларга мувофиқ тўланади. Даволаниш давридаги зарар ўрни умумий асосларда қопланади.

Соғлиғига зиён етказилган ходим бошқа ишга ўтганда, даволаниш учун берилган қўшимча таътил учун тўлов зиён етказилгани учун масъул бўлган иш берувчи томонидан тўланади.

Жабрланувчи, шунингдек, уни кузатиб борувчи шахснинг йўл кира харажатларини тўлаш миқдори хизмат сафари тўғрисидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ аниқланади.

25. Ходимнинг соғлиғига зиён етказилгани муносабати билан иш берувчи зиённи бошқа турларидан ташқари жабрланувчига бир йўла бериладиган нафақа тўлайди.

Ходимнинг соғлиғига зиён етказилгани муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақа миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бунда ходимнинг соғлиғига зиён етказилгани муносабати билан бир йўла тўланадиган нафақа миқдори жабрланган ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи асосида ҳисобланган йиллик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

Йиллик иш ҳақи миқдори ушбу Қоидаларнинг 14 ва 15-бандларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган ўртача ойлик иш ҳақини ўн иккига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

## 4-боб. Боқувчи бўлган ходим вафот этгани муносабати билан зиённи тўлаш

26. Боқувчи бўлган ходим меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлган меҳнатда майиб бўлгани, касб касаллиги ёки соғлиққа етказилган бошқа шикаст туфайли вафот этган тақдирда, иш берувчи қуйидаги шахсларга зиённинг ўрнини қоплаши шарт:

марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга, шунингдек, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга ёки унинг вафот этган кунига қадар ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга;

марҳумнинг вафотидан кейин туғилган фарзандига;

ота-онасидан бирига (ота-онанинг ўрнини босувчи шахсга), эрига (хотинига) ёки бошқа оила аъзосига, агар у ишламаётган бўлса ҳамда марҳумнинг ўн тўрт ёшга тўлмаган ёки бу ёшга тўлган бўлса-да, аммо тиббий муассасаларнинг хулосасига кўра соғлиғи ҳолати бўйича ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган болаларини, ака-укаларини, опа-сингилларини ёки набираларини парвариш қилиш билан банд бўлса.

Болаларнинг қарамоқда эканлиги тахмин қилинади ва далиллар талаб қилмайди.

Қуйидагилар меҳнатга қобилиятсиз деб ҳисобланади:

ўн саккиз ёшдан ошган шахслар, агар уларга шу ёшга тўлгунига қадар ногиронлик белгиланган бўлса;

олтмиш ёшга тўлган эркаклар ва эллик беш ёшга тўлган аёллар;

ўзига нисбатан ногиронлик белгиланган шахслар.

Оила аъзосининг меҳнатга қобилиятсизлиги юз берган вақт (боқувчининг вафотидан олдин ёки кейин) унинг зиённинг ўрни қопланишига бўлган ҳуқуқига таъсир қилмайди.

Ўн саккиз ёшга тўлган ва ундан катта ўқувчилар кундузги таълим ташкилотларида ўқишни тугатгунига, лекин кўпи билан йигирма уч ёшга тўлгунига қадар зиённинг ўрни қопланишига бўлган ҳуқуққа эга.

27. Вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан етказилган зиённинг ўрни қопланишига доир ҳуқуққа эга бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга нисбатан зиённинг миқдори марҳумнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида, унинг ўзига тегишли бўлган улушни ва унинг қарамоғида бўлган, аммо зиённинг ўрни қопланишига доир ҳуқуққа эга бўлмаган меҳнатга қобилиятли шахсларнинг улуши чегириб ташланган ҳолда белгиланади.

Зиённинг ўрни қопланишига доир ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг ҳар бирига нисбатан зиённинг ўрнини қоплаш миқдорини аниқлаш учун боқувчи иш ҳақининг ушбу шахсларнинг барчасига тўғри келадиган қисми уларнинг сонига бўлинади.

Марҳумнинг қарамоғида бўлмаган, аммо зиённинг ўрни қопланишига доир ҳуқуққа эга бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахслар учун унинг миқдори қуйидаги тартибда белгиланади, агар:

таъминот маблағи суд тартибида ундирилган бўлса, у ҳолда зиённинг ўрнини қоплаш суд томонидан тайинланган миқдорда белгиланади;

таъминот маблағи суд тартибида ундирилмаган бўлса, у ҳолда зиённинг ўрнини қоплаш уларнинг моддий аҳволи ҳамда марҳумнинг ҳаётлик вақтида уларга ёрдам кўрсатиш имконияти ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Агар марҳумнинг қарамоғида бўлган шахслар ҳам, унинг қарамоғида бўлмаган шахслар ҳам зиённинг ўрни қопланишига доир ҳуқуққа эга бўлса, аввало марҳумнинг қарамоғида бўлмаган шахсларга зиённинг ўрнини қоплаш миқдори белгиланади. Улар учун белгиланган зиённинг ўрнини қоплаш суммаси боқувчининг иш ҳақидан чегириб ташланади, сўнгра иш ҳақининг қолган миқдоридан келиб чиқиб, марҳумнинг қарамоғида бўлган шахсларга зиённинг ўрнини қоплаш миқдори ушбу банднинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган тартибда белгиланади.

Боқувчини йўқотгани муносабати билан зиённинг ўрни қопланишига доир ҳуқуққа эга бўлган шахсларга тайинланган боқувчисини йўқотганлик пенсияси, худди шунингдек, бошқа пенсия, иш ҳақи, стипендия ва ўзга даромадлар зиённинг ўрнини қоплаш ҳисобига киритилмайди. Бунда қарамоқдаги ҳар бир шахсга тегишли зиённинг ўрнини қоплаш суммаси қонунчиликда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг эллик фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ошиши билан қарамоқдаги ҳар бир шахс учун зиённинг ўрнини қоплаш суммаси ҳам мутаносиб равишда ошади.

28. Боқувчи бўлган ходим вафот этгани муносабати билан зиён тўлови олишга ҳуқуқи бўлганлардан ҳар бирига белгиланган зиён миқдори кейинчалик ҳисоб-китоб қилинмайди, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

марҳумнинг вафотидан кейин фарзанди туғилганда;

ота-онасидан бирига (ота-онанинг ўрнини босувчи шахсга), эрига (хотинига) ёки бошқа оила аъзосига, агар у ишламаётган бўлса ҳамда марҳумнинг ўн тўрт ёшга тўлмаган ёки бу ёшга тўлган бўлса-да, аммо тиббий муассасаларнинг хулосасига кўра соғлиғи ҳолати бўйича ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган болаларини, ака-укаларини, опа-сингилларини ёки набираларини парвариш қилиш билан банд бўлганда зиён тўловлари белгиланганда ёки тўхтатилганда;

марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахслар, шунингдек, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар ёки унинг вафот этган кунига қадар ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар сони ўзгарганда.

Кўрсатиб ўтилган ҳолларда зиённи тўлаш миқдори, уни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар сони кўпайиши ёки камайиши ҳисобга олинган ҳолда, ушбу Қоидаларнинг 27-бандига мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилади.

29. Боқувчи бўлган ходим вафот этганлиги муносабати билан зиённи ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга иш берувчи марҳумнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти бараваридан кам бўлмаган, ушбу шахслар сонига бўлинган суммасида бир йўла бериладиган нафақа тўлайди.

Нафақанинг миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Ўртача йиллик иш ҳақининг олти баравари миқдори ушбу Қоидаларнинг 14 ва 15-бандларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган марҳумнинг ўртача ойлик иш ҳақини (даромадини) етмиш иккига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

30. Соғлиғига етказилган зиён туфайли бир йўла бериладиган нафақа олингандан кейин ходим меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши оқибатида вафот этган тақдирда, иш берувчи марҳумнинг ўртача йиллик иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорида бир йўла бериладиган нафақа тўлаши шарт.

31. Ходим меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши оқибатида вафот этган тақдирда, иш берувчи қўшимча равишда дафн этиш учун зарур харажатларни ушбу харажатларни қилган шахсга тўлаши шарт.

Дафн этиш учун зарур бўлган харажатлар зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига кирмайди.

Ушбу бандниng биринчи қисмида назарда тутилган харажатлардан ташқари қўшимча харажатларни компенсация қилиш вафот этган ходимнинг жасадини ташиш, иш берувчининг боқувчи вафот этгани муносабати билан етказилган зиённинг ўрнини қоплаш рад этилгани тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилиш ёки низо мазкур харажатларни қилган шахс фойдасига ҳал бўлган тақдирда тўланиши лозим бўлган тўловларнинг миқдори хусусида низолашиш билан боғлиқ харажатларни (мутахассисларнинг маслаҳатлари, кўрсатилган юридик хизмат учун адвокатга ҳақ тўлаш харажатлари ва бошқалар) ўз ичига олади.

## 5-боб. Соғлиққа етказилган зиённинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш тартиби

32. Иш берувчи соғлиғига зиён етказилган ходимга, меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда вафот этган ходимнинг оила аъзоларига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ зиённи ундиришга бўлган ҳуқуқларини ва ушбу масалалар билан иш берувчига мурожаат қилиш тартибини тушунтириши ҳамда зиённи тўлаш тўғрисидаги талабларни бериш учун зарур бўлган ҳужжатларни олишда ариза берувчига кўмаклашиши ва тегишли ҳолларда ушбу ҳужжатларни бошқа ташкилотлардан талаб қилиши шарт.

33. Соғлиққа етказилган зиённинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ариза иш берувчига жабрланган ходим томонидан, у вафот этган тақдирда эса зиённинг ўрни қопланишига доир ҳуқуққа эга бўлган манфаатдор шахслар томонидан берилади. Аризанинг нусхаси корхона касаба уюшмаси қўмитасига ёки ходимларининг бошқа вакиллик органига берилади.

34. Иш берувчи ариза келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида аризани кўриб чиқиши ва тегишли қарор қабул қилиши шарт.

Соғлиққа етказилган зиённинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги қарор иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Буйруқ асосланган бўлиши зарур, унда зиён тўловини оладиган шахслар, оиланинг ҳар бир аъзоси учун унинг миқдорлари ва тўлаш муддатлари кўрсатилади.

Иш берувчининг ходимга соғлиғига етказилган зиённинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги буйруғининг кўчирма нусхаси ёки иш берувчининг асослантирилган ёзма рад жавоби ходимга ёки зиённинг ўрни қопланишига доир ҳуқуққа эга бўлган манфаатдор шахсларга ушбу буйруқ қабул қилинган кундан эътиборан уч кун муддатда топширилади.

Ходим ёки зиённинг ўрни қопланишига доир ҳуқуққа эга бўлган манфаатдор шахслар иш берувчининг қароридан рози бўлмаган ёки ушбу банднинг учинчи хатбошисида белгиланган муддатда жавоб олмаган тақдирда, улар ушбу низони ҳал қилиш учун судга мурожаат қилиши мумкин.

35. Зиённи тўлаш тўғрисидаги аризага ТИЭКнинг касб бўйича меҳнатга лаёқатсизлик даражаси тўғрисидаги ҳамда тегишли ҳолларда жабрланувчининг қўшимча ёрдам турларига муҳтожлиги ҳақидаги хулосаси илова қилинади.

Боқувчисини йўқотганлик туфайли зиённи тўлаш ҳақидаги аризага фуқаролик ҳолати далолатномларини ёзиш органи (ФҲДЁ) томонидан боқувчининг вафоти тўғрисида берилган гувоҳнома нусхаси илова қилинади.

Зиён тўловлари муддатини узайтириш учун ҳам юқорида қайд этилган ҳужжатлар тақдим қилинади.

ТИЭКда соғлиқни текширувдан ўтказиш ва қайта текширувдан ўтказиш ишлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

36. Тегишли ҳужжатлар бўлмаганда ҳамда уларни тиклаш имконияти бўлмаган тақдирда, қарамоғида бўлганлик ҳолати суд томонидан белгиланади.

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



37. Жабрланувчининг ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг илтимосига кўра корхона касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи иш берувчи билан музокараларда жабрланувчи томонидан қатнашиш учун ўз вакилини ажратади.

38. Жабрланувчи ёки бошқа манфаатдор шахслар иш берувчининг қароридан норози бўлган ёки белгиланган муддатда аризасига жавоб олинмаган тақдирда, ушбу низони ҳал этиш учун судга мурожаат қилишлари мумкин.

Корхонанинг касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи вакили жабрланувчи ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг розилигига кўра ариза билан судга мурожаат қилиши ва суд жараёнида қатнашиши мумкин.

Зиённи тўлаш ҳақидаги ариза судга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади.

39. Чет элда ишлаган даврда соғлиғига зиён етказилган ходимлар ва боқувчи бўлган ходим вафот этган тақдирда, уларнинг оила аъзолари томонидан зиён тўловини олиш тўғрисидаги ариза ходимни чет элга ишга юборган ваколатли давлат органи ёки хусусий бандлик агентлигига берилади.

## 6-боб. Юридик шахс қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда соғлиққа етказилган зиённи тўлаш суммасини капиталлаштириш ва тўлаш тартиби

40. Белгиланган тартибда ходимнинг соғлиғига етказилган зиён учун жавобгар деб эътироф этилган юридик шахс қайта ташкил этилган (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) тақдирда, соғлиққа етказилган зиённи тўлаш бўйича тегишли тўловларни тўлаш мажбурияти учун унинг ҳуқуқий вориси жавоб беради. Соғлиққа етказилган зиённи тўлаш тўғрисидаги ариза ҳам унга берилади.

41. Ходимнинг соғлиғига етказилган зиён белгиланган тартибда қайта ташкил этиш комиссияси томонидан тасдиқланган тақдирда, жавобгар бўлган қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), фермер хўжалиги, юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжаликларида маблағлар мавжуд бўлмаган ёки етарли бўлмаган тақдирда, соғлиққа етказилган зиённи тўлаш суммаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (кейинги ўринларда – Пенсия жамғармаси) томонидан ушбу жамғарма маблағларидан тўланади.

Ходимнинг соғлиғига етказилган зиён учун жавобгар бўлган қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) фермер хўжаликларига айлантирилганда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ соғлиққа етказилган зиённи тўлаш суммаси, қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) маблағ бор-йўқлигидан қатъи назар, Пенсия жамғармаси томонидан ушбу жамғарма маблағларидан тўланади.

42. Соғлиққа етказилган зиён учун жавобгар бўлган юридик шахс тугатилган тақдирда, тугатиш комиссияси соғлиққа етказилган зиённи тўлаш суммасини бундан кейин тўлаш учун зарур суммани тугатилаётган юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жой бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси ҳисоб варағига ўтказилади.

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



43. Агар жабрланганга ёки зиённи ундиришга ҳуқуқи бўлган шахсларга зиён суммасини тўлаш муайян даврга белгиланган бўлса, у ҳолда Пенсия жамғармасига ўтказиш учун мазкур сумма юридик шахс тугатилган кунда ушбу Қоидаларда белгиланган миқдорда, бироқ камида беш йил учун ҳисоблаб чиқарилади.

44. Агар юридик шахс тугатилган кунда жабрланувчиларга ёки бунга ҳуқуқи бўлган шахсларга зиён суммасини тўлаш муддатсиз белгиланган бўлса, у ҳолда Пенсия жамғармасига тўлаш учун мазкур сумма Ўзбекистон Республикасида ўртача умр кўриш давомийлиги ҳисобга олинган ҳолда юридик шахс тугатилган кунда ушбу Қоидаларда белгиланган миқдорда, бироқ камида 5 йил учун ҳисоблаб чиқарилади.

Ҳисоб-китоб қилиш учун қабул қилинган Ўзбекистон Республикасидаги ўртача умр кўриш давомийлиги Пенсия жамғармасининг манфаатдор органлари ва ташкилотлари эътиборига етказилади.

45. Соғлиққа етказилган зиённи тўлаш учун суммаларни ўтказиш тугатилаётган юридик шахснинг маблағлари ёки мол-мулки мавжуд бўлмагани ёки етарли эмаслиги сабабли мумкин бўлмаган ҳолларда ва соғлиққа етказилган зиённи тўлаш учун суммаларни ўтказиш тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), фермер хўжалиги, деҳқон хўжалигида маблағ йўқлиги ёки етарли эмаслиги туфайли мумкин бўлмаган ҳолларда, бу тугатиш комиссияси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган тақдирда, шунингдек, агар юридик шахс тугатилгандан кейин жабрланганларда ёки зиён тўланиши ҳуқуқига эга бўлган шахсларда, ушбу Қоидаларга мувофиқ уларни олиш учун қўшимча ёки янги ҳуқуқлар пайдо бўлганда, соғлиққа етказилган зиённи тўлаш суммаси Пенсия жамғармаси томонидан ушбу жамғарма маблағларидан тўланади.

46. Пенсия жамғармаси соғлиққа етказилган зиённи олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг яшаш жойлари бўйича зиён суммаси ушбу Қоидаларга мувофиқ ҳисоблаб чиқилган миқдорда тўланади.

47. Юридик шахс қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда, зиён суммасини тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгиланади.

## 7-боб. Соғлиққа етказилган зиённинг ўрнини қоплаш суммасини тўлаш тартиби ва муддатлари

48. Соғлиққа етказилган зиён тўловлари қуйидаги муддатлардан бошлаб тўланади:

жабрланувчиларга – улар соғлиққа етказилган зиён оқибатида касб бўйича меҳнатга лаёқатини тўлиқ ёки қисман йўқотган кундан;

боқувчи бўлган ходим вафоти туфайли зиён тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга – боқувчи бўлган ходим вафот этган кунидан, аммо зиён тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлинган вақтдан.

49. Зиённи ундириш тўғрисида ариза жабрланувчининг соғлиғига етказилган зиён туфайли касб бўйича меҳнатга лаёқати йўқотилгандан ёки боқувчи бўлган ходим вафотидан уч йилдан кейин берилган тақдирда, зиённинг ўрни бу ҳақида мурожаат қилинган кундан бошлаб ушбу Қоидаларнинг 52-бандида белгиланган муддатларда амалга қопланади.

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



Ариза берилган кун соғлиққа етказилган зиённи тўлаш тўғрисида мурожаат қилинган кун ҳисобланади.

Соғлиққа етказилган зиён тўловларини олиш муддати зарур ҳужжатлар тақдим этилиши бўйича аввалги тўловлар муддати тугаган кундан бошлаб узайтирилади.

50. Ўртача ойлик иш ҳақи (даромад) бўйича зиённинг ўрни соғлиққа етказилган зиён туфайли жабрланувчи касб бўйича меҳнат лаёқатини йўқотганлик белгиланган муддат учун, қўшимча харажатларни тўлаш эса уларга муҳтожлик белгиланган муддат давомида қопланади.

51. Иш берувчи жабрланувчини ёки манфаатдор шахсларни соғлиққа етказилган зиённи тўлаш миқдори қайта ҳисобланишига сабаб бўлган маълумотлар билан тилхат бўйича таништириши шарт, жабрланувчи ёки манфаатдор шахслар эса, ўз навбатида, зиён тўлови миқдори қайта ҳисобланишига сабаб бўлган ўзгаришлар тўғрисида ёзма равишда маълум қилишлари шарт (меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ошган ҳоллар бундан мустасно).

52. Жорий ой учун зиён тўловлари ушбу ой тугашидан кечикмай тўланади.

Бир йўла тўланадиган нафақа зиённи ундириш ҳуқуқи олинган кундан бошлаб бир ой мобайнида тўланади.

Соғлиққа етказилган зиён тўловлари суммасини олувчига етказиб бериш ва жўнатиш харажатлари етказилган зиён учун жавобгар бўлган иш берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

Ушбу суммалар олувчиларнинг хоҳишига кўра уларнинг банкдаги ҳисоб варағига ўтказилиши мумкин.

53. Зиённинг белгиланган тўловлари қуйидаги муддатлардан бошлаб қайта ҳисоблаб чиқилади:

соғлиққа етказилган зиённи қоплаш миқдорини ошириш ҳуқуқи вужудга келганда – тегишли ҳолатлар юзага келган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб;

қоплаш миқдорининг камайтирилишига сабаб бўлувчи ҳолатлар юзага келганда – тегишли ҳолатлар юзага келган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб.

54. Зиённи ундирувчи шахс кексалар ёки ногиронлиги бўлган шахслар уйига (пансионатга) жойлаштирилган тақдирда, унга зиённи қоплаш миқдори билан у ердаги парвариш қилиш қиймати ўртасидаги фарқ тўланади, аммо бу тайинланган зиён қопланиши суммасининг йигирма беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Агар кўрсатиб ўтилган шахсларнинг қарамоғида меҳнатга лаёқатсиз кишилар бор бўлса, соғлиққа етказилган зиён қуйидаги тартибда қопланади: қарамоғидаги меҳнатга лаёқатсиз бир киши ҳисобига – белгиланган қоплаш суммасининг чорак қисми, икки киши ҳисобига – учдан бир қисми, уч ва ундан кўп киши ҳисобига ярми қопланади. Тўловнинг қолган қисми кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар уйида (пансионатда) парвариш қилиш қийматини чегириб ташлаган ҳолда, аммо зиён қопланиши миқдорининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда жабрланувчининг ўзига тўланади.

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



55. Суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилиб жазо муддатини ўташ даврида қопланиши керак бўлган зиён суммаси олувчининг махсус ҳисоб варағига ўтказилади ва унга озодликдан маҳрум этилган жойдан чиққандан кейин тўланади.

56. Тайинланган, аммо жабрланувчи ёки зиённи ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан ўз вақтида олинмаган тўлов уни олиш ҳақида мурожаат қилинган олдинги уч йилдан кўп бўлмаган вақт учун тўланади.

Зиён учун жавобгар бўлган иш берувчининг айби билан ўз вақтида олинмаган зарарни қоплаш суммаси бирон-бир муддат билан чегараланмаган ҳолда ўтган давр учун тўланади.

57. Жабрланувчига ёки боқувчи бўлган ходимнинг вафоти туфайли зиённи ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тегишли бўлган ва вафот этиш туфайли улар томонидан тўлиқ олинмай қолган зиён ундириш суммаси умумий асосларда уларнинг меросхўрларига тўланади.

58. Жабрланганларга ёки зиённи ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга ортиқча тўланган зиён тўлови суммаси, агар улар томонидан суиистеъмол қилиш оқибатида (қасддан нотўғри маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжатлар тақдим этилиши, боқувчисини йўқотган тақдирда зарар суммасини ундириш тайинланган оила таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар тақдим этилмаслиги натижасида ва бошқалар) ёхуд саноқдаги хато оқибатида асоссиз тўланган бўлса, қайтариб олиниши мумкин.

Нотўғри олинган зиён тўлови суммаси меҳнатга ҳақ тўлаш суммасидан чегириб қолишда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган кафолатларга риоя қилинган ҳолда қайтариб олинади.

Соғлиққа етказилган зиённи қоплаш суммасини тўлаш тўхтатилган тақдирда, ортиқча тўланган сумма бўйича қарзнинг қолган қисми суд тартибида ундирилади.

59. Зиён суммасини тўлаш даврида зиённи қоплаш тўғрисидаги ташкилот буйруғининг нусхаси, зиённи қоплаш тўғрисида суд қарор чиқарган бўлса ушбу суднинг қарори, жабрланувчи ва бошқа манфаатдор шахсларнинг зиённи қоплаш тўғрисидаги аризаси ва бошқа барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда иш берувчининг бухгалтерия хизматида соғлиққа етказилган зиённи олувчининг алоҳида ҳужжатлар йиғмажилдида, иш берувчи тугатилган тақдирда эса – иш берувчи рўйхатдан ўтказилган ҳудуддаги Пенсия жамғармаси бўлимларида сақланади.

Зиён суммасини тўлаш тўхтатилгандан икки йил кейин кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар йиғмажилдлари иш берувчининг архивига ёки Пенсия жамғармасига доимий сақлаш учун топширилади.

60. Ўзбекистон Республикаси ташқарисига доимий яшаш учун жўнаб кетган шахсларга етказилган зиённинг ўрни Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ қопланади.

## 8-боб. Якунловчи қоида

61. Ушбу Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 22 ” сентябрдаги 505-сон қарорига
3-илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори ва унга илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарори ҳамда унга 1 ва 2-иловалар.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1251-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1252-сон қарорлари)” 2010 йил 24 мартдаги 52-сон қарорига 1-илованинг 30-банди ҳамда 2-илованинг 2-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2010 йил 5 июлдаги 134-сон қарори ва унга илова.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон қарорига 6-илованинг 1-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон Фармони)” 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 54-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматинииг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 декабрдаги ПҚ–4546-сон қарори)” 2020 йил 7 июлдаги 429-сон қарорига 1-илованинг 5-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ҳамда меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 5 апрелдаги 183-сон қарорига 6-илованинг 5-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкилий тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 8 февралдаги 62-сон қарорига 12-илованинг 20-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон Қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 129-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларга нафақа ва моддий ёрдамларни тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ва ушбу соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали давлат хизмати сифатини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида” 2023 йил 23 мартдаги 119-сон қарорига 3-илованинг 3-банди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2024 йил 29 октябрдаги 714-сон қарорига 1-илованинг 2-банди.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга оширишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 14 ноябрдаги 758-сон қарорига 13-илованинг 1-банди.

QMMB: 09/26/505/0960-son
23.09.2026-y.



14. Вазирлар Маҳкамасининг “Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2025 йил 2 майдаги 289-сон қарорига 1-илованинг 1-банди.

15. Вазирлар Маҳкамасининг “Ногиронликни белгилаш тизими рақамлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2025 йил 16 сентябрдаги 587-сон қарорига илованинг 1-банди.

16. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2025 йил 7 ноябрдаги 709-сон қарорига 1-илованинг 3-банди.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/508/0961-son
23.09.2026-y.

38 (1266)-son
956-modda

# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 22 » sentabr № 508 Toshkent sh.

## Тошкент шаҳрида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида

Тошкент шаҳрида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини ҳамда ушбу хизматларни кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини очиқ танлов асосида аниқлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Белгилансинки, **2026 йил 1 октябрдан** бошлаб Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида:

қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ваколатли давлат органлари томонидан ушланган транспорт воситаларини (кейинги ўринларда – ушланган транспорт воситалари) транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига (кейинги ўринларда – жарима майдончаси) олиб келиш, жойлаштириш, сақлаш, ҳисобини юритиш ва олиб чиқишга рухсат бериш Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг **Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими “Жарима майдончаси” модули** (кейинги ўринларда – “Жарима майдончаси” модули) орқали электрон тарзда амалга оширилади;

ушланган транспорт воситаларини жарима майдончасидан чиқариб юбориш бўйича рухсатнома фақат маъмурий ишни кўриб чиқувчи орган ёки ижро органининг мансабдор шахслари томонидан “Жарима майдончаси” модули орқали QR-код билан тасдиқланади ва электрон тарзда транспорт воситаси ҳайдовчисига юборилади;

ушланган транспорт воситаларини транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш хизматларини (кейинги ўринларда – сақлаб туриш хизматлари) кўрсатувчи юридик шахсларнинг ахборот тизимлари “Жарима майдончаси” модулига интеграция қилинади;

сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларнинг пул айланмалари тўғрисида маълумотлар “Жарима майдончаси” модули орқали автоматик тарзда солиқ органларига юборилади;

жарима майдончаларида олти ойдан ортиқ муддат давомида сақланаётган транспорт воситалари, талаб қилинмаган транспорт воситалари реестрига киритилади.

2. Қуйидагилар “Жарима майдончаси” модулининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ушланган, жарима майдончасига жойлаштирилган ҳамда олиб чиқишга рухсат берилган транспорт воситаларининг ягона электрон рўйхати ва ҳисобини юритиш;

транспорт воситаларини жарима майдончасидан олиб чиқиш учун барча тўловларни (ҳуқуқбузарлик учун жарималар, жарима майдончасида сақланганлик учун тўловлар ва бошқа мажбурий тўловлар) электрон шаклда тўлаш;

ушланган транспорт воситаларини жарима майдончасидан олиб чиқишга QR-код билан тасдиқланган электрон рухсатномани Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали шакллантириш ва сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларга “Жарима майдончаси” модули орқали электрон тарзда тақдим этиш.

3. Ички ишлар вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Тошкент шаҳрида **2026 йил 1 октябрдан 2034 йил 31 декабргача бўлган муддатга** тажриба тариқасида сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларни очиқ танлов асосида “Жарима майдончаси” модули орқали электрон тарзда **Тошкент шаҳрида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларни очиқ танлов асосида танлаб олиш бўйича идоралараро комиссия** (кейинги ўринларда – ҳудудий идоралараро комиссия) томонидан танлаб олиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Қуйидагилар ҳудудий идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

танловга қўйиладиган ҳудудлар рўйхатини тайёрлаш, танлов предметини ҳамда вақтини танлов ўтказилишидан камида ўн беш кун олдин “Жарима майдончаси” модулига киритиш ва бу ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш;

танлов қатнашчилари томонидан келиб тушган таклифларни “Жарима майдончаси” модули орқали баҳолаш;

баҳолаш натижаларига кўра, ғолибни аниқлаш ва танлов натижаларини расмий веб-сайтга жойлаштириш.

5. Қуйидагилар:

Тошкент шаҳрида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

Тошкент шаҳрида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларни очиқ танлов асосида танлаб олиш бўйича идоралараро комиссия намунавий таркиби **2-иловага** мувофиқ;

Тошкент шаҳрида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларни очиқ танлов асосида танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низом **3-иловага** мувофиқ;

Тошкент шаҳрида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ички ишлар вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда**:

сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларни танловда қатнашиш учун аризалар ЯИДХП орқали қабул қилиниши таъминлансин;

Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларни ҳудудий идоралараро комиссия томонидан “Жарима майдончаси” модулида очик танлов асосида танлаб олиш имкониятини яратсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда “Жарима майдончаси” модулини қонунчилик ҳужжатларига мувофик транспорт воситаларини ушлаш ваколатига эга бўлган давлат органларининг ахборот тизимларига интеграция килинишини ҳамда ишга туширилишини таъминласин;

“Жарима майдончаси” модулини солиқ органларининг ахборот тизимига интеграция килинишини таъминласин;

талаб қилинмаган транспорт воситалари реестри юритилишини таъминласин;

жарима майдончасига жойлаштирилганига беш йилдан ортиқ бўлган, мазкур транспорт воситасининг эгаси (эгасининг вакили) томонидан олиб кетилмаган транспорт воситаларини хатловдан ўтказсин, хатлов натижаларига кўра уларни эгасиз деб эътироф этиш тўғрисида белгиланган тартибда судга мурожаат қилинишини таъминласин.

7. Тошкент шаҳри ҳокимлиги Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда:

**2026 йил 1 октябрга қадар** ушбу қарорда белгиланган талабларга мувофиқ сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар билан тузилган шартномаларга ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгиловчи қўшимча келишувлар тузилишини таъминласин;

**2034 йил 1 декабрга қадар** мазкур қарорга асосан амалга ошириладиган тажриба натижаларидан келиб чиқиб, унинг ижобий ва салбий жиҳатларини инобатга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига **5-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан **уч ой ўтгач** кучга киради.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов, ички ишлар вазири А.А. Ташпулатов ҳамда Тошкент шаҳри ҳокими Ш.Б. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. Арипов**



QMMB: 09/26/508/0961-son
23.09.2026-y.



Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 22 ” сентябрдаги 508-сон қарорига
1-илова

# Тошкент шаҳрида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш тартиби тўғрисида НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Тошкент шаҳрида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш (эвакуация қилиш), жойлаштириш ва сақлаб туриш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ваколатли давлат органи** – қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ транспорт воситаларини ушлаб туриш ва уларни жарима майдончасига жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган давлат органлари;

**вақтинча сақлаб туриш жойлари** – қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини олиб келиш (эвакуация қилиш), жойлаштириш ва вақтинча сақлаб туриш учун мўлжалланган махсус ҳудуд (кейинги ўринларда – жарима майдончаси);

**“Жарима майдончаси” модули** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими “Жарима майдончаси” модули (кейинги ўринларда – “Жарима майдончаси” модули);

**ушланган транспорт воситалари** – қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ваколатли давлат органининг қарори асосида ҳаракатланиши чекланган, ушлаб турилган, шунингдек, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш натижасида ҳайдовчиси ҳозир бўлмаган ёки ҳуқуқбузарликни бартараф этиш имкони бўлмаган ҳолларда жарима майдончасига жойлаштирилган транспорт воситалари;

**хизмат кўрсатувчи юридик шахс** – ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш (эвакуация қилиш), жойлаштириш ва сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахс (кейинги ўринларда – хизмат кўрсатувчи юридик шахс).

## 2-боб. Транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш тартиби

3. Ваколатли давлат органи томонидан транспорт воситасини жарима майдончасига жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинганда, бу ҳақда “Жарима майдончаси” модули орқали тегишли давлат органларига, шунингдек, хизмат кўрсатувчи юридик шахсларга хабар юборилади.

Ушланган транспорт воситаларини жарима майдончасига олиб келиш (эвакуация қилиш), жойлаштириш ва сақлаб туриш билан боғлиқ маълумотларнинг электрон ҳисоби “Жарима майдончаси” модулида юритилади.

Жарима майдончасига жойлаштирилган транспорт воситаларининг киритилиши, сақланиши ва чиқариб юборилиши “Жарима майдончаси” модулига интеграция қилинган видеокузатув камералари орқали доимий назорат қилинади ҳамда электрон тарзда қайд этиб борилади.

4. Қидирувдаги ва ушлашга берилган транспорт воситаси ушланганда, шунингдек, йўл ҳаракати қоидаларини бузган транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳозир бўлмаганда дарҳол ҳудудий ички ишлар органининг навбатчилик қисмига “Жарима майдончаси” модули орқали хабар берилади.

Тезкор навбатчи транспорт воситаси эгасини ёки унинг вакилини аниқлаш чораларини кўради ҳамда транспорт воситаси ушланганлиги ва жарима майдончасига олиб кетилаётгани (эвакуация қилинаётгани) тўғрисида уларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилади.

5. Ваколатли давлат органи томонидан транспорт воситасини жарима майдончасига жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бу ҳақидаги хабар “Жарима майдончаси” модули орқали, ушлаш жойига энг яқин бўлган хизмат кўрсатувчи юридик шахсга, шунингдек, тегишли давлат органларининг навбатчилик қисмларига юборилади. Мазкур юридик шахс хабарни олганидан сўнг транспорт воситасини эвакуация қилиш учун махсус техника воситасини (эвакуатор, манипулятор) ушлаш жойига дарҳол юбориш чораларини кўради.

Хизмат кўрсатувчи юридик шахслар ваколатли давлат органининг қарори асосида ушланган транспорт воситаларини ҳайдовчиси иштирокисиз жарима майдончасига эвакуация қилиш ҳуқуқига эга.

6. Ваколатли давлат органи ўз ваколатлари доирасида ушланган транспорт воситасининг ҳайдовчисини ушбу транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш юзасидан зарур чораларни кўради, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ёки транспорт воситаси ушланганлиги тўғрисидаги қарорни расмийлаштиради, ушланган транспорт воситаси жарима майдончасига жойлаштирилган тақдирда ундаги мол-мулк рўйхатини ўз ичига оладиган далолатномани тузади.

Йўл ҳаракати қоидаларини бузиш натижасида ҳайдовчиси ҳозир бўлмаган ёки ҳуқуқбузарликни бартараф этиш имкони бўлмаган ҳолларда, транспорт воситасини жарима майдончасига жойлаштириш лозим бўлганда транспорт воситасининг ташқи кўриниши кўздан кечирилади ва бу ҳақида далолатнома расмийлаштирилади.

Далолатнома нусхалари чора қўлланилган шахсга, шунингдек, хизмат кўрсатувчи юридик шахснинг масъул ходимига топширилади.

7. Хизмат кўрсатувчи юридик шахснинг ушланган транспорт воситасини жарима майдончасига олиб келиш (эвакуация қилиш) учун масъул бўлган ходими:

ушланган транспорт воситасини жарима майдончасига жойлаштириш мақсадида уни қабул қилиш учун ёнида хизмат гувоҳномасига ҳамда юридик шахс томонидан берилган транспорт воситаларини ташиш (эвакуация қилиш) ҳуқуқини берувчи ишончномага эга бўлиши керак;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ёки транспорт воситасини ушлаш тўғрисидаги қарор асосида қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузади ва конструкциясида кириш жойлари назарда тутилган қисмларнинг (эшиклар, юкхона, капот, бензин баки қопқоғи ва бошқалар) сурғучланганини текширади, ушланган транспорт воситасини кўздан кечиради ҳамда уни ваколатли давлат органидан қабул қилиб олади;

ушланган транспорт воситасини жарима майдончасига олиб келиш (эвакуация қилиш) ва унга жойлаштириш чораларини кўради.

8. Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун ушланган транспорт воситасининг ҳайдовчиси (эгаси ёки эгасининг вакили) транспорт воситасини махсус техника воситасига (оддий ёки кран-манипуляторли эвакуаторга) юклаш ишлари бошлангунга қадар ҳозир бўлиб, ҳуқуқбузарликни бартараф этган тақдирда, транспорт воситасини жарима майдончасига олиб кетиш (эвакуация қилиш) амалга оширилмайди.

Ваколатли давлат органининг қарори асосида ҳаракатланиши чекланган ёки йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун ушланган транспорт воситаси махсус техника воситасига (оддий ёки кран-манипуляторли эвакуаторга) қисман ёки тўлиқ юкланганда ушбу транспорт воситасининг ҳайдовчиси (эгаси ёки эгасининг вакили) ҳозир бўлган тақдирда, ушланган транспорт воситасини жарима майдончасига олиб кетиш (эвакуация қилиш) тўхтатилмайди ҳамда белгиланган тартибда давом эттирилади.

9. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ транспорт воситасини бошқаришдан четлаштириш назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга тегишли транспорт воситалари фақат махсус техника воситалари (эвакуатор, манипулятор) ёрдамида жарима майдончасига олиб келиниши мумкин.

Мазкур транспорт воситалари ваколатли давлат органи томонидан мустақил равишда жарима майдончасига олиб келиниши тақиқланади.

10. Ушланган транспорт воситаларини қабул қилиш байрам ва дам олиш кунларидан қатъий назар узлуксиз амалга оширилади.

Ушланган транспорт воситаси жарима майдончасига олиб келинганидан сўнг, унинг эгаси ёки ишончнома асосида бошқариш ваколатига эга бўлган шахснинг белгиланган тартибдаги мурожаати асосида, транспорт воситасига тегишли калит (пульт) ва бошқа жиҳозлар (агар улар транспорт воситаси билан бирга топширилган бўлса) унга қайтариб берилади.

Ушланган транспорт воситасининг эгасига ёки ишончнома асосида бошқариш ваколатига эга бўлган шахсга “Жарима майдончаси” модули орқали жарима майдончасида сақланаётган транспорт воситасини реал вақт режимида кузатиб бориш имконияти яратилади.

11. Жарима майдончасидаги ушланган транспорт воситаси олдига, унинг эгаси ёки эгасининг вакили келишига, ушланган транспорт воситасини жарима майдончасига жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилган ваколатли давлат органи хабардор қилинганидан сўнг, жарима майдончасининг масъул ходими иштирокида рухсат берилади ҳамда бу ҳақида “Жарима майдончаси” модулига ташриф буюрувчилар тўғрисидаги маълумот киритилади.

12. Ушланган транспорт воситасини сақлаб туриш муддати, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ёки транспорт воситасини ушлаш тўғрисида қарор асосида уни махсус техника воситасига (эвакуаторга) жойлаштирилган пайтдан бошлаб суткаларда ҳисобланади.

13. Ушланган транспорт воситасини ушлаб туриш сабаблари бартараф этилгандан кейин жарима майдончасидан олиб чиқишга “Жарима майдончаси” модули орқали рухсат берилади.

Бунда транспорт воситасини жарима майдончасидан чиқариб юбориш бўйича рухсатнома фақат маъмурий ишни кўриб чиқувчи органнинг мансабдор шахслари томонидан “Жарима майдончаси” модули орқали расмийлаштирилиб, QR-код билан тасдиқланади ва электрон тарзда транспорт воситаси ҳайдовчисига ҳамда сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсга “Жарима майдончаси” модули орқали бир иш кунида юборилади, бунда транспорт воситаси ҳайдовчисининг телефон рақамига қисқа хабар (SMS) жўнатилади.

14. Ушланган транспорт воситасининг ҳайдовчиси (эгаси, эгасининг вакили) томонидан хизмат кўрсатувчи юридик шахсга ушланган транспорт воситасини жарима майдончасига олиб келиш (эвакуация қилиш) ва сақлаб туриш учун белгиланган тўлов тўлангандан кейин “Жарима майдончаси” модули орқали берилган рухсатнома асосида транспорт воситаси жарима майдончасидан чиқарилади.

“Жарима майдончаси” модули орқали расмийлаштирилмаган рухсатномалар асосида ушланган транспорт воситасини жарима майдончасидан чиқариб юбориш тақиқланади.

Ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинган қарор бекор қилинган тақдирда, транспорт воситаси, мазкур қарорни бекор қилиш тўғрисидаги ҳужжат асосида жарима майдончисидан чиқариб юборилади. Бунда ҳайдовчи томонидан сарфланган харажатлар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли давлат органининг маблағлари ҳисобидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Ушланган транспорт воситасини олиб келиш (эвакуация қилиш) ва сақлаб туриш бўйича кўрсатилган хизматлар учун харажатлар ҳайдовчига нисбатан ноқонуний равишда қарор ёки баённома расмийлаштирган ходимдан белигланган тартибда регресс тартибида ундирилиши мумкин.

Ушланган транспорт воситасини жарима майдончасидан чиқариш байрам ва дам олиш кунларидан қатъий назар узлуксиз давомида амалга оширилади.

15. Жарима майдонига олиб келинган транспорт воситаларининг сони, сақлаб туриш муддатлари, уларни олиб келиш ва сақлаб туриш бўйича кўрсатилган хизматлар учун амалга оширилган тўловлар тўғрисида маълумотлар (ҳисоботлар) “Жарима майдончаси” модули орқали юритилади.

16. Ташиш (эвакуация) пайтида ушланган транспорт воситасига етказилган зарар, агар у хизмат кўрсатувчи юридик шахснинг айби билан етказилган бўлса, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизмат кўрсатувчи юридик шахс ҳисобидан қопланади.

17. Қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида транспорт воситаси хизмат кўрсатувчи юридик шахснинг масъул ходимига топширилгунга қадар, транспорт воситасининг сақланиши учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тегишли ваколатли давлат органи масъул ҳисобланади.

18. Ушланган транспорт воситаси жарима майдончасига жойлаштирилгандан кейин унинг сақланиши учун хизмат кўрсатувчи юридик шахс жавоб беради.

Ушлаб туриш сабаблари тўлиқ бартараф этилмасдан туриб транспорт воситасини чиқариб юбориш ёки ундан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан назорат тадбирлари “Жарима майдончаси” модули орқали, шунингдек, Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ходимлари томонидан бевосита жойига чиққан ҳолда амалга оширилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ходимлари томонидан транспорт воситасини жарима майдончасидан чиқариб юбориш ёки ундан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини жойга чиққан ҳолда назорат қилиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади

## 3-боб. Якунловчи қоидалар

19. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

20. Ушбу Низом талабларининг бажарилишини назорат қилиш “Жарима майдончаси” модули орқали транспорт воситаларини ушлаб туриш ваколати берилган давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 22 ” сентябрдаги 508-сон қарорига
2-илова

# Тошкент шаҳрида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларни очиқ танлов асосида танлаб олиш бўйича идоралараро комиссиянинг намунавий ТАРКИБИ

| | | |
|---|---|---|
| Лавозим бўйича | – | Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, *комиссия раиси* |
| Лавозим бўйича | – | Тошкент шаҳар ИИББ ЖХХ ЙҲХБ бошлиғи, *комиссия раисининг ўринбосари* |
| Лавозим бўйича | – | Тошкент шаҳар транспорт бошқармаси бошлиғи, *комиссия раисининг ўринбосари* |
| Лавозим бўйича | – | Давлат кадастрлари палатасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи, *комиссия раисининг ўринбосари* |
| Лавозим бўйича | – | Коррупцияга қарши курашиш агентлиги масъул ходими |
| Лавозим бўйича | – | Тошкент шаҳар солиқ бошқармаси бошлиғи |
| Лавозим бўйича | – | Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи |
| Лавозим бўйича | – | Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи |
| Лавозим бўйича | – | Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи |
| Лавозим бўйича | – | Тошкент шаҳар Савдо-саноат палатаси бошқармаси бошлиғи |
| Лавозим бўйича | – | Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи |

QMMB: 09/26/508/0961-son
23.09.2026-y.



Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 22 ” сентябрдаги 508-сон қарорига
3-илова

# Тошкент шаҳрида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларни очиқ танлов асосида танлаб олиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Тошкент шаҳрида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини (кейинги ўринларда – транспорт воситалари) вақтинча сақлаб туриш жойларига (кейинги ўринларда – сақлаб туриш жойлари) олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларни очиқ танлов (кейинги ўринларда – танлов) асосида электрон тарзда танлаб олиш тартибини белгилайди.

2. Транспорт воситаларини сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга оширишда қонунчилик ҳужжатлари талабларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш имкониятига эга бўлган юридик шахсларни аниқлаш танлов ўтказишнинг мақсади ҳисобланади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар** – тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ёки жисмоний шахсларнинг бир-бирлари фаолиятига таъсир кўрсатиши;

**ваколатли орган** – қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш хизматларини ташкил этиш ва ушбу хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар билан шартномалар тузиш ваколатига эга бўлган давлат органи (Тошкент шаҳар ҳокимлиги);

**идоралараро комиссия** – ваколатли орган ҳузурида ташкил этиладиган, қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларни аниқлаш бўйича очиқ танлов ўтказиш, иштирокчиларни баҳолаш ва ғолибни аниқлаш билан шуғулланувчи коллегиал орган;

**талабгор** – таклиф этилган шартларда танловда қатнашиш ниятини маълум қилган юридик шахс;

**танлов таклифлари** – танлов қатнашчисининг транспорт воситаларини сақлаб туриш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга оширишда қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлари;

**танлов предмети** – транспорт воситаларини сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш хизматларини кўрсатишга бўлган ҳуқуқ;

**танлов қатнашчиси** – танловда қатнашишга қўйилган талабгор;

**танлов ғолиби** – танлов якунларига кўра таклифи энг мақбул деб топилган қатнашчи.

4. Танлов Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими “Жарима майдончаси” модули (кейинги ўринларда – “Жарима майдончаси” модули) орқали ўтказилади.

Тошкент шаҳрида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларни очиқ танлов асосида танлаб олиш бўйича идоралараро комиссия (кейинги ўринларда – идоралараро комиссия) танловни “Жарима майдончаси” модули орқали ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул ҳисобланади.

5. Танловни ўтказиш қуйидаги тамойилларга асосланади:

транспорт воситаларини сақлаб туриш хизматларини кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитини яратиш;

қонунийлик, очиқлик, шаффофлик ва баҳолашнинг холислиги;

хизмат кўрсатувчиларнинг танлов ҳужжатларида қайд этилган ягона талаблар асосида рақобатлашиши;

соғлом рақобат учун шарт-шароитларнинг тенглиги;

танловларни фақат “Жарима майдончаси” модули орқали электрон тарзда ўтказиш;

танловда белгиланган талабларга энг тўлиқ жавоб берадиган хизмат кўрсатувчини ғолиб деб топиш.

6. Танлов очиқ ҳисобланади ва унда Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин.

Танловда иштирок этиш учун иштирокчиларнинг мулк мажмуаси ваколатли орган томонидан танлов ҳужжатларида белгиланган транспорт воситалари учун минимал сақлаб туриш жойлари умумий сонининг камида 20 фоизини қамраб олиши, шунингдек, белгиланган талабларга тўлиқ мувофиқ бўлиши лозим.

7. Қуйидаги талабгорларнинг танловда иштирок этишига йўл қўйилмайди:

транспорт воситаларининг вақтинча сақлаб туриш жойларини жойлаштириш ва жиҳозлаш бўйича ваколатли орган томонидан белгиланган меъёрий талабларга мувофиқ талаб этиладиган сақлаб туриш жойлари сонига эга бўлмаган;

белгиланган энг кам миқдордан кам бўлган мулкий мажмуалари ва (ёки) ваколатли орган томонидан белгиланган энг кам сондан кам бўлган махсус техника воситалари (оддий ва кран-манипуляторли эвакуаторлар) бўлган;

белгиланган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топилган ёки тугатиш босқичида бўлган;

мол-мулки хатланган;

ёлғон ёки сохта маълумотлар тақдим этган талабгорлар.

8. Ваколатли органнинг танловни ташкил этиш ва ўтказиш доирасидаги асосий ваколатлари қуйидагилар ҳисобланади:

талабгорларнинг мулк мажмуаларидаги (эгалик ҳуқуқи ёки ижара асосида) транспорт воситаларини сақлаб туриш жойларининг минимал сонидан, шунингдек, бу жойларнинг камида 20 фоизи жойлаштириш ва жиҳозлаш бўйича техник талабларга мувофиқ бўлишидан ҳамда талабгор мулкида бўлиши лозим бўлган махсус техника воситалари (оддий ва кран-манипуляторли эвакуаторлар) минимал сонидан, шунингдек, тегишлилиги бўйича ҳудуднинг маъмурий-ҳудудий бўлинишининг жойлашишидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситаларини сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчилар сонини аниқлаш бўйича қарорлар қабул қилиш;

ўтказиладиган танлов тўғрисидаги эълонларни “Жарима майдончаси” модулига ҳамда оммавий ахборот воситаларига жойлаштириш;

танлов ғолибига ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш хизматларини кўрсатиш ҳуқуқини тасдиқловчи QR-код (матрик штрихли код) қўйилган электрон гувоҳномалар бериш;

танлов ғолиби билан шартнома тузиш;

транспорт воситаларини сақлаб туриш хизматлари кўрсатилишини назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш;

шартнома шартларига амал қилмаслик ҳолатлари юзасидан далолатномаларни расмийлаштириш ва шартнома шартларига мувофиқ қонуний чораларни кўриш.

9. Тегишли ҳудуд транспорт воситаларини сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчисиз қолган ҳолатда навбатдаги танлов натижалари эълон қилингунга қадар ушланган транспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмаларига тегишли жойларда вақтинча сақланади.

10. Тегишли ҳудуд қуйидаги ҳолларда транспорт воситаларини сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчисиз қолган деб ҳисобланади:

транспорт воситаларини сақлаб туриш хизматларини кўрсатиш бўйича тузилган шартнома муддатидан олдин бекор қилинганда;

танловда талабгорлардан бирорта ҳам таклиф келиб тушмаганда;

танлов натижаларига кўра ғолиб аниқланмаганда;

танлов ғолиби шартнома тузишдан бош тортганда ёки белгиланган муддатда шартнома тузмаганда;

сақлаб туриш хизматини кўрсатувчининг фаолияти белгиланган тартибда тўхтатилганда;

фавқулодда ҳолатлар, табиий офатлар ёки бошқа енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатлари оқибатида хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд бўлмаганда.

## 2-боб. Идоралараро комиссия фаолиятини ташкил этиш тартиби

11. Танлов доимий асосда ишлайдиган идоралараро комиссияси томонидан ўтказилади.

12. Идоралараро комиссия аъзолари сони қоида тариқасида 11 кишидан иборат бўлиши керак.

Идоралараро комиссияга Тошкент шаҳар ҳокимининг тегишли ўринбосари бошчилик қилади.

Идоралараро комиссия, заруриятга кўра, комиссия раиси, шунингдек, унинг аъзолари тақдимига биноан, олти ойда камида бир марта чақирилади.

13. Идоралараро комиссия:

танловни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади, танлов тўғрисидаги эълонни “Жарима майдончаси” модулида жойлаштириш муддатларини, танлов таклифларини тақдим этишнинг бошланиш ва тугаш санаси ҳамда вақтини, шунингдек, уларни кўриб чиқиш санаси ва вақтини белгилайди;

талабгорлар томонидан “Жарима майдончаси” модули орқали тақдим этилган танлов таклифларини кўриб чиқади, уларнинг танлов ҳужжатларида назарда тутилган талабларга (ҳужжатларнинг тўлиқлиги, тўғри расмийлаштирилгани) мувофиқлигини текширади, танлов таклифларини белгиланган мезонлар асосида баҳолайди ҳамда танлов натижалари бўйича баённомани тасдиқлайди;

зарурият бўлганда, танлов таклифларини баҳолаш учун мустақил экспертларни (маслаҳатчиларни) жалб этади;

ушбу Низомда назарда тутилган ҳолатларда, янги танлов ўтказган ҳолда, транспорт воситаларини сақлаб туриш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади;

идоралараро комиссияга юкланган вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

14. Идоралараро комиссия қарорлари, агар мажлисда унинг аъзоларининг камида тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатли ҳисобланади.

Идоралараро комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи қарорни ёқлаб овоз берган тақдирда, қарор қабул қилинган деб ҳисобланади. Овозлар сони тенг бўлиб қолганда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Қарорлар идоралараро комиссиянинг мажлисда қатнашадиган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Идоралараро комиссия қарорлари баённома билан расмийлаштирилади ҳамда комиссия мажлиси ўтказилган кундан бошлаб уч иш куни ичида “Жарима майдончаси” модули орқали танлов иштирокчиларига юборилади.

15. Идоралараро комиссия фаолиятини ташкил этиш Тошкент шаҳар ҳокимлиги қарори билан белгиланадиган ишчи органга юкланади.

16. Идоралараро комиссиянинг ишчи органи:

танлов ҳужжатларини (жумладан, танловга қўйиладиган ҳудудлар рўйхатини) тайёрлайди, танлов ўтказилишидан камида ўттиз кун олдин танлов предметини, унинг асосий шартларини, уни ўтказиш тартиби, шу жумладан, танлов қатнашчилари томонидан ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилади;

идоралараро комиссия фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлайди, комиссия аъзоларини мажлис ўтказилиши тўғрисида хабардор қилади ҳамда танловни ўтказиш билан боғлиқ бошқа ташкилий чора-тадбирларни амалга оширади;

танлов иштирокчилари томонидан “Жарима майдончаси” модули орқали тақдим этилган танлов таклифларининг қабул қилиниши, рўйхатга олиниши ва сақланишини ҳамда уларнинг мазмуни идоралараро комиссия томонидан кўриб чиқилгунга қадар махфийлигини таъминлайди.

идоралараро комиссия томонидан жалб этиладиган экспертлар ва маслаҳатчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

## 3-боб. Танловни ташкил этиш

17. Ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш хизматларини кўрсатиш юзасидан танлов ташкил этиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

18. Ваколатли орган ўз ташаббуси билан ёки жисмоний ва юридик шахсларнинг таклифлари асосида танловга қўйиладиган ҳудудлар рўйхатини тайёрлайди, танлов предметини ва вақтини танлов ўтказилишидан камида ўттиз кун олдин “Жарима майдончаси” модулига киритади ва бу ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилади.

19. Танловда қатнашиш учун таклифлар танлов қатнашчилари томонидан “Жарима майдончаси” модули орқали тақдим этилади ва бу маълумотлар танлов қатнашчилари ҳақидаги маълумотлар бўлиб, улар очиқ ҳисобланади.

20. Танлов қатнашчилари томонидан танлов таклифларини тақдим этиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошланиб, ўн беш иш кунини ташкил этади ва “Жарима майдончаси” модулида кўрсатилади.

Танлов таклифлари белгиланган муддат якунлангандан кейин қабул қилинмайди.

21. Танлов қатнашчиси танлов таклифларини бериш муддати тугагунига қадар берилган танлов таклифини қайтариб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

22. Танлов қатнашчилари танлов бўйича белгиланган талабларни “Жарима майдончаси” модули орқали электрон тарзда юклаб олишлари мумкин.

23. “Жарима майдончаси” модулида танлов ўтказилгунга қадар танлов қатнашчилари томонидан юборилган таклифларни кўриш имконияти бўлмаслиги лозим.

24. Транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар очиқ маълумот ҳисобланади.

## 4-боб. Танлов таклифларининг мазмуни

25. Танлов таклифларида қуйидаги талаблар ва маълумотлар бўлиши керак:

талабгор эгалигидаги (мулк ёки ижара ҳуқуқи асосида) мулкий мажмуаларда жойлашган, транспорт воситаларини сақлаб туриш учун мўлжалланган, жойлаштириш ва жиҳозлаш бўйича техник талабларга жавоб берадиган транспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларидаги транспорт воситаларини сақлаб туриш жойлари сони ҳамда бир транспорт воситасини сақлаб туриш учун таклиф этилаётган майдон ҳажми;

сақлаб туриш хизматларини кўрсатиш вақтида транспорт воситаларини сақлаб туриш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирлар;

сақлаб туриш хизматларини кўрсатиш қиймати;

талабгорнинг мулк эгалигида бўлган, транспорт воситасини сақлаб туриш жойига ўз вақтида олиб келишни таъминлаш учун мўлжалланган махсус техника воситалари (оддий ва кран-манипуляторли эвакуаторлар) мавжудлиги ва уларнинг сони;

ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш учун мўлжалланган жойнинг тури (ёпиқ бинода ёки очиқ майдонда жойлашганлиги);

ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш хизматларини кўрсатиш фаолиятига қўйиладиган талабларга риоя этиш имконияти мавжудлигини тасдиқловчи бошқа маълумотлар ва ҳужжатлар.

26. Танлов қатнашчилари танлов таклифларининг барча бандларига доир ҳаққоний, тўлиқ ва батафсил ахборотларни юборишлари шарт.

## 5-боб. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибни аниқлаш

27. Танлов қатнашчилари томонидан танлов бўйича келиб тушган таклифлар “Жарима майдончаси” модули орқали баҳоланади.

28. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибни аниқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) битта транспорт воситасининг тўхташ жойи учун тавсия этилаётган майдон учун – ҳисобланган даражадагидан (25 кв метр) ортиқ бўлган ҳар бир пункт учун ортиб борувчи коэффициент қўлланган ҳолда, 5 балли тизим бўйича;

б) сақлаб туриш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирлар учун – 10 балли тизим бўйича. Баҳолаш қуйидаги тарзда амалга оширилади:

бинолар билан тўхтаб туришга қўйилган транспорт воситаси оралиғидаги норматив бўйича ёнғин хавфсизлиги масофасини (6 метр) таъминлаганлик учун – 5 балл. Ёнғинга қарши нормативдан ортиқ масофа (6 метрдан ортиқ) таъминланган тақдирда, ёнғинга қарши масофанинг оширилган ҳар бир метри учун ортиб борувчи коэффициент қўлланади;

тўхташ жойлари меъёрий хужжатлар асосида ташқи ёнғинга қарши сув таъминоти тизими таъминлаганлиги учун – 5 балл. Тўхташ жойидан ёнғин гидрантигача бўлган масофа камайтирилган тақдирда масофанинг ҳар бир метри учун ортиб борувчи коэффициент қўлланади;

в) талабгор эгалигидаги (мулк ёки ижара ҳуқуқи асосида) мулкий мажмуаларда жойлашган, транспорт воситаларини сақлаб туриш учун мўлжалланган тўхтаб туриш жойларида жойлаштириш ва жиҳозлаш бўйича техник талабларга мувофиқ келадиган сақлаб туриш жойлари сони учун – ваколатли орган томонидан белгиланган энг кам миқдордан ҳар бир фоизга ортиши учун кўпайтирувчи коэффициент қўлланган ҳолда 10 баллик тизим бўйича баҳоланади;

г) махсус техника воситаларининг (оддий ва кран-манипуляторли эвакуаторлар) мавжудлиги учун – ваколатли орган томонидан белгиланган энг кам миқдордан ҳар бир фоизга ортиши учун кўпайтирувчи коэффициент қўлланган ҳолда 35 баллик тизим бўйича баҳоланади. Баҳолаш қуйидаги тарзда амалга оширилади:

оддий эвакуаторлар – 5 балл;

кран-манипуляторли эвакуаторлар – 30 балл;

д) транспорт воситаларини сақлаб туриш учун мўлжалланган жой шаҳарнинг чекка ҳудудида жойлаштирилиши – 30 балл.

Қатнашчи танлов таклифларининг якуний баҳоси юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар бўйича балларни қўшиш йўли билан аниқланади.

Таклифлари энг юқори баллар сонини олган қатнашчи танлов ғолиби деб эътироф этилади.

Баҳолаш натижаларига кўра бир нечта қатнашчи тенг баллар олган бўлса, у ҳолда ғолиб тенг баллар олган қатнашчиларнинг танлов таклифларидаги қуйидаги мезонлардан келиб чиқиб аниқланади:

белгиланган талаблардан қўшимча жиҳозлар ва транспорт воситаларини сақлаб туриш учун шароитлар (транспорт воситаларини қуёш, ёмғир-қордан сақлаш учун шароит яратилган ҳолатига қараб) яратилганлигига қараб;

ушланган транспорт воситаларини сақлаб туриш жойларида махсус транспорт воситаларининг (оддий ва кран-манипуляторли эвакуаторлар) ишлаб чиқарилган йилига қараб;

ушланган транспорт воситаларини сақлаб туриш жойларининг сиғимига қараб;

катта габаритли транспорт воситаларини сақлаб туриш учун имкониятнинг мавжудлигига қараб таклифлар қайта кўриб чиқилиб, ғолиб аниқланади.

29. Танлов якунлари, хусусан, қатнашчилардан келиб тушган таклифлар мазмуни, ҳисобланган баллар, қатнашчилар тўғрисидаги маълумотлар, таклифларда кўрсатилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини ўрганиш натижалари “Жарима майдончаси” модулида сақланади.

30. Агар танлов давомида фақат бир нафар қатнашчидан таклиф келиб тушса, унинг танлов таклифлари қўйилаётган талабларга мувофиқ бўлганда мазкур қатнашчи ғолиб деб ҳисобланади.

Агар қатнашчининг таклифлари қўйилаётган талабларга мувофиқ бўлмаса, “Жарима майдончаси” модули томонидан рад этилади ва такрорий танлов ташкил этилади.

31. Танлов натижалари бўйича маълумотлар ваколатли органнинг расмий веб-сайтига танлов ўтказилиб, баҳолангандан кейин дарҳол жойлаштирилади.

## 6-боб. Танлов ғолибининг таклифларида кўрсатилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини ўрганиш

32. Танлов ғолибининг таклифлари ваколатли органнинг масъул ходимлари томонидан транспорт воситаларини сақлаб туриш учун ташкил этилган жойга чиққан ҳолда ўрганилади.

Шу билан бирга масъул ходимлар мулк мажмуаларини ўрганиб, уларнинг транспорт воситалари учун минимал сақлаб туриш жойлари умумий сонининг камида 20 фоизига тегишли талабларга мувофиқлигини текширадилар.

Зарурат бўлганда, таклифлардаги маълумотларнинг ҳақиқийлигини ўрганиш жараёнига бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари жалб этилади.

33. Таклифлардаги маълумотларнинг ҳақиқийлигини ўрганиш вақти ва манзили олдиндан келишилади ҳамда танлов ғолиби аниқлангандан кейин беш кун ичида амалга оширилади.

Таклифлардаги маълумотларнинг ҳақиқийлигини ўрганиш жараёнини очиқ ва шаффоф ташкил этиш мақсадида сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар кузатувчи сифатида иштирок этишлари мумкин.

34. Ваколатли органнинг масъул ходимлари маълумотларнинг ҳақиқийлигини ўрганишдан олдин танловнинг барча иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни “Жарима майдончаси” модулига киритиши керак.

Иштирокчи ва унинг аффилланган шахси танлов бўйича айни битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

35. Танлов иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятга эга алоқалари бўлган ваколатли органнинг масъул ходимлари келтирилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини ўрганишда иштирок этмаслиги лозим.

Унинг ўрнига бошқа ходим келтирилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини ўрганиш учун тайинланади. Масъул ходим томонидан аффилланганлик тўғрисида киритилган маълумотлар “Жарима майдончаси” модулида ёпиқ сақланади.

36. Ваколатли орган танлов ғолибининг “Жарима майдончаси” модули орқали юборган таклифларидаги маълумотларнинг ҳақиқийлигига шубҳа юзага келса, уларни тасдиқловчи ҳужжатларни сўраб олишга ҳақли.

37. Ўрганиш натижалари ва тегишли фото ва видеотасвирлар ваколатли орган томонидан “Жарима майдончаси” модулига юкланади. Юкланган маълумотлар шартноманинг амал қилиш муддати якунланишига қадар сақланади.

38. Ваколатли орган томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари юзасидан танлов қатнашчиларига тушунтиришлар берилади.

## 7-боб. Танлов ғолиби билан ҳужжатларни расмийлаштириш ва бекор қилиш

39. Ваколатли орган билан танлов ғолиби ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгиловчи шартнома оммавий оферта шаклида “Жарима майдончаси” модулига танлов эълон қилинган пайтда жойлаштирилади.

Танлов ғолиби аниқлангандан сўнг беш кун ичида жойлаштирилган шартномани акцептлайди (таклифни қабул қилади).

40. Қуйидаги ҳолларда танлов қатнашчисининг ғолиблиги бекор қилинади:

таклиф қилинган маълумотлар ваколатли органга (олдиндан келишилган вақт ва манзилга) уларнинг ҳақиқатда мавжудлигини ўрганиш учун тақдим қилинмаса;

танлов ғолибининг айби билан “Жарима майдончаси” модулига ўн иш куни ичида интеграция қилиш чоралари кўрилмаганда;

“Жарима майдончаси” модулига жойлаштирилган шартнома белгиланган муддатда сабабсиз акцептланмаса;

таклифлардаги маълумотларнинг ҳақиқийлиги тасдиқланмаганлиги оқибатида тўпланган баллар кейинги қатнашчи тўплаган баллардан камайиб кетса.

Танлов қатнашчисининг ғолиблиги бекор қилинган тақдирда, энг кўп баллар миқдори бўйича кейинги қатнашчи танлов ғолиби деб эътироф этилади. Кейинги қатнашчининг танлов таклифларидаги маълумотларнинг ҳақиқийлиги белгиланган тартибда ўрганилади.

41. Қуйидагилар транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш хизматларини кўрсатиш ҳуқуқини бекор қилиш учун асослар ҳисобланади:

транспорт воситаси транспорт воситаларини сақлаб туриш жойидан маъмурий ишни кўриб чиқувчи орган ёки ижро органининг мансабдор шахслари томонидан "Жарима майдончаси" модули орқали расмийлаштирилмаган рухсатномасиз чиқариб юборилганда;

юридик шахснинг транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш бўйича фаолиятни амалга ошириш имкони йўқлиги тўғрисида комиссияга юборган ёзма билдиришномаси;

транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш хизматларини кўрсатиш юзасидан шартноманинг унда кўрсатилган асослар бўйича бекор қилиниши ёки амал қилиш муддатининг тугаши;

юридик шахснинг белгиланган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топилгани ёки уни тугатиш амалиётининг бошланиши.

42. "Жарима майдончаси" модулидаги танлов якунлари асосида танлов ғолиби билан шартномалар тузиш ҳамда уларнинг талаб ва шартларига риоя этилиши устидан ваколатли орган томонидан мунтазам мониторинг олиб борилади.

43. Танлов ғолиби билан ваколатли орган ўртасида 10 йил муддатга транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш хизматларини кўрсатиш юзасидан шартнома тузилади.

44. Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан камида олтмиш кун аввал ҳудуд бўйича қайта эълон берилади.

45. Транспорт воситаларини сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи томонидан шартнома талаб ва шартларига риоя қилмаслик ҳолати аниқланса, ваколатли органнинг масъул ходимлари томонидан далолатнома расмийлаштирилади.

46. Танлов ғолиби таклиф этган таъриф даражаси бўйича камида икки йил транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш бўйича хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади.

47. Шартнома шартларига қўшимча ёки ўзгартиришлар томонларнинг қўшимча келишувига асосан киритилади.

QMMB: 09/26/508/0961-son
23.09.2026-y.





## 8-боб. Якунловчи қоидалар

48. Танлов иштирокчилари танлов натижаларидан норози бўлган ҳолларда, белгиланган тартибда судга ёки юқори турувчи органларга мурожаат қилишга ҳақли.

49. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/508/0961-son
23.09.2026-y.



Тошкент шаҳрида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларни очиқ танлов асосида танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

**Тошкент шаҳрида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар учун танлов ташкил этиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни**
**СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Муддатлар |
|---|---|---|---|
| **1-босқич** | Ваколатли орган | Танловга қўйиладиган ҳудудлар рўйхатини шакллантиради, лот талаблари, танлов предметини “Жарима майдончаси” модулига киритади ва бу ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали эълон беради. | Танлов ўтказилишидан камида 30 кун олдин |
| **2-босқич** | Ариза берувчи | 1. “Жарима майдончаси” модули орқали рўйхатдан ўтади.<br>2. Электрон шаклдаги сўровномани тўлдиради (зарур ҳужжатларнинг электрон шаклини илова қилган ҳолда) ҳамда ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди. | Танлов эълон қилингандан сўнг 15 кун ичида |
| **3-босқич** | “Жарима майдончаси” модули | Сўровнома тегишли Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига жўнатилади. | Автоматик равишда |
| **4-босқич** | “Жарима майдончаси” модули | 1. Танлов қатнашчилари томонидан танлов бўйича келиб тушган таклифлар баҳоланади.<br>2. Танлов таклифларини баҳолаш ҳар бир қатнашчи бўйича аниқланади. Энг кўп балл тўплаган қатнашчи танлов ғолиби деб эътироф этилади. | 15 кун ичида |
| **5-босқич** | “Жарима майдончаси” модули | Танлов натижалари бўйича маълумотлар ваколатли органнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади. | Танлов ўтказилгандан кейин дарҳол |
| **6-босқич** | Ваколатли орган | Танлов ғолиби билан транспорт воситаларини сақлаб туриш хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома тузади. | Танлов якунлари бўйича |

QMMB: 09/26/508/0961-son
23.09.2026-y.



Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 22 ” сентябрдаги 508-сон қарорига
4-илова

# Тошкент шаҳрида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоида

1. Ушбу Низом юридик шахслар томонидан Тошкент шаҳрида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойларида сақлаб туриш хизматларини (кейинги ўринларда – транспорт воситаларини сақлаб туриш хизматлари) кўрсатиш тартибини белгилайди.

## 2-боб. Транспорт воситаларини сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларга қўйилган талаблар

2. Транспорт воситаларини сақлаб туриш хизматлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда транспорт воситаларини сақлаб туриш хизматларини кўрсатиш учун эгалигида (мулк ёки ижара ҳуқуқи асосида) мулкий мажмуа бўлган ва белгиланган тартибда танлаб олинган юридик шахслар томонидан кўрсатилади.

3. Ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган юридик шахсларнинг ижара ҳуқуқи асосида эгалигидаги мулкий мажмуалар бўйича ижара шартномалари муддати 10 йилдан кам бўлмаслиги керак.

4. Қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини вақтинча сақлаб туриш жойлари (кейинги ўринларда – жарима майдончаси) қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

қаттиқ қоплама, транспорт воситаларини сақлаб туриш жойларининг майдонини реал вақт режимида тўлиқ кўриш имконини берувчи кузатув камералари, ёритиш, ахлат тўплаш учун контейнерлар, сувни тиндирадиган ёмғир канализацияси, ёнғинга қарши воситалар мавжудлиги;

тўхташ жойларига олиб келинган транспорт воситаларини кириб-чиқишини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими “Жарима майдончаси” модули (кейинги ўринларда – “Жарима майдончаси” модули) орқали назорат қилиш ҳамда транспорт воситаларининг давлат рақам белгиларини таниб олиш имконини берувчи кузатув камера, шлагбаум ва бошқа техника воситаларининг мавжудлиги;

QMMB: 09/26/508/0961-son
23.09.2026-y.



ҳудудга кириш ва ундан чиқиш учун махсус ажратилган жойлар мавжудлиги. Кириш (чиқиш) жойлари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашни ҳисобга олинган ҳолда ажратилиши керак;

ҳудуд 2 метрдан паст бўлмаган темир-бетон (металл, ғишт, шлакоблок) девор билан ўралган бўлиши керак. Ўралган ҳудудда 50 та ва ундан ортиқ транспорт воситасини сақлаб туриш назарда тутилган тўхташ жойида камида иккита кириш (чиқиш) йўллари бўлиши керак. Ўралган деворда дарвозаларнинг кенглиги камида 4,5 метр бўлиши керак;

агар ҳудуд бир неча қаторга жойлаштириладиган транспорт воситаларини сақлаб туриш имконини берса, у ҳолда ҳудуд ичида транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун тасмалар ажратилиши керак;

кириш (чиқиш)нинг ажратилган жойига назоратчи кассирнинг хонаси туташган бўлиши керак, у ерда кўринарли жойда ташқи томонга транспорт воситаларини сақлаб туриш хизматлари амалга оширишнинг тарифлари ва шартлари тўғрисида йирик ҳарфларда (ҳарфларнинг катталиги камида 3 см бўлиши керак) маълумот жойлаштирилади;

ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус жиҳозланган транспорт воситалари учун камида иккита тўхташ жойи мавжудлиги;

битта транспорт воситасининг тўхташ жойи учун ҳисобланган майдон 25 кв метрга тенг деб қабул қилинади;

тўхташ жойи ҳудудида хизмат кўрсатувчи ходимлар, қўриқлаш ходимлари учун хоналар бўлиши ва у бегона шахсларнинг киришига имкон бермайдиган ҳолда тўсилиши керак;

бинолар ва сақлаб турилган транспорт воситалари ўртасидаги ёнғинга қарши оралиқ лойиҳалаштириш нормалари талабларига мувофиқ камида 6 метр бўлиши керак;

ушланган транспорт воситаларини жарима майдончаси ҳудудида жойлаштириш ҳар бир сақлаб турилган транспорт воситасига махсус техника воситаларининг (оддий ва кран-манипуляторли эвакуаторлар) кириб бориши ва ташқи ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларидан ёнғин-қутқарув автомобиллари сув олиш имкониятини ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади, бунда асосий ўтиш жойларининг кенглиги камида 4 метр бўлиши керак. Боши берк йўлларнинг охирида 12х12 метр ўлчамли айланиб олиш майдончаси бўлиши керак;

ёнғинга қарши ташқи сув таъминоти тизими билан таъминланган аҳоли пунктларида тўхташ жойидан ёнғин гидрантигача бўлган энг узоқ масофа 150 метрдан ортиқ бўлмаслиги керак. Тўхташ жойи сувсиз туманда жойлаштирилган тақдирда унинг ҳудудида меъёрий хужжатлар талабларига асосан ёнғинга қарши сув ховуз бўлиши керак. Ёнғинга қарши шитлар ва ёнғин ўчиришнинг бирламчи воситалари сони ёнғин хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ бўлиши керак;

жарима майдончалари ҳудудида жойлашган ва қўриқлаш постларини жойлаштириш, келувчиларни қабул қилиш, ҳужжатларни расмийлаштириш ва тўлов учун мўлжалланган бинолар ва иншоотлар телефон алоқаси, ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг нарядларини тез чақириш тугмаси билан таъминланган, ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари норматив сони билан жиҳозланган, сунъий ёритилган бўлиши керак;

жарима майдончалари ҳудудида ёнғин гидрантларининг жойлашиш жойи давлат стандартлари бўйича ёритувчи кўрсаткичлар билан таъминланади ва транспорт воситасини қудуқ олдида ва қудуқнинг ҳар икки томонида 1,5 метр масофада ёнғин гидранти қудуғи люки устида жойлаштиришга тўсқинлик қиладиган 15 см баландликдаги бордюр билан тўсилади;

жарима майдончалари ҳар бир 10 транспорт воситасига 1 трос (буксир) ҳисобидан эвакуаторлар, тортиш трослари (юк транспорт воситалари сақланган тақдирда қаттиқ шатаклар) билан жиҳозланади;

транспорт воситаларини сақлаб туриш жойларига ўрнатилган кузатув камералари “Жарима майдончаси” модули билан интеграция қилинган бўлиши керак;

фавқулодда ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиши ҳамда эвакуация режаси (схемалар) кўринарли жойларга жойлаштирилиши керак.

5. Жарима майдончаларида:

ҳудудга бегона шахсларни қўйиш;

транспорт воситаларини уларни жойлаштириш режасини бузган ҳолда тўхташ жойларининг ҳисобланган сонидан ортиқча қабул қилиш ва жойлаштириш, транспорт воситалари ўртасидаги масофани камайтириш;

чиқиш дарвозаларини ва ўтиш йўлларини тиқилинч қилиб қўйиш;

бирор-бир ёнғин чиқарадиган таъмирлаш ишларини бажариш, эшиклар ва двигателларни муздан тозалаш учун очиқ оловдан фойдаланиш, енгил аланғаланадиган ва ёнувчи суюқликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш;

транспорт воситаларининг ёнилғи бакларини оғзи очиқ ҳолда сақлаш тақиқланади.

6. Транспорт воситаларини сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар ушланган транспорт воситасларини жарима майдончасига ўз вақтида олиб келишни таъминлаши учун махсус техника воситаларининг (эвакуаторлар, шатакка тортиш трослари, қаттиқ шатаклар, ва кран-манипуляторли эвакуаторлар) етарлича сонига эга бўлиши керак.

7. Транспорт воситаларини сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасига ва банк карталаридан тўловларни қабул қиладиган ҳисоб-китоб терминалига эга бўлиши керак.

Транспорт воситаларини сақлаб туриш хизматлари ва уларни ташиш (эвакуация) харажатлари ҳамда эвакуатор (манипулятор)нинг чақирув жойига транспорт воситасини юкламасдан чиқиб келиш харажатлари учун тўловлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Тошкент шаҳар Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси билан келишилган ҳолда тасдиқланган тарифлар асосида амалга оширилади.

8. Транспорт воситаларини сақлаб туриш хизматлари харажатлари ҳисоб-китоби ҳар бир тўлиқ сутка учун амалда сақланган муддатдан келиб чиқиб назорат-касса машинаси ёки ҳисоб-китоб терминали чеки мажбурий берилган ҳолда транспорт воситаси ҳудуддан чиқаётганда амалга оширилади.

9. Транспорт воситаларини сақлаб туриш хизматлари учун ҳақ тўлаш нақд пул шаклида, шунингдек, банк карталари ёки бошқа тўлов усулларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз амалга оширилиши мумкин.

10. Транспорт воситалари жарима майдончасига жойлаштирилган кундан бошлаб олти ойдан ортиқ муддат давомида сақланаётган бўлса, улар талаб қилинмаган транспорт воситалари реестрига киритилади.

Бунда транспорт воситалари бўйича транспорт воситаларини сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органлари билан биргаликда:

а) транспорт воситаси эгасини уни олиб кетиш ва мавжуд қарздорликни сўндириш зарурлиги тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилишни таъминлайди, шунингдек, транспорт воситасини эвакуация қилиш ва сақлаб туриш билан боғлиқ қарздорлик миқдорини ҳисоблаб чиқади;

б) қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда, шу жумладан, тегишли материалларни Мажбурий ижро бюросига юбориш орқали ундириш чораларини кўради;

в) транспорт воситаларини сақлаб турганлик учун қарздорликни ундириш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ суд органларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Транспорт воситаси жарима майдончасида жойлаштирилган кундан бошлаб ўн икки ойдан ортиқ муддат давомида сақланаётган бўлса ва эгаси томонидан мурожаат қилинмаган тақдирда, транспорт воситаларини сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органлари билан биргаликда транспорт воситасини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда эгасиз деб топиш масаласини кўриб чиқиш учун суд органларига мурожаат қилиши мумкин.

Транспорт воситасини ундирувга қаратиш ҳамда уни реализация қилиш ижро иши юритуви доирасида, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

QMMB: 09/26/508/0961-son
23.09.2026-y.



## 3-боб. Якунловчи қоидалар

11. Транспорт воситаларини сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар санитария ва ёнғинга қарши қоидаларга риоя қилиниши, транспорт воситалари жарима майдончасига олиб келиниши, сақланиши, шунингдек, транспорт воситаси салонидаги шахсий буюмлар сақланиши учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

12. Транспорт воситаларини сақлаб туриш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар:

табиий офатлар (зилзила, довул, сув тошқини) вақтида транспорт воситалари шикастланганлиги;

жарима майдончаси ҳудудидан чиққандан кейин транспорт воситаларини сақлаб туришга бўлган даъволар учун жавоб бермайди.

13. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

14. Ушбу Низом талабларининг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда “Жарима майдончаси” модули орқали транспорт воситаларини ушлаб туриш ваколати берилган давлат органлари томонидан амалга оширилади.

QMMB: 09/26/508/0961-son
23.09.2026-y.



Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 22 ” сентябрдаги 508-сон қарорига
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2011 йил 25 майдаги 149-сон қарорида:

а) 1-илованинг 1-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ушбу Низом Тошкент шаҳрида транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибига нисбатан татбиқ этилмайди”;

б) 2-иловада

1-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ушбу Низом транспорт воситаларини танлов асосида электрон тарзда танлаб олиш тартибига нисбатан татбиқ этилмайди”;

2-бандниng иккинчи хатбошисидаги “ва Тошкент шаҳри” сўзлари чиқариб ташлансин;

21-бандниng “в” кичик бандидаги “ва Тошкент шаҳар” сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 3-иловада:

1-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ушбу Низом транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатиш бўйича фаолиятни белгиланган тартибда амалга ошириш тартибига нисбатан татбиқ этилмайди”;

8-бандниng иккинчи хатбошисидаги “ва Тошкент шаҳар” сўзлари чиқариб ташлансин;

15-банддаги “ва Тошкент шаҳар” сўзлари чиқариб ташлансин.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2011 йил 25 майдаги 149-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2023 йил 11 августдаги 358-сон қарорининг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.



QMMB: 09/26/510/0964-son
23.09.2026-y.

38 (1266)-son
957-modda

# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 22 » sentabr № 510 Toshkent sh.

## Давлат харидларини “таклиф сўрови” асосида амалга оширишга рухсат этилган тадбиркорлик субъектларининг сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимлари (дастурий маҳсулотлар) реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 22 октябрдаги ПФ–189-сон Фармонига мувофиқ, сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимлари (дастурий маҳсулотлар)ни давлат органлари, устав фонди (устав капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Давлат харидларини “таклиф сўрови” асосида амалга оширишга рухсат этилган тадбиркорлик субъектларининг сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимлари (дастурий маҳсулотлар) реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

тадбиркорлик субъектларининг ҳамда улар томонидан таклиф этиладиган сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимлари (дастурий маҳсулотлар)нинг марказлашган маълумотлар базасидан иборат ягона реестрини юритиш;

давлат харидларини “таклиф сўрови” асосида амалга оширишга рухсат этилган тадбиркорлик субъектларининг сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимлари (дастурий маҳсулотлар) реестри (кейинги ўринларда – ягона реестр)ни юритиш;

ягона реестрга киритилган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ахборот тизимлари (дастурий маҳсулотлар) тўғрисидаги маълумотлар асосида давлат харидларини амалга ошириш;

жорий этиладиган ахборот тизимлари (дастурий маҳсулотлар)нинг хавфсизлик, шаффофлик ва сифат талабларига мувофиқлигини таъминлаш.

2. Белгилансинки:

ягона реестрга киритилган сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимлари (дастурий маҳсулотлар) рўйхати “ai.gov.uz” миллий порталида эълон қилинади ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ягона реестрда рўйхатга олинган дастурий маҳсулотларини жорий қилиш учун умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 500 бараваридан ошмаган миқдордаги давлат харидларини “таклиф сўрови” асосида амалга оширишга рухсат этилади;

ягона реестрга киритиладиган сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимларининг (дастурий маҳсулотлар) техник топшириқлари Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги билан келишилган ҳолда “Киберхавфсизлик маркази” давлат муассасаси ва “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасига экспертизадан ўтказиш учун киритилади;

вазирлик ва идоралар дастурий маҳсулотнинг ўз таркибий тузилмаси ва тизим ташкилотларида тўғри жорий этилишига, шунингдек, такроран харид қилиниши ва уларга бюджет маблағлари асоссиз сарфланишининг олдини олишга масъул ҳисобланади;

“ai.gov.uz” миллий порталини яратиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 октябрдаги ПҚ–320-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан беғараз асосда ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ҳамда техник қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **2027 йил 1 февралга қадар** ягона реестрнинг ишга туширилишини таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/510/0964-son
23.09.2026-y.



Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 22 ” сентябрдаги 510-сон қарорига
илова

# Давлат харидларини “таклиф сўрови” асосида амалга оширишга рухсат этилган тадбиркорлик субъектларининг сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимлари (дастурий маҳсулотлар) реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат харидларини “таклиф сўрови” асосида амалга оширишга рухсат этилган тадбиркорлик субъектларининг сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимлари (дастурий маҳсулотлар) реестрини шакллантириш, юритиш ҳамда ундан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 500 бараваридан ошмаган миқдордаги давлат харидларини “таклиф сўрови” асосида амалга оширишга рухсат этилган тадбиркорлик субъектларининг сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимлари (дастурий маҳсулотлар) реестри (кейинги ўринларда – ягона реестр) “ai.gov.uz” миллий порталида тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг сунъий интеллект технологияларига асосланган ахборот тизимлари (дастурий маҳсулотлар) (кейинги ўринларда – дастурий маҳсулотлар) тўғрисидаги маълумотларнинг ягона манбаи ҳисобланади ва сунъий интеллектга асосланган ечимларни жорий этиш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича давлат харидларини амалга оширишда фойдаланилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**мониторинг** – ягона реестр доирасида тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг дастурий маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларнинг долзарблигини мунтазам равишда кузатиб бориш жараёни;

**экспертизадан ўтказувчи ташкилотлар** – “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси ва “Киберхавфсизлик маркази” давлат муассасаси;

**ягона реестр оператори** – ягона реестрнинг ишлашини ва ундан тўғри фойдаланилишини таъминлаш, шу жумладан, унинг маълумотлар базасида мавжуд бўлган маълумотларни юритиш ва қайта ишлаш учун масъул бўлган юридик шахс;

**ягона идентификатор (“Registry ID”)** – тадбиркорлик субъекти ва унинг дастурий маҳсулотларини ягона реестрда рўйхатдан ўткизишда бериладиган, уларни аниқ идентификация қилиш, ҳисобга олиш ва кейинчалик ягона реестрдаги ўзгаришларни кузатиб бориш учун мўлжалланган махсус идентификатор;

**ягона реестрга кириш истагини билдирган тадбиркорлик субъекти** – белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ва сунъий интеллект технологияларига асосланган ахборот тизимлари (дастурий маҳсулотлар)ни ишлаб чиқиш, жорий этиш, интеграция қилиш, қўллаб-қувватлаш бўйича фаолият юритувчи тадбиркорлик субъекти;

**ягона реестрга киритиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш бўйича эксперт комиссияси** (кейинги ўринларда – Эксперт комиссияси) – рақамли технологиялар соҳасининг малакали мутахассисларидан иборат тадбиркорлик субъектлари ҳамда уларнинг дастурий маҳсулотларини ягона реестрга киритиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш мақсадида Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан ташкил этилган комиссия.

4. Ягона реестрни шакллантириш ва юритишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

тадбиркорлик субъектларининг ҳамда улар томонидан таклиф этиладиган дастурий маҳсулотларнинг марказлашган маълумотлар базасидан иборат ягона реестрни юритиш;

давлат буюртмачисига ягона реестрга киритилган тадбиркорлик субъектлари билан умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 500 бараваридан ошмаган миқдордаги давлат харидлари доирасида “таклиф сўрови” харид қилиш тартиб-таомили асосида шартномалар тузиш имкониятини тақдим этиш;

жорий этиладиган дастурий маҳсулотларнинг хавфсизлик, шаффофлик ва сифат талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

давлат секторида хавфсиз ва ишончли дастурий маҳсулотларнинг жорий этилишини жадаллаштириш;

давлат буюртмачилари дастурий маҳсулотларини жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича давлат харидларини режалаштириш, ўтказиш ва амалга оширишда ягона реестр маълумотларидан фойдаланиш.

5. Тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг дастурий маҳсулотларини ягона реестрга киритиш учун тўлов ундирилмайди.

## 2-боб. Ягона реестрни шакллантириш ва юритиш

6. Давлат сирларини ўз ичига олган дастурий маҳсулотлар ягона реестрга киритилмайди.

7. “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” масъулияти чекланган жамияти ягона реестрнинг оператори (кейинги ўринларда – оператор) ҳисобланади.

8. Оператор қуйидаги вазифаларни бажаради:

тадбиркорлик субъектларининг ягона реестрга киритиш учун тақдим этилган ҳужжатларини қабул қилиш, уларни кўриб чиқиш, Эксперт комиссиясига тақдим этиш;

QMMB: 09/26/510/0964-son
23.09.2026-y.



тадбиркорлик субъектлари томонидан киритилган аризанинг кўриб чиқиш жараёнини “ai.gov.uz” миллий порталида эълон қилиб бориш;

ягона реестрдаги тадбиркорлик субъектлари ҳамда уларнинг мақоми ва дастурий маҳсулотлар ҳисобини юритиш, шунингдек, улар ҳақидаги маълумотларни долзарблиги юзасидан мониторинг қилиб бориш;

Давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали, Рақамли ҳукуматнинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестри ахборот тизимларини ягона реестр билан реал вақт режимида маълумот алмашинувини таъминлаш;

ягона реестрнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

ягона реестрда киберхавфсизликни таъминлаш бўйича чоралар кўриш ҳамда уни доимий назорат қилиб бориш;

Эксперт комиссиясининг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш ва Эксперт комиссияси хулосалари ҳисобини юритиш.

9. Сунъий интеллект соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари ягона реестрга ушбу Низомга 1-иловадаги схема асосида киритилади.

Эксперт комиссиясининг таркиби ва иш тартиби Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

Оператор Эксперт комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

10. Давлат буюртмачилари давлат харидларини режалаштириш, ўтказиш ва амалга оширишда, шунингдек, дастурий маҳсулотларни жорий этишда ягона реестр маълумотларидан фойдаланишлари мумкин.

11. Тадбиркорлик субъектларининг дастурий маҳсулотларини жорий этиш бўйича техник топшириқлари Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги билан келишилади, “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси ва “Киберхавфсизлик маркази” давлат муассасаси томонидан ўз ваколатлари доирасида экспертизадан ўтказилади.

12. Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги давлат харидларида ягона реестрга киритилган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг дастурий маҳсулотларининг иштирок этишини назорат қилиш учун масъул ҳисобланади.

13. Ягона реестрда қуйидаги тур (тоифа)даги дастурий маҳсулотлар рўйхатга олинади:

а) машинавий ўрганиш моделлари, жумладан:

таснифлаш;

регрессия;

кластерлаш;

тавсия моделлари;

тавсия моделлари;

аномалияларни аниқлаш тизимлари;

б) чуқур нейрон тармоқлари, жумладан:

конволюцион нейрон тармоқлари;

рекуррент нейрон тармоқлари;

трансформер моделлари;

в) генератив дастурий маҳсулотлар:

матн яратиш (табиий тилни қайта ишлаш моделлари, катта тил моделлари);

расм, видео ва аудио яратиш;

код яратиш;

маълумотларни синтез қилиш;

матнни тасвирга, тасвирни матнга айлантириш тизимлари ва бошқалар;

г) “компьютер нигоҳи” ечимлари:

объектлар ва юзларни таниб олиш;

тиббий тасвирларни таҳлил қилиш (компьютер томографияси, магнит-резонанс томографияси, рентген ва бошқалар);

тасвирларни сегментлаш ва таснифлаш;

видеотаҳлил ва ҳодисаларни аниқлаш;

ишлаб чиқаришда сифатни назорат қилиш тизимлари;

д) табиий тилни қайта ишлаш:

нутқни таниб олиш ва синтез қилиш;

машинавий таржима;

матн оҳангини таҳлил қилиш;

чат-ботлар ва овозли ёрдамчилар;

матнларни автоматик тарзда умумлаштириш ва таснифлаш;

е) прогноз таҳлили соҳасидаги ечимлар:

талабни прогноз қилиш;

хатарларни олдиндан аниқлаш;

эҳтимолий ҳодисаларни баҳолаш;

ускуналарни олдиндан диагностика қилиш;

молиявий прогнозлар;

ж) роботлаштирилган ва автоном тизимлар:

автоном роботлар;

ҳайдовчисиз транспорт воситалари (қуруқликдаги, ҳаводаги, сувдаги);

навигация ва реал вақтда қарор қабул қилиш тизимлари;

з) қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимлари:

тиббий диагностика тизимлари;

қонунларни қўллаш ва меъёрий назоратни автоматлаштириш тизимлари;

молиявий-кредит скоринг моделлари;

хатарларни баҳолаш ва тавсияларни шакллантириш;

и) киберхавфсизликка оид дастурий маҳсулотлар:

таҳдид ва ҳужумларни аниқлаш тизимлари;

таҳдидлар ва аномалияларнинг олдини олиш тизимлари;

зарарли (хавфли) тармоқ трафигининг автоматлаштирилган таҳлили.

к) инфратузилмавий дастурий маҳсулотлар:

моделларни ўқитиш учун мўлжалланган булутли платформалар;

GPU-кластерлар ва ҳисоблаш инфратузилмалари;

сунъий интеллект ҳаётий циклини бошқариш учун Машинавий ўрганиш операциялари (MLOps) ва Дастур ишлаб чиқиш операциялари (DevOps) платформалари;

катта маълумотлар ва изоҳланган тўпламлар учун маълумотлар базалари;

л) изоҳловчи ва тасдиқловчи (верификация) ечимлар:

маълумотларни изоҳлаш воситалари;

автоматлаштирилган белгилаш тизимлари;

сунъий интеллект моделларини синовдан ўтказиш ва тасдиқлаш ечимлари;

м) сунъий интеллект алгоритмларидан фойдаланадиган ва ушбу банднинг “а”-“л” кичик бандларидаги тоифаларга мансуб бўлмаган, лекин автоном ёки яримавтоном қарор қабул қилиш хусусиятларига эга бўлган ҳар қандай бошқа дастурий маҳсулотлар.

14. Ягона реестрга киритилган дастурий маҳсулотлар тур (тоифа)лари бўйича “таклиф сўрови” харид қилиш тартиб-таомилини қўллашда тадбиркорлик субъектларининг ушбу Низомнинг 13-бандига мувофиқ рўйхатдан ўтган дастурий маҳсулотлар тури (тоифаси) бўйича ўз таклифлари билан иштирок этишига йўл қўйилади.

## 3-боб. Тадбиркорлик субъектларини ягона реестрга киритиш

15. Тадбиркорлик субъектлари ягона реестрда “ai.gov.uz” миллий порталида ўзларининг шахсий кабинети орқали электрон рақамли имзодан (кейинги ўринларда – ЭРИ) фойдаланган ҳолда рўйхатдан ўтади.

16. Тадбиркорлик субъектлари ягона реестрда ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ электрон шаклдаги варақани тўлдириш орқали онлайн тарзда рўйхатдан ўтади.

17. Тадбиркорлик субъектлари ягона реестрга киритиладиган маълумотлар ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

18. Тадбиркорлик субъектлари техник топшириқларни келишиш учун Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига ҳамда экспертизадан ўтказиш учун экспертизадан ўтказувчи ташкилотларга бир вақтнинг ўзида, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ, тегишлилиги бўйича электрон шаклда ягона реестр ахборот тизими орқали онлайн тарзда тақдим этадилар.

Бунда техник топшириқларни “ягона дарча” тамойили асосида экспертизадан ўтказиш мақсадида, ягона реестр Рақамли ҳукуматнинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестри ахборот тизими билан интеграция қилинади ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги ва “Киберхавфсизлик маркази” давлат муассасаси томонидан ягона реестр орқали келиб тушган техник топшириқларни мазкур ахборот тизими орқали экспертизадан ўтказиш таъминланади.

19. Техник топшириқлар Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги ҳамда экспертизадан ўтказувчи ташкилотлар томонидан ўн беш иш куни ичида келишилади ва экспертизадан ўтказилади. Экспертиза хулосалари операторга ва тадбиркорлик субъектига тақдим этилади.

20. Оператор тақдим этилган маълумотларни қуйидаги асослар бўйича уч иш куни ичида кўриб чиқади:

дастурий маҳсулотлар варақаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва расмий талабларга мувофиқлиги;

техник топшириқлар бўйича экспертизадан ўтказувчи ташкилотлар томонидан тақдим этилган ижобий хулосалар мавжудлиги;

якуний бенефициар мулкдорлар ва аффилланган шахсларни аниқлаш;

тадбиркорлик субъектига нисбатан банкротлик, фаолиятнинг тўхтатилгани ёки бошқа чекловлар мавжудлиги;

илгари тузилган шартномалар бўйича муддати ўтган мажбуриятлар мавжудлиги (тасдиқловчи маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда).

21. Оператор тақдим этилган ҳужжатларни ягона реестрда рўйхатдан ўтказади ҳамда тақдим этилган маълумотларни тегишли давлат ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларидаги маълумотлар билан солиштириш орқали текширади.

22. Маълумотларни текшириш натижаларига кўра, оператор томонидан тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа-техник ҳужжатларига “Кўриб чиқилмоқда”, “Маъқулланган” ёки “Қайтарилган” белгиси қўйилади ва Эксперт комиссияга тақдим этилади.

Талаб этилган ҳужжатларнинг мавжудлиги (ёки йўқлиги) Эксперт комиссияси томонидан қарор қабул қилишда инобатга олинади ҳамда тадбиркорлик субъекти ва дастурий маҳсулотлар варақасида акс эттирилади.

23. Тадбиркорлик субъектларига кўриб чиқиш натижасини бериш ва уларнинг дастурий маҳсулотларини ягона реестрга киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун Эксперт комиссияси ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ тадбиркорлик субъектларига қўйиладиган талаблар асосида ҳужжатларни кўриб чиқади.

24. Кўриб чиқиш якунлари бўйича Эксперт комиссияси ўн иш куни ичида қуйидаги хулосалардан бирини тақдим этади:

“Киритилсин” – тадбиркорлик субъекти ва унинг дастурий маҳсулотларига ушбу Низомда белгиланган талабларга мувофиқ, ягона идентификатор (“Registry ID”) берилади;

“Рад этилсин” – ушбу Низомда белгиланган талабларга мос келмаган ҳолларда.

25. Ягона реестрга киритиш рад этилган тақдирда, тадбиркорлик субъектлари эксперт комиссияси хулосаси юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

26. Тадбиркорлик субъектларини ягона реестрга киритишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

текширув учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этишдан бош тортиш ёхуд нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумотларни тақдим этиш;

тадбиркорлик субъекти банкрот ёки банкротлик жараёнида бўлиши, фаолиятнинг тўхтатилиш ҳолатлари мавжудлиги;

дастурий маҳсулотлар асосий компонентларидан фойдаланиш бўйича тасдиқланган ҳуқуқларнинг мавжуд эмаслиги;

дастурий маҳсулотларнинг ушбу Низомга 3-иловада келтирилган талабларга мос келмаслиги.

Тадбиркорлик субъектларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга кўра ягона реестрга киритишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Рад этиш асоси Эксперт комиссиясининг хулосасида келтирилади.

Бунда Эксперт комиссиясининг хулосасида рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилиши шарт.

27. Оператор ягона реестрга киритилган тадбиркорлик субъекти ва унинг дастурий маҳсулотлари варақаларини ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда (II бўлимда келтирилган маълумотлардан ташқари) уч иш куни ичида “ai.gov.uz” миллий порталида жойлашган ягона реестрда эълон қилади ва бир вақтнинг ўзида ушбу маълумотларни давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталига реал вақт режимида юборади.

28. Тадбиркорлик субъекти ва унинг дастурий маҳсулотларига ўзгартиришлар киритилган тақдирда, тадбиркорлик субъекти ушбу ўзгартиришлар (янгиланишлар) киритилгани ҳақида уч иш куни ичида операторни хабардор қилиши шарт. Бунда ўзгартиришлар тадбиркорлик субъектларининг ягона реестрдаги шахсий кабинети орқали амалга оширилади.

**4-боб. Тадбиркорлик субъектларини ягона реестрдан чиқариш**

29. Тадбиркорлик субъектларининг масъул шахслари ягона реестрга киритилган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг дастурий маҳсулотлари ҳақидаги маълумотларни аниқлаштириш учун операторнинг сўровига биноан уч иш куни ичида қўшимча маълумотларни ёзма шаклда тақдим этишлари лозим.

Тадбиркорлик субъектлари сўров бўйича маълумотларни тақдим этмаган тақдирда, уларнинг давлат харидларида иштирок этиши мазкур маълумотлар тақдим этилгунга қадар бир ой муддатга чекланади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан бир ой муддатда сўров бўйича маълумотларни тақдим этиш рад этилган тақдирда, оператор ушбу ҳолатга оид маълумотларни ва асословчи ҳужжатларни Эксперт комиссиясига ягона реестрдан чиқариш масаласини кўриб чиқиш ҳамда қарор қабул қилиш учун юборади. Эксперт комиссиясининг қарори асосида оператор тегишли дастурий маҳсулотларни ягона реестрдан чиқаради.

30. Тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг дастурий маҳсулотлари ягона реестрдан қуйидаги тартибда чиқарилади:

тадбиркорлик субъекти томонидан ягона реестрдаги шахсий кабинети орқали берилган ариза асосида;

ушбу Низомда назарда тутилган ҳолларда Эксперт комиссиясининг хулосасига кўра.

31. Тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг дастурий маҳсулотлари ягона реестрдан эксперт комиссияси ташаббуси билан қуйидаги ҳолларда чиқарилади:

нотўғри маълумотлар тақдим этилгани аниқланганда;

тадбиркорлик субъекти ушбу Низомнинг 29-бандига асосан сўров бўйича маълумотларни тақдим этишни рад этганда;

тадбиркорлик субъекти жиноий жавобгарликка тортилгани аниқланганда;

инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилганда;

Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари ва тамойилларига риоя этилмаганда;

юридик шахс тугатилганда.

32. Оператор тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида ягона реестрдан чиқариш тўғрисидаги хабарни ягона реестрга киритади, чиқарилган сана ва асосларни кўрсатади ҳамда тадбиркорлик субъектини шахсий кабинети орқали хабардор қилади.

Бунда мазкур бандда назарда тутилган ҳолатлар юзага келганда, оператор тегишли маълумотларни реал вақт режимида давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталига юборади.

## 5-боб. Якунловчи қоидалар

33. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

34. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/510/0964-son
23.09.2026-y.



Давлат харидларини “таклиф сўрови” асосида амалга оширишга рухсат этилган тадбиркорлик субъектларининг сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимлари (дастурий маҳсулотлар) реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

## Давлат харидларини “таклиф сўрови” асосида амалга оширишга рухсат этилган тадбиркорлик субъектларининг сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимлари (дастурий маҳсулотлар) реестрига киритиш ишларини ташкил этиш
## СХЕМАСИ

| Босқичлар | Масъуллар | Тадбирлар | Муддатлар |
|---|---|---|---|
| **1-босқич** | Тадбиркорлик субъекти | “ai.gov.uz” миллий порталидаги шахсий кабинетида ЭРИ калитидан фойдаланган ҳолда рўйхатдан ўтади ва дастурий маҳсулотлари варақасининг электрон шаклини тўлдиради.<br>“ai.gov.uz” миллий портали орқали техник топшириқларни келишиш ва экспертизадан ўтказиш учун Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги ва экспертизадан ўтказувчи ташкилотларга юборади. | Заруратга кўра |
| **2-босқич** | Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги ва экспертизадан ўтказувчи ташкилотлар | Техник топшириқларни экспертизадан ўтказади ҳамда тегишли хулосаларни операторга ва тадбиркорлик субъектига тақдим этади. | 15 иш куни |
| **3-босқич** | Оператор | Тадбиркорлик субъекти, Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги ҳамда экспертизадан ўтказувчи ташкилотлар томонидан тақдим этилган маълумотларни текширади, кейинчалик уларни Эксперт комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим этади. | 3 иш куни |
| **4-босқич** | Эксперт комиссияси | 1. Оператор томонидан тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилади.<br>2. Тадбиркорлик субъекти ва унинг дастурий маҳсулотларини ягона реестрга киритиш ёки рад қилиш бўйича хулоса тақдим этади. | 10 иш куни |
| **5-босқич** | Оператор | Тадбиркорлик субъекти ва унинг дастурий маҳсулотлари варақаларини ягона реестрда эълон қилиш билан бир вақтда ушбу маълумотларни давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталига реал вақт режимида юборади. | 3 иш куни |

QMMB: 09/26/510/0964-son
23.09.2026-y.



Давлат харидларини “таклиф сўрови” асосида амалга оширишга рухсат этилган тадбиркорлик субъектларининг сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимлари (дастурий маҳсулотлар) реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

## Сунъий интеллект соҳасидаги тадбиркорлик субъектларининг ва уларнинг сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимлари (дастурий маҳсулотлар) варақаси

| Т/р | Кўрсаткич номи | Тавсиф |
|---|---|---|
| Registry ID ____ | | |
| **I. Тадбиркорлик субъекти ҳақида умумий маълумотлар** | | |
| 1. | Тадбиркорлик субъекти номи ва унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли *(МЧЖ, АЖ ва бошқалар)* | |
| 2. | Фаолият йўналиши ва ваколатлари бўйича қисқача тавсиф | |
| 3. | Юридик манзили | |
| 4. | СТИР | |
| 5. | Алоқа маълумотлари: *(телефон, электрон почта, веб-сайт)* | |
| 6. | Раҳбар/масъул шахс | |
| 7. | Субъект ҳолати: *(Фаол/Тўхтатилган)* | |
| **II. Бенефициарлар ва мулкдорлар ҳақида маълумот**** | | |
| 8. | Якуний бенефициар мулкдорлар (мавжуд бўлган тақдирда), мулк ва бошқарув тузилмаси, шунингдек, аффилланган шахслар тўғрисидаги маълумотлар | |
| 9. | Молиявий барқарорлик ва шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш имкониятини тасдиқловчи маълумотлар | |
| **III. Тадбиркорлик субъектининг сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимлари (дастурий маҳсулотлар)** *(Ҳар бир сунъий интеллект ечими учун алоҳида варақа тўлдирилади)* | | |
| 10. | Дастурий маҳсулотлар номи | |
| 11. | Дастурий маҳсулотларнинг қисқача тавсифи | |
| 12. | Дастурий маҳсулотлар тури *(масалан, табиий тилни қайта ишлаш, компьютер кўриш, башоратли таҳлил, жараёнларни роботлаштириш ва бошқалар)* | |
| 13. | Дастурий маҳсулотлар версияси | |
| 14. | Мақсади, вазифалари ва қўлланиш доираси | |

QMMB: 09/26/510/0964-son
23.09.2026-y.



| Т/р | Кўрсаткич номи | Тавсиф |
|---|---|---|
| 15. | Ҳаётий цикл босқичи *(Яратиш/Фойдаланиш/Такомиллаштириш/Фойдаланишдан чиқариш)* | |
| 16. | Техник хусусиятлари ва архитектураси | |
| 17. | Фойдаланиладиган маълумотлар ва манбалар | |
| 18. | Лицензиялар ва интеллектуал мулк ҳуқуқларининг мавжудлиги | |
| 19. | Дастурий маҳсулотларнинг жорий этилгани | |
| **IV. Иловалар** | | |
| 20. | Дастурий маҳсулотларнинг тақдимоти | |
| 21. | “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг техник топшириқ бўйича ижобий хулосаси | |
| 22. | “Киберхавфсизлик маркази” давлат муассасасининг техник топшириқ бўйича ижобий хулосаси | |
| 23. | Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг техник топшириқ бўйича тақдим этган жавоби | |

*Тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг дастурий маҳсулотлари варақаларида кўрсатиладиган маълумотлар тегишли ахборот тизимларидан электрон интеграция орқали автоматик олиниши мумкин.*

*Бенефициарлар ва мулкдорлар ҳақидаги маълумотлар оператор томонидан “ai.gov.uz” миллий порталида жойлашган ягона реестрда эълон қилинмайди ҳамда ушбу маълумотлар тадбиркорлик субъектининг шахсий маълумотлари сифатида сақланади.*

QMMB: 09/26/510/0964-son
23.09.2026-y.



Давлат харидларини “таклиф сўрови” асосида амалга оширишга рухсат этилган тадбиркорлик субъектларининг сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимлари (дастурий маҳсулотлар) реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

## Давлат харидларини “таклиф сўрови” асосида амалга оширишга рухсат этилган тадбиркорлик субъектларининг сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимлари (дастурий маҳсулотлар) реестрига киритиш учун тадбиркорлик субъектларига қўйиладиган талаблар

Тадбиркорлик субъекти қуйидаги талабларга риоя этган ҳолда ягона реестрга киритилиши мумкин.

1. Ҳуқуқий ҳолати:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтган бўлиши;

б) банкротлик ва фаолиятнинг тўхтатилиши ҳолатлари мавжуд бўлмаслиги.

2. Сунъий интеллект соҳасидаги фаолият:

а) сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимларини (дастурий маҳсулотлар) ишлаб чиқиш, интеграция қилиш, жорий этиш, қўллаб-қувватлаш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш;

б) белгиланган тоифалар ва талабларга мос келадиган бир ёки бир нечта сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимларига (дастурий маҳсулотлар) эга бўлиш;

в) сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимларининг (дастурий маҳсулотлар) техник топшириқлари, функционал тавсифи ва хусусиятлари мавжуд бўлиши.

3. Ҳуқуқий эгалик ва интеллектуал мулк:

а) модель, маълумотлар, алгоритмлар, дастурий таъминот ва сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимларининг (дастурий маҳсулотлар) бошқа компонентларидан фойдаланиш бўйича тасдиқланган ҳуқуқларнинг мавжуд бўлиши;

б) муаллифлик ҳуқуқлари, лицензия шартномалари ва бошқа ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши.

4. Сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимларининг (дастурий маҳсулотлар) техник яроқлилиги:

а) техник экспертизадан ўтган бўлиши, зарурат туғилганда хавфларни баҳолаш амалга оширилган бўлиши;

б) сифат, аниқлик, хавфсизлик ва барқарор ишлаш бўйича белгиланган талабларга мувофиқлиги;

в) сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимларини (дастурий маҳсулотлар) тестдан ўтказиш, янгилаш ва техник қўллаб-қувватлаш жараёнларининг белгиланган ва ҳужжатлаштирилган бўлиши.

5. Комплаенс ва хавфсизлик:

а) шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш ва ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилик талабларига, шунингдек, сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидаларинига риоя этилиши;

б) маълумотларни қайта ишлаш сиёсати, маълумотларни ҳимоя қилиш чораларининг мавжудлиги ҳамда рухсатсиз киришнинг олдини олиш жараёнларининг жорий этилган бўлиши.

6. Ҳужжатларга қўйиладиган талаблар:

а) тадбиркорлик субъекти белгиланган шаклдаги электрон варақани тўлдиради;

б) сунъий интеллектга асосланган ахборот тизимларининг (дастурий маҳсулотлар) техник топшириқларини ва тақдимотини (тавсифи, функционаллиги, қўлланиш соҳаси) тақдим этади;

в) дастурий таъминот, маълумотлар ва моделга бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади;

г) экспертизадан ўтказувчи ташкилотлар томонидан тақдим этилган техник топшириқлар бўйича ижобий хулосаларни ҳамда Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг мазкур техник топшириқлар бўйича жавобини тақдим этади;

д) ягона реестр оператори ва Эксперт комиссиясининг сўровига биноан бошқа ҳужжатларни тақдим этади.

7. Ҳалоллик ва молиявий барқарорлик:

а) якуний бенефициар мулкдорлар, мулкчилик ва назорат тузилмаси ҳамда аффилланган шахслар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш;

б) давлат органларига ва давлат харидлари электрон тизимига (маълумотлар мавжуд бўлганда) нотўғри маълумотлар тақдим этилгани тўғрисида тасдиқланган фактларнинг йўқлиги;

в) молиявий барқарорлик ва мажбуриятларни бажариш имкониятини тасдиқловчи ҳужжатларни (электрон шаклда) тақдим этиш, жумладан, охирги ҳисобот даври учун молиявий кўрсаткичлар (тушум/айланма) тўғрисидаги маълумотлар.

8. Идоралараро текширувларга розилик:

а) рўйхатдан ўтганлик, фаолият ҳолати, чекловларнинг мавжудлиги ва ҳалолликни текшириш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар бўйича идоралараро солиштириш ўтказилишига (қонунчилик ҳужжатларида белгиланган доирада) розилик бериши;

QMMB: 09/26/510/0964-son
23.09.2026-y.



б) тадбиркорлик субъекти ва унинг бенефициарларининг халқаро санкциялар рўйхатларида мавжуд бўлмаслиги (амалдаги текширувлар доирасида).

9. Қўшимча шарт сифатида тадбиркорлик субъекти ўзининг дастурий маҳсулотлари бўйича маълумотларни уларнинг ҳаётий циклининг барча босқичларида ўз вақтида янгилаб бориши шарт.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/513/0968-son
28.09.2026-y.

38 (1266)-son
958-modda

# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 24 » sentabr № 513 Toshkent sh.

## Пахта ва ғалла етиштиришда “янги агроном” тайёрлаш ва “устоз-шогирд” тизимларини жорий этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахтачилик ва ғаллачиликда ҳосилдорликни ошириш учун юқори самарадор интенсив агротехнологияларни қўллашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 9 декабрдаги ПҚ–370-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, талабаларнинг пахтачилик ва ғаллачилик бўйича билимларини мустаҳкамлаш, уларни касбий фаолиятга тайёрлаш даражаси ва сифатини ошириш ҳамда амалиёт ўташ даврида қўллаб-қувватлаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, юқори ҳосилдорликка эришишни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахтачилик ва ғаллачиликда ҳосилдорликни ошириш учун юқори самарадор интенсив агротехнологияларни қўллашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 9 декабрдаги ПҚ–370-сон қарорига мувофиқ 2026 йилдан бошлаб янги агротехнологиялар асосида пахта ва ғалла етиштириш кўникмасига эга бўлган “янги агроном” тайёрлаш ва “устоз-шогирд” тизимларини жорий этиш белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

**“Янги агроном” тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом** 1-иловага мувофиқ;

**“Устоз-шогирд” тизими асосида пахта етиштириш амалиётини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низом** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

устоз ва шогирд бўлган агрокластерлар ҳамда фермер хўжаликлари рўйхатини ҳар йили 10 январга қадар шакллантириб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этиб борсин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда “устоз-шогирд” тизими “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси орқали ташкил этилишини ва мониторинг қилиб борилишини таъминласин.

4. Белгилансинки, ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш харажатлари 2026 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2027 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/513/0968-son
28.09.2026-y.



Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 24 ” сентябрдаги 513-сон қарорига
1-илова

# “Янги агроном” тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва молиялаштириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом илғор агротехнологиялар асосида пахта ва ғалла етиштириш кўникмасига эга бўлган “янги агроном” тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ва қишлоқ хўжалиги соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган бошқа олий таълим ташкилотларига нисбатан татбиқ этилади.

“Янги агроном” тайёрлаш тизими асосида амалиёт ўтаётган талабалар Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 8 январдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим ташкилотлари талабаларининг иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида ҳақ тўланадиган ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган ҳақ тўланадиган ишлаб чиқариш амалиётида ҳам иштирок этиши мумкин.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**талаба** – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ва қишлоқ хўжалиги соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган бошқа олий таълим ташкилотларида қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат соҳалари бўйича таҳсил олаётган талабалар;

**“устоз”** – ўтган ҳосил йилларида гектарига пахтадан **60 центнер** ва ғалладан **100 центнер**дан юқори ҳосил олиб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига қишлоқ хўжалиги соҳасидаги олий таълим ташкилотлари талабаларига устозлик қилиш ташаббусини билдирган тажрибали ва илғор агрокластерлар ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари;

**“янги агроном”** – қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларида илғор агротехнологиялар асосида пахта ва ғалла етиштириш бўйича назарий ва амалий билимларни “устоз-шогирд” тамойилига асосланган амалиёт билан боғланган ҳолда эгаллаган мутахассис.

## 2-боб. Пахта ва ғалла етиштириш учун “янги агроном” тайёрлаш тизимини ташкил этишнинг мақсади ва вазифалари

4. “Янги агроном” тайёрлаш тизимининг мақсади қишлоқ хўжалиги соҳасини барқарор ривожлантириш учун агроном мутахассисларга илғор агротехнологиялардан, жумладан, сувни тежайдиган суғориш технологиялари, замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари ҳамда учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланган ҳолда пахта ва ғалла етиштиришни ўргатишдан иборат.

5. “Янги агроном” тайёрлаш тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

илғор агротехнологиялар асосида пахта ва ғалла етиштириш бўйича амалий кўникмалар билан биргаликда назарий билим бериш;

ўсимлик ва тупроқ биологиясини, тупроқ унумдорлигини баҳолашни, ўсимликлар физиологияси ва экинлар агротехникасини ҳамда агрокимё ва ўғитлаш тизимларини тўғри қўллашни чуқур ўргатиш;

агрокластерлар ва фермер хўжаликларининг экин майдонларида агротехника тадбирларини ўтказиш, жумладан, сувни тежайдиган суғориш технологиялари ва замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини бошқариш ҳамда учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиш усулларини ўргатиш;

экологик барқарорлик ва агро-экология тамойилларини сингдириш, ер ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришига мослашиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва барқарор қишлоқ хўжалиги тизимларини яратиш бўйича билимлар бериш.

6. “Янги агроном” тайёрлаш тизими ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схемада амалга оширилади.

## 3-боб. Махсус комиссия фаолиятини ташкил этиш

7. “Янги агроном” тайёрлаш тизимини ташкил этиш, талабалар ўртасида танлов ўтказиш ва ушбу жараёнларни мувофиқлаштириш бўйича махсус комиссия (кейинги ўринларда – махсус комиссия) танлов ўтказилишидан бир ой олдин тузилади ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

Махсус комиссиянинг таркиби камида 7 нафар (тоқ сонли) аъзолардан иборат бўлиб, унинг таркибига энг юқори ҳосилдорликка эришган “устоз” агрокластерлар ва фермер хўжаликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тизимидаги олий таълим ташкилотларининг раҳбар-ходимлари киритилади.

Махсус комиссия аъзолигига танлашда қуйидаги номзодларга устуворлик берилади:

ўз йўналишида камида 2 йиллик меҳнат стажига эга;

олий маълумотга эга;

хорижий тажрибаси мавжуд;

илмий даражаси мавжуд;

сўнгги 5 йилда соҳада ютуқларга эришгани.

Бунда “устоз” агрокластер ва фермер хўжаликлари раҳбар-ходимларининг сони махсус комиссия аъзоларининг умумий сонида кўпчиликни ташкил қилиши керак.

Махсус комиссия раиси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ёки унинг тизимидаги олий таълим ташкилотининг раҳбар-ходими бўлади.

## 4-боб. Талабалар ўртасида танловлар ташкил этиш ва ўтказиш

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳар йили январь ойида устозлик қилиш ташаббусини билдирган тажрибали ва илғор агрокластерлар ва фермер хўжаликлари рўйхатини шакллантиради.

9. “Янги агроном” тайёрлаш тизими асосида ўқиш амалиётига Тошкент давлат аграр университети ва қишлоқ хўжалиги соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган бошқа олий таълим ташкилотларининг мос таълим йўналишларида таҳсил олаётган 2 ва 3-босқич талабалари ўртасида танловлар олий таълим ташкилотларида ҳар йили камида бир маротаба ўтказилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан “янги агроном” тайёрлаш тизимида ўқиш бўйича танловларни ташкил этиш учун ҳар йили январь-февраль ойларида ҳудудлар, соҳалар ва олий таълим ташкилотлари кесимида ўринлар ажратилади ҳамда танлов тўғрисида ўзининг веб-сайтида эълон беради.

11. Танловларда иштирок этиш учун талабалар 2 ва 3-босқичда таҳсил олаётган бўлиши ҳамда талабаларнинг таълим йўналишлари (ёки мутахассислиги) “устоз” агрокластер ва фермер хўжалиги фаолият йўналишига мос бўлиши талаб этилади.

Талабалар танловда иштирок этиш учун танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой ичида ўзи таҳсил олаётган олий таълим ташкилотига аризани тегишли ҳужжатлар билан бирга почта алоқа воситалари орқали ёки электрон шаклда тақдим этади.

Олий таълим ташкилоти танловда иштирок этиш учун ариза берган талабалар тўғрисидаги маълумотларни ариза тақдим этилган кундан сўнг 5 иш куни ичида йўлланма хат билан махсус комиссияга тақдим этади.

Махсус комиссия йўлланма хат билан тақдим этилган аризаларни 5 иш куни ичида кўриб чиқади, суҳбат жараёнини ташкил этади.

12. Талабалар “устоз” агрокластер ва фермер хўжаликлари томонидан махсус комиссия ўтказган суҳбат асосида қабул қилинади.

Суҳбат саволлари умумагрономик фанлар, шу жумладан, пахта ва ғалла етиштиришдаги янги инновацион технологиялар, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалана олиш ва хорижий тилларни билиш даражаси, шунингдек, талабаларнинг агроном касбига, республикамиз қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётини ривожлантиришга қизиқиши бўйича тузилади.

Суҳбат офлайн ва онлайн шаклда ўтказилади ҳамда жараён видеоматериал шаклида ёзиб олинади.

Суҳбат натижалари 5 баҳолик тизимда, яъни “5” (аъло), “4” (яхши), “3” (қониқарли) ва “2” (қониқарсиз) баҳолари билан баҳоланади. Бунда махсус комиссия аъзолари томонидан қўйилган баҳолар жамланиб, ўртача кўрсаткич аниқланади.

Суҳбатда қатнашмаган талабага суҳбат қайдномасида “қатнашмади” деб ёзилади.

Суҳбат натижалари (яхши ва аъло баҳолар) ва ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари (академик транскрипт) юқори (GPA 3,5) бўлган талабаларга устуворлик берилади.

13. Махсус комиссия танлов асосида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган иқтидорли талабаларни танлаб олади ва танлов натижаларидан сўнг 20 иш куни ичида уларни “устоз” агрокластерлар ва фермер хўжаликларига бириктириш бўйича якуний қарорни қабул қилади.

14. Махсус комиссия йиғилишида қабул қилинган якуний қарор баённома билан расмийлаштирилади. Баённома махсус комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади ва тасдиқланади.

15. Суҳбат натижаларидан норози бўлган талабалар натижалар эълон қилинган кундан эътиборан 24 соат мобайнида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тузиладиган апелляция комиссиясига (кейинги ўринларда – аппеляция комиссияси) шикоят қилиши мумкин.

Апелляция комиссияси томонидан шикоят келиб тушган вақтдан эътиборан ушбу низомнинг 14-бандига кўра 3 иш куни ичида кўриб чиқилади ва хулоса тақдим этилади.

Бунда шикоятда келтирилган эътирозлар суҳбат ёзиб олинган видеоматериал ва махсус комиссия баённомаси асосида кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш натижаларига кўра тақдим этиладиган хулосада эътироз тасдиқлангани ёки эътироз тасдиғини топмагани тўғрисида қарор қабул қилинади.

16. Апелляция комиссияси томонидан шикоятлар қуйидаги тартибда кўриб чиқилади:

танловни ўтказиш тартиби ва ушбу Низом талабларига риоя этилгани;

баҳолаш мезонлари барча танлов иштирокчиларига бир хил қўлланилгани;

танлов иштирокчиларига экспертлар (баҳоловчилар) томонидан танлов иштирокчиларга қўйилган балларнинг баҳолаш мезонларига мувофиқлиги;

танлов иштирокчилари бўйича ҳисоб-китобларда техник ёки арифметик хатолар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

танлов материаллари, баҳолаш варақалари, баённомалар ҳамда бошқа тегишли ҳужжатлар мавжудлиги;

шикоят этувчи томонидан тақдим этилган далиллар ва асосларнинг мавжудлиги.

17. Апелляция комиссияси томонидан шикоятлар юзасидан қуйидаги тартибда қарор қабул қилинади:

шикоятни қаноатлантириш ва танлов натижаларига тегишли ўзгартиришлар киритиш;

шикоятни қисман қаноатлантириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ёки танлов натижаларини қайта ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

шикотни рад этиш ва танлов натижаларини ўзгаришсиз қолдириш;

танлов иштирокчиларини баҳолаш жараёнида ушбу Низом талаблари бузилгани аниқланган тақдирда, тегишли босқични ёки танлов натижаларини тўлиқ ёки қисман қайта кўриб чиқиш.

Юқоридагиларга мувофиқ апелляция комиссияси томонидан шикоятларни қаноатлантириш ёки рад этиш бўйича қарорлар қабул қилинади.

## 5-боб. “Янги агроном” тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш

18. “Янги агроном” тайёрлаш тизимида ўқиш муддати ва жойи, масъул шахслар, амалиёт ўтайдиган талабалар рўйхати олий таълим ташкилотларининг ректорлари (филиал директорлари) буйруғи билан тасдиқланади.

Бунда олий таълим ташкилотларининг ўқув жараёни жадвалида талабалар ўқув йилининг май-июль ойларида ишлаб чиқариш амалиётига ва сентябрь-октябрь ойларида малака амалиётига юборилиши ҳисобга олинади.

19. “Янги агроном” тайёрлаш тизими бўйича ўқиш давомида талабаларга етарли билим ва кўникмаларни шакллантириш мақсадида иш жойини ўзгартиришга рухсат этилади.

20. Олий таълим ташкилотлари ректорлари (филиал директорлари) “устоз” агрокластерлар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари билан биргаликда ўзаро келишилган чора-тадбирлар дастури бўйича “янги агроном” тайёрлаш тизими асосида амалиётга чиқарилган талабаларнинг хавфсизлигини таъминлайди.

21. “Янги агроном” тайёрлаш тизими асосида амалиётга чиқарилган талабаларга “устоз” агрокластерлар ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг тегишли тартибда меҳнатни муҳофаза қилиш ва ички меҳнат тартиби қоидалари, шунингдек, амалда бўлган бошқа ҳужжатлар татбиқ қилинади.

22. “Янги агроном” тайёрлаш тизими асосида танлаб олинган иқтидорли талабаларга “устоз” агрокластерлар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан мавсум давомида илғор агротехнологиялар асосида пахта ва ғалла етиштириш ҳамда экин майдонларида агротехника тадбирларини ўтказиш, шу жумладан, сувни тежайдиган суғориш технологияларини ва замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини бошқариш, учувчисиз учадиган аппаратларидан фойдаланиш усуллари ўргатиб борилади.

23. “Янги агроном” тайёрлаш тизими асосида амалиётини аъло баҳолар билан тамомлаган талабалар махсус комиссия томонидан сараланиб, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш мақсадида хорижий давлатларга тажриба ошириш учун юборилади.

Саралаш жараёни талабанинг амалиёт натижалари, ўзлаштириш кўрсаткичлари, касбий билим ва кўникмалари, чет тилини билиш даражаси, интизоми, инновацион ва илмий фаоллик кўрсаткичлари ҳамда хорижда орттирилган билим ва тажрибани республикада жорий этиш бўйича тақдим этилган режа асосида амалга оширилади.

Махсус комиссия танлов натижаларига кўра энг юқори балл тўплаган талабаларни илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш мақсадида хорижий давлатларга тажриба ошириш учун юбориш тўғрисида қарор қабул қилади.

24. “Устоз” агрокластерлар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари танлаб олинган талабаларнинг ишлаб чиқаришдаги фаолияти бўйича маслаҳатлар беради ҳамда иш натижаларини мунтазам равишда баҳолаб боради.

25. Талабаларга “янги агроном” тизими асосида ўқиш ва амалиёт ўташ дастурига тааллуқли зарур материаллардан фойдаланишга шароит яратилади ҳамда зарур маслаҳатлар ва кўрсатмалар берилади.

26. “Устоз” агрокластерлар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари олий таълим ташкилотлари (тегишлилиги бўйича кафедра, факультет, бўлим) билан ҳамкорликда машғулотлар якуни бўйича талабаларнинг олган билимини суҳбат шаклида 100 балли мезон бўйича қуйидагича баҳолайди: 0-54 балл – ўтмади (маълумотнома берилади); 55-100 балл – ўтди (сертификат берилади).

27. Талабаларнинг олган амалий билимларини холисона баҳолаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда, олий таълим ташкилотлари ректорлари (филиал директорлари) буйруғи билан аттестация комиссияси тузилади ва унинг аъзолари таркибига “устоз” агрокластерлар ва фермер хўжаликлари вакиллари ҳам киритилади (таркиб тоқ сонда ва камида беш нафар аъзодан иборат бўлади).

## 6-боб. “Янги агроном” тайёрлаш тизимини молиялаштириш

28. “Янги агроном” тайёрлаш тизими бўйича тадбирлар 2026 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ажратиладиган маблағлар, 2027 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлар доирасида марказлаштирилган тартибда режалаштириш орқали молиялаштирилади.

Бунда ушбу мақсад учун ажратилган маблағлар қишлоқ хўжалиги соҳасидаги олий таълим ташкилотларининг тегишли сўровномасига мувофиқ уларнинг ҳисобварақларига ўтказиб берилади.

29. “Янги агроном” тайёрлаш тизими бўйича тўловлар олий таълим ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Бу учун олий таълим ташкилоти, “устоз” агрокластер ва фермер хўжаликлари ҳамда талаба ўртасида номуайян муддатга уч томонлама шартнома тузилади.

“Устоз” агрокластерлар ва фермер хўжаликларига “янги агроном” тайёрлаш тизими доирасида ҳар бир талабага устозлик қилиш учун йилига 5 млн сўм миқдорида тўловлар тўланади.

“Янги агроном” тайёрлаш тизими доирасида ҳар бир талабага жорий (кунлик) харажатлар учун ойига 1,5 млн сўм миқдоридаги маблағ талабанинг пластик картасига ҳар ойнинг 5-санасига қадар ўтказиб берилади.

“Устоз” агрокластерлар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан “янги агроном” тайёрлаш тизими бўйича уч томонлама шартномага мувофиқ амалиёт ўтаётган талабага ишлаб чиқаришдаги фаолияти учун иш ҳақи тўлаб берилади.

“Янги агроном” тайёрлаш тизими асосида ўқишни тамомлаган битирувчилар туманлар (Қувасой шаҳар) ҳокимликлари тавсиясига асосан қишлоқ хўжалиги бўлимларига ишга қабул қилинади ва уларга 3 йил давомида қўшимча рағбатлантириш турини жорий этиш орқали 2 минг АҚШ доллари эквиваленти миқдорида кафолатли ойлик иш ҳақи тўлаб берилади ҳамда уларнинг зиммасига тегишли ҳудудда пахтачилик ва ғаллачиликда юқори ҳосилдорликка эришиш бўйича амалий чораларни кўриш вазифаси юкланади.

“Янги агроном” тайёрлаш тизими доирасида ҳар бир талабанинг жорий харажатлари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган иқтидорли талабаларни танлаб олиш бўйича ўтказилган танлов натижалари юзасидан махсус комиссиянинг якуний қарори қабул қилингандан сўнг 15 иш куни ичида бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади.

QMMB: 09/26/513/0968-son
28.09.2026-y.



“Устоз” агрокластерлар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ўзига бириктирилган талабанинг фаолияти самарадорлигига қараб, ўз маблағлари ҳисобидан қўшимча равишда рағбатлантириб бориши мумкин.

30. “Устоз” агрокластерлар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда олий таълим ташкилотлари томонидан аттестация комиссиясининг хулосаси асосида “янги агроном” тайёрлаш тизими бўйича машғулот талабларини бажарган ва имтиҳон (онлайн ёки офлайн суҳбат, тестдан ўтган) натижасидан ўтган талабаларга ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сертификат ва имтиҳондан ўтолмаган талабаларга ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги маълумотнома берилади.

31. Туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимларига ишга жалб қилинмаган ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган битирувчиларнинг хоҳишига кўра уларга пахта ва ғалла етиштириш учун 100 гектаргача ер участкаси электрон онлайн-аукцион савдолари орқали ажратилади.

## 7-боб. Якунловчи қоидалар

32. “Янги агроном” тайёрлаш тизими доирасида бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши, шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юкланади.

33. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/513/0968-son
28.09.2026-y.



“Янги агроном” тайёрлаш тизимини
ташкил этиш ва молиялаштириш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

## “Янги агроном” тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва молиялаштириш СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Амалга ошириладиган тадбирлар | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги | “Янги агроном” тайёрлаш тизимини ташкил этиш, талабалар ўртасида танлов ўтказиш ҳамда ушбу жараёнларни мувофиқлаштириш бўйича махсус комиссияни (кейинги ўринларда – махсус комиссия) тузади. | Танлов ўтказилишидан камида бир ой олдин |
| 2-босқич | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги | Ҳудудлар, соҳалар, олий таълим ташкилотлари кесимида “янги агроном” тизими учун ўринлар ажратади ҳамда танлов тўғрисида веб-сайтда эълон беради. | Ҳар йили январь-февраль ойларида |
| 3-босқич | Талаба | Танловда иштирок этиш учун ўзи таҳсил олаётган олий таълим ташкилотига аризани тегишли ҳужжатлар билан бирга почта алоқа воситалари орқали ёки электрон шаклда тақдим этади. | Танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой ичида |
| 4-босқич | Олий таълим ташкилоти | Танловда иштирок этиш учун ариза берган талабалар тўғрисидаги маълумотларни йўлланма хати билан махсус комиссияга тақдим этади. | Ариза тақдим этилгандан сўнг 5 иш куни ичида |
| 5-босқич | Махсус комиссия | Йўлланма хат билан тақдим этилган аризаларни кўриб чиқади, суҳбат жараёнини ташкил этади. | Ариза келиб тушган кундан бошлаб 5 иш куни ичида |
| 6-босқич | Махсус комиссия | Танлаб олинган талабаларни агрокластер ва фермер хўжаликларига бириктириш бўйича якуний қарорни қабул қилади. | Танлов натижаларидан сўнг 20 иш куни ичида |
| 7-босқич | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги | Ушбу Низомга кўра “устоз” агрокластерлар ёки фермер хўжаликлари раҳбарларига йиллик ҳамда ҳар бир талабага ойлик тўловлари тўланишини таъминлайди. | Низомда белгиланган муддатда |

QMMB: 09/26/513/0968-son
28.09.2026-y.



“Янги агроном” тайёрлаш тизимини
ташкил этиш ва молиялаштириш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

НАМУНА

(Ўзбекистон Республикаси Давлат герби)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ**
**ВАЗИРЛИГИ**

**Талабаларнинг “янги агроном” тайёрлаш тизими бўйича амалиётни муваффақиятли тамомлагани тўғрисида**

**СЕРТИФИКАТ**

**АА № 0000000**

20__йил “__” _____ _____
(берилган жойи)

_____ нинг талабаси
(олий таълим ташкилотининг номи)

_____
(талабанинг фамилияси, исми, отасининг исми)

20__йил _____дан 20___йил _____гача
_____ да
(“устоз” агрокластер / фермер хўжалиги номи)

“Янги агроном” тайёрлаш тизими бўйича жами _____ соатга мўлжалланган амалиётни муваффақиятли тамомлади.

Муҳр ўрни

Ректор _____ Ф.И.О.
Сана _____ Қайд рақами_____

Муҳр ўрни

Агрокластер (фермер хўжалиги) раҳбари _____ Ф.И.О.
Сана _____ Қайд рақами_____

“Янги агроном” тайёрлаш тизимини
ташкил этиш ва молиялаштириш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

НАМУНА

(Ўзбекистон Республикаси Давлат герби)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ**
**ВАЗИРЛИГИ**

**Талабаларнинг “янги агроном” тайёрлаш тизими бўйича машғулотларда қатнашгани тўғрисида**

**МАЪЛУМОТНОМА**

**АБ № 0000000**

20__йил “__” _____ _____
(берилган жойи)

_____ нинг талабаси
(олий таълим ташкилотининг номи)

_____
(талабанинг фамилияси, исми, отасининг исми)

20__йил _____дан 20___йил _____гача

_____ да
(“устоз” агрокластер / фермер хўжалиги номи)

“Янги агроном” тайёрлаш тизими бўйича жами _____ соатга мўлжалланган амалиётда қатнашди.

Муҳр ўрни

Ректор _____ Ф.И.О.
Сана _____ Қайд рақами_____

Муҳр ўрни

Агрокластер (фермер хўжалиги) раҳбари _____ Ф.И.О.
Сана _____ Қайд рақами_____

QMMB: 09/26/513/0968-son
28.09.2026-y.



Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 24 ” сентябрдаги 513-сон қарорига
2-илова

**“Устоз-шогирд” тизими асосида пахта етиштириш амалиётини жорий этиш тартиби тўғрисида**

# НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом пахта етиштиришда “устоз-шогирд” тизимини оммалаштириш ҳамда пахтачиликда юқори натижаларга эришган агрокластер ва фермер хўжаликларини рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Агропортал** – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси;

**назоратчилар** – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда бошқа идораларнинг ҳудудий ва туман бўлимларида фаолият юритувчи масъул ходимлари;

**“устоз”** – ўтган ҳосил йилларида пахтадан гектарига 50-60 центнердан юқори ҳосил олиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига гектаридан 30 центнердан паст ҳосил олган фермер хўжаликларига устозлик қилиш ташаббусини билдирган тажрибали агрокластерлар ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари;

**“шогирд”** – ўтган ҳосил йилларида пахтадан гектарига 30 центнердан паст ҳосил олган фермер хўжаликлари раҳбарлари;

**ғўза (пахта)нинг вегетация даври** – уруғнинг униши (ниҳол чиқиши), ниҳол фазаси (кўчат даври), шона чиқариш фазаси, гуллаш, кўсак тугиш ва ривожланиш фазаси, кўсакнинг очилиши (пишиш фазаси) ва тўлиқ пишиш ва ҳосил йиғиш фазалари.

3. “Устоз-шогирд” тизими доирасида амалга ошириладиган ишлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси (кейинги ўринларда – Агропортал) орқали назорат қилинади.

## 2-боб. “Устоз” ва “шогирд” сифатида агрокластер ва фермер хўжаликлари рўйхатини шакллантириш

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари (ёки туманлар ҳокимликлари) ҳар йили 31 декабрга қадар пахтадан гектаридан 50-60 центнердан юқори ҳосил олган илғор агрокластерлар ва фермер хўжаликларига “устоз-шогирд” тизимида “устоз” сифатида танловда қатнашиши учун хат билан таклиф юборади.

5. Илғор агрокластерлар ва фермер хўжаликлари 5 кун ичида “устоз-шогирд” тизимида “устоз” сифатида танловда қатнашиш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига (ёки туманлар ҳокимликларига) мурожаат қилади.

6. “Устоз” сифатида қуйидагилар танлов асосида танлаб олинади:

а) ўтган ҳосил йилларида пахтадан гектарига 50-60 центнердан юқори ҳосил олган агрокластер ёки фермер хўжаликлари;

б) устозлик қилиш бўйича ёзма ташаббус билдирган агрокластер ёки фермер хўжаликлари;

в) пахта етиштиришда агротехника тадбирларини яхши ўзлаштирган тажрибали ва илғор агрокластер ёки фермер хўжаликлари.

7. Пахта етиштиришда агротехника тадбирларини яхши ўзлаштирганлик қуйидаги мезонлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари (ёки туман ҳокимликлари) томонидан аниқланади:

агротехника тадбирларининг белгиланган муддатларда ва тўлиқ ҳажмда бажарилгани;

уруғ экиш, суғориш, озиқлантириш, культивация, ҳимоя тадбирлари ҳамда терим ишларининг агротехнологик талабларга мувофиқ ташкил этилгани;

дала кузатувлари ва мониторинг натижаларининг тегишли электрон ахборот тизимлари маълумотлари билан тасдиқлангани;

охирги уч ҳосил йилида агротехника қоидаларини қўпол равишда бузиш ҳолатлари аниқланмагани ҳамда пахта ҳосилдорлиги ва сифати бўйича барқарор юқори натижаларга эришилгани.

8. Ушбу Низомнинг 7-бандида келтирилган мезонларга агрокластерлар ва фермер хўжаликлари мувофиқлиги ҳудудий танлов комиссияси томонидан дала кўриклари, ваколатли ташкилотлар хулосалари ҳамда тақдим этилган ҳужжатлар асосида баҳоланади ва танлов комиссияси баённомаси билан расмийлаштирилади.

9. “Устоз” сифатида иштирок этиш истагини билдирган агрокластер ва фермер хўжаликлари сони белгиланган эҳтиёждан ортиқ бўлган тақдирда, улар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари (ёки туманлар ҳокимликлари) томонидан рейтинг асосида саралаб олинади.

Бунда қуйидаги мезонларга устуворлик берилади:

сўнгги уч ҳосил йилида пахта ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифати бўйича барқарор юқори кўрсаткичларга эришилгани;

пахта етиштириш агротехнологияларига тўлиқ риоя этгани ҳамда агротехника тадбирлари белгиланган муддатларда сифатли бажарилгани;

замонавий агротехнологиялар, ресурс тежайдиган ва рақамли технологияларни амалиётга жорий этилгани;

малакали мутахассисларга ва моддий-техник базага эгалиги;

ёш мутахассислар ва талабаларга амалий кўникмалар бериш учун зарур шарт-шароитларни яратилгани.

10. Белгиланган муддатда “устоз” сифатида иштирок этиш бўйича ташаббус келиб тушмаган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари (ёки туманлар ҳокимликлари) ушбу Низомнинг 6-9-бандларида назарда тутилган мезонларга жавоб берадиган агрокластер ва фермер хўжаликлари орасидан уларнинг розилиги асосида “устоз” сифатида иштирок этиш учун номзодларни тавсия этади.

11. Саралаш натижалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари (ёки туманлар ҳокимликлари) баённомаси билан расмийлаштирилади ҳамда тасдиқланган рўйхат асосида “устоз” агрокластер ва фермер хўжаликлари белгиланади.

12. “Устоз” сифатида танлаб олинган ҳар бир агрокластер ёки фермер хўжалигига пахта ҳосилдорлиги 30 центнердан паст бўлган 20 тагача фермер хўжаликлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари (ёки туманлар ҳокимликлари) томонидан “шогирд” сифатида бириктирилади.

13. “Устоз” ҳамда “шогирд” агрокластерлар ва фермер хўжаликлари рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклдаги реестрга киритилади ҳамда ҳар йили 10 январга қадар тасдиқланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этилади.

14. Ҳудудларда пахтадан гектарига 50-60 центнердан юқори ҳосил олган агрокластер ёки фермер хўжаликлари мавжуд бўлмаганда, бошқа ҳудуддан юқори ҳосилдорлик кўрсаткичларига эришган агрокластер ёки фермер хўжаликлари “устоз” сифатида жалб этилиши мумкин.

15. “Устоз-шогирд” тизимида қишлоқ хўжалиги субъектлари ихтиёрий равишда иштирок этиши мумкин.

## 3-боб. “Устоз” агрокластер ва фермер хўжаликларига “шогирд” фермер хўжаликларини бириктириш ҳамда уларни хабардор қилиш

16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ҳар бир “устоз” ҳамда “шогирд” агрокластер ва фермер хўжаликларини расмий хат билан хабардор қилади.

Хатда қуйидагилар кўрсатилади:

“устоз” агрокластер ёки фермер хўжалиги раҳбарининг Ф.И.О., хўжалик номи ва жойлашган жойи;

“шогирд” фермер хўжалиги раҳбарининг Ф.И.О., хўжалик номи ва жойлашган жойи;

бириктирилган муддат (мавсум);

масъул органнинг имзоси ва штампи.

17. “Устоз” агрокластер ва фермер хўжаликларига бириктириладиган “шогирд” фермер хўжаликларининг пахта етиштирадиган ер участкасининг ҳудудий масофаси яқинлиги, тупроқ ва иқлим шароитининг ўхшашлиги ҳисобга олинади.

## 4-боб. “Устоз” ҳамда “шогирд” агрокластер ва фермер хўжаликларининг ўзаро ҳамкорлиги

18. “Устоз” сифатида танлаб олинган агрокластер ва фермер хўжаликлари қуйидаги вазифаларни бажаради:

а) ҳар бир вегетация даврида камида бир маротаба “шогирд” фермер хўжалигига ташриф буюриш ва амалий кўрсатмалар бериш;

б) “шогирд” фермер хўжалигига ҳудудга мос ғўза навини тўғри танлаш ва уруғлик чигитни экиш муддатлари юзасидан амалий кўрсатмалар ва маслаҳатлар бериш;

в) далада амалий машғулот ўтказиб, “шогирд” фермер хўжалигининг билим ва кўникмасини ошириш;

г) агротехника тадбирлари ҳамда касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш ишларини тўғри ташкил этилишини назорат қилиш ва тавсиялар бериб бориш;

д) пахта ҳосилдорлигини ошириш бўйича тавсиялар бериш.

19. “Шогирд” фермер хўжалиги томонидан пахта майдонларида қуйидаги агротехника тадбирлари ўтказилади:

а) ерни экишга тайёрлаш;

б) ғўза навини танлаш, уруғлик чигитни экиш ва ниҳолларни яганалаш;

в) ғўза қатор ораларига ишлов бериш;

г) касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш;

д) ғўзани минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириш;

е) ғўза майдонларини суғориш;

ж) ғўзани чилпиш;

з) дефолиация ва десикация қилиш;

и) пахта ҳосилини сифатли йиғиб олиш;

к) бошқа агротехника тадбирларини ўтказиш.

20. “Устоз” ҳамда “шогирд” агрокластер ва фермер хўжаликларининг ҳамкорлиги қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилинади:

а) томонлардан бирининг асослантирилган мурожаатига кўра (вегетация даври бошланишидан камида 15 кун олдин);

б) субъектлар тугатилганда ёки уларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи бекор қилинганда;

в) ушбу Низомнинг 18 ва 19-бандларида юкланган мажбуриятлар узрли сабабларсиз бажарилмагани Агропорталда аниқланганда.

21. “Устоз” ҳамда “шогирд” агрокластер ва фермер хўжаликларининг ҳамкорлигини бекор қилиш бўйича мурожаатлар тегишли маҳаллий ҳокимликлар томонидан 3 иш кунида кўриб чиқилиб, “шогирд” фермер хўжалигига 3 кун муддатда янги “устоз” агрокластер ва фермер хўжалиги бириктирилади.

## 5-боб. Агропортал орқали мониторинг қилиш

22. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан “устоз-шогирд” тизими назоратчилари (кейинги ўринларда – назоратчилар) рўйхати ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ тартибда шакллантирилади.

23. “Устоз” агрокластер ва фермер хўжаликлари назоратчилар билан биргаликда бириктирилган “шогирд” фермер хўжаликларининг пахта майдонларида ғўзанинг ҳар бир вегетация даври ҳолатини атрофлича таҳлил қилади, таҳлил натижаларига асосан “шогирд” фермер хўжаликларига ўтказилиши зарур бўлган тадбирларни белгилаб беради ҳамда назоратчилар ўзининг шахсий кабинети орқали ғўза парваришида амалга оширилган ишлар, агротехника тадбирлари ўтказилиши ва кўрсатмаларнинг бажарилиши бўйича маълумотларни (фото, видео) Агропорталга жойлаштириб боради.

24. Агропорталда қуйидаги маълумотлар доимий равишда янгилаб борилади:

а) ўтказилган агротехника тадбирлари;

б) “шогирд” фермер хўжалиги томонидан тавсияларнинг бажарилиши;

в) ғўзанинг ривожланиш ҳолати;

г) кутилаётган ҳосилдорлик кўрсаткичлари.

25. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Агропорталга маълумотларнинг тўғри ва ҳаққоний киритилишини таъминлайди ҳамда “устоз-шогирд” тизими доирасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ахборот тақдим этади.

26. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Агросаноатни рақамлаштириш маркази” масъулияти чекланган жамияти Агропорталга киритилаётган маълумотларни доимий мониторинг қилади, тизимдан самарали фойдаланиш бўйича тезкор техник амалий ёрдам кўрсатиб, тизимдан фойдаланувчиларнинг самарали фаолият юритишини таъминлайди.

## 6-боб. “Устоз” агрокластер ва фермер хўжаликларини рағбатлантириш

27. Ҳар ҳосил йили якунида “шогирд” фермер хўжалиги пахтадан гектарига 50 центнердан юқори ҳосил олган “устоз” агрокластер ёки фермер хўжаликлари ҳар бир “шогирд” фермер хўжалиги учун 5 млн сўмдан мукофот пули билан тақдирланади.

28. “Устоз” агрокластер ёки фермер хўжаликларига мукофот пуллари 2026 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ажратиладиган маблағлар, 2027 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлар доирасида марказлаштирилган тартибда режалаштириш орқали тўлаб борилади.

Ушбу мақсад учун ажратиладиган маблағлар “устоз” агрокластер ёки фермер хўжаликларининг ҳисобварақларига ўтказиб берилади.

29. Пахтадан гектарига 50 центнердан юқори ҳосил олган “шогирд” фермер хўжаликлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан биржада сотилган пахта хомашёси, электрон тарози орқали топширилган ва расмийлаштирилган ҳамда Солиқ қўмитасидан рўйхатдан ўтган электрон ҳисобварақ-фактура (ЭҲФ) асосида аниқланади.

Бунда “шогирд” фермер хўжалигининг Агропорталдаги шахсий кабинетига ЭҲФ маълумотлари Солиқ қўмитасининг ахборот тизимидан интеграция орқали олинади.

30. “Устоз-шогирд” тизими асосида мукофотланадиган “устоз” агрокластер ва фермер хўжаликлари рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан жорий ҳосил йили якуни билан ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда ҳар йили 1 декабрга қадар тасдиқланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этилади.

31. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тақдим этилган рўйхатни “Ҳосил қабули” ахборот тизими орқали таҳлил қилиб, мукофотланадиган “устоз” агрокластер ва фермер хўжаликларининг якуний рўйхатини ҳар йили 10 декабрга қадар шакллантиради ҳамда унга асосан мукофот пулларини “устоз” агрокластер ва фермер хўжаликларининг банкдаги ҳисобварағига ҳар йили 31 декабрга қадар ўтказиб беради.

QMMB: 09/26/513/0968-son
28.09.2026-y.



## 7-боб. “Устоз-шогирд” реестрини юритиш

32. “Устоз” агрокластер ва фермер хўжаликлари ҳамда уларга бириктирилган “шогирд” фермер хўжаликлари реестри Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан юритилади ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади.

33. Реестрда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

а) “устоз” ҳамда “шогирд” агрокластер ва фермер хўжаликлари номи;

б) ер участкаси ва пахта ҳосилдорлиги кўрсаткичлари;

в) ўтказилган агротехника тадбирлари.

## 8-боб. Якунловчи қоидалар

34. Ушбу Низомда назарда тутилмаган масалалар амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида ҳал этилади.

35. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

QMMB: 09/26/513/0968-son
28.09.2026-y.



“Устоз-шогирд” тизими асосида пахта
етиштириш амалиётини жорий этиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**“Устоз-шогирд” тизими асосида тажрибали ва илғор агрокластер ёки фермер хўжаликларига бириктирилган фермер хўжаликлари**

**РЕЕСТРИ**

| **Т/р** | **Туман номи** | **“Устоз” агрокластер ёки фермер хўжалиги номи** | **СТИР** | **“Шогирд” фермер хўжалиги номи** | **СТИР** | **Пахта майдони,** гектар | **Ялпи пахта ҳосили,** тонна | **Ҳосил-дорлик,** ц/га |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | | | | | |
| 2. | | | | | | | | |
| 3. | | | | | | | | |

QMMB: 09/26/513/0968-son
28.09.2026-y.



“Устоз-шогирд” тизими асосида пахта
етиштириш амалиётини жорий этиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

## “Устоз-шогирд” тизими назоратчилари РЎЙХАТИ

| Т/р | Туман номи | Ҳудуд номи | Бириктирилган назоратчи | | | | Бириктирилган “шогирд” фермер хўжаликлари номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Ф.И.О. | Иш жойи | Лавозими | Мобил телефон рақами | |
| 1. | | | | | | | |
| 2. | | | | | | | |
| 3. | | | | | | | |
| 4. | | | | | | | |
| 5. | | | | | | | |
| Жами: | | | | | | | |

QMMB: 09/26/513/0968-son
28.09.2026-y.



“Устоз-шогирд” тизими асосида пахта
етиштириш амалиётини жорий этиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**“Устоз-шогирд” тизими асосида мукофотланадиган**
**“устоз” агрокластер ва фермер хўжаликлари**
**РЎЙХАТИ**

| **Т/р** | **Туман номи** | **Мукофотланадиган “устоз” агрокластер ёки фермер хўжалиги номи** | **СТИР** | **МФО** | **Банк ҳисоб-варағи** | **“Шогирд” фермер хўжалиги номи** | **СТИР** | **Пахта майдони,** гектар | **Ялпи пахта ҳосили,** тонна | **Ҳосил-дорлик,** ц/га |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | | | | | | | |
| 2. | | | | | | | | | | |
| 3. | | | | | | | | | | |

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1




# ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 12/26/8/0966-son
25.09.2026-y.

38 (1266)-сон
959-модда

# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI KONSTITUTSIYAVIY SUDINING QARORI

## Ўзбекистон Республикаси номидан

## Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 288-моддаси иккинчи қисмининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш ҳақида

Тошкент шаҳри 2026 йил 22 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди (бундан буён матнда – Конституциявий суд) раислик қилувчи М.Абдусаломов, судьялар К.Камилов, Ж.Балкибаева, Р.Исмайлов, Ғ.Машкуров, А.Рахимов ва А.Рахмановдан иборат таркибда, бош консультант У.Гиязовнинг котиблигида, тарафларнинг вакиллари – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Ф.Эшматова, тегишли давлат органлари вакиллари ва Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг мурожаати бўйича Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 288-моддаси иккинчи қисмининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси учинчи қисмига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқди.

Конституциявий суд маърузачи судья Р.Исмайловнинг маърузасини, мурожаат этувчи тарафнинг тушунтиришларини ва тегишли давлат органлари вакилларининг ҳамда Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзоларининг фикрларини эшитиб, иш материалларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И :**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Конституциявий судга мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 288-моддаси иккинчи қисмининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси учинчи қисмига мувофиқлигини аниқлашни сўраган.

QMMB: 12/26/8/0966-son
25.09.2026-y.



Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 133-моддаси биринчи қисми 1-банди ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунининг (бундан буён матнда – Конституциявий қонун) 4-моддаси биринчи қисми 1-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг мурожаатида келтирилишича, унга келиб тушган мурожаатлар таҳлили ўрганилганда, 2025-2026 йиллар давомида ноқонуний маъмурий йўл билан қирқ саккиз соатдан ортиқ вақт ушлаб турилганлигидан норози бўлиб фуқаролардан 6 та мурожаат келиб тушганлиги, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси учинчи қисмига мувофиқ шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги, бироқ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 288-моддаси иккинчи қисмида чегара тартибини ёки Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтиш пунктларидаги тартибни бузган шахслар баённома тузиш учун уч соатгача муддатга ушлаб турилиши мумкинлиги, ҳуқуқбузарнинг шахсини ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳолларда эса – ушлаш пайтидан бошлаб йигирма тўрт соат ичида прокурорга ёзма тарзда маълум қилиб, уч суткагача ёки ҳуқуқбузарда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, прокурорнинг санкцияси билан (суднинг қарорисиз) ўн суткагача муддатга ушлаб турилиши мумкинлиги ва бундаги уч суткагача ва ўн суткагача муддатларнинг белгиланиши шахснинг эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқини бузаётганлигини ва бу қоидалар Конституция нормаларига мувофиқ эмаслигини баён этган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатлари институти бўйича хорижий давлатларнинг қонунлари ўрганилганда, Россия Федерацияси ва Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон Республикаларида маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати уч соатгача эканлиги, Тожикистонда уч соатгача (ўн суткагача узайтирилиши фақат суд қарори асосида амалга оширилиши), Францияда тўрт соатгача эканлиги, Германияда аниқ вақт кўрсатилмаганлиги (ҳибсга олинган куннинг эртасидан кечиктирилмасдан судга етказилиши лозимлиги) аниқланган.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Конституциявий суддан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 288-моддаси иккинчи қисмининг Конституцияга мувофиқлигини аниқлашни сўраган.

QMMB: 12/26/8/0966-son
25.09.2026-y.



Конституциявий суд мазкур масалани ўрганиб чиқиб ва иш материалларини таҳлил қилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 288-моддаси иккинчи қисмининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси учинчи қисмига мувофиқлигини аниқлаш лозим деган хулосага келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасининг учинчи қисмида ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилиши, шунингдек, шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги аниқ белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида ўтказилган конституциявий ислоҳотлардан кейин “Habeas corpus” принципи кучайтирилди, яъни шахсни суд қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ ушлаб туриш мумкин эмаслиги Конституция даражасида мустаҳкамланди.

Мазкур конституциявий норма “Habeas corpus” принципининг асоси бўлиб, у шахснинг озодлигини чеклашда мустақил ва холис суд назоратининг мажбурийлигини кафолатлайди, қирқ саккиз соатлик муддат шахс эркинлигини суд қарорисиз чеклашнинг мутлақ ва юқори чегараси ҳисобланади. Бу қоида шахс озодлигини чеклашнинг ҳар қандай шаклига, жумладан, маъмурий йўл билан ушлаб туриш шаклига ҳам татбиқ этилиши лозим.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ўзининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт юзасидан шарҳида суд қарорисиз ушлаб туришнинг энг мақбул муддати сифатида қирқ саккиз соат этиб белгилаган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 288-моддасининг иккинчи қисмида чегара тартибини ёки давлат чегараси орқали ўтиш пунктларидаги тартибни бузган шахслар ҳуқуқбузарнинг шахсини ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳолларда – ушлаш пайтидан бошлаб йигирма тўрт соат ичида прокурорга ёзма тарзда маълум қилиб, уч суткагача ёки ҳуқуқбузарда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, прокурорнинг санкцияси билан ўн суткагача муддатга ушлаб турилиши мумкинлиги белгиланган.

Шундай хулоса келиб чиқадики, шахс қонуннинг ушбу нормасига мувофиқ, суд қарорисиз – уч суткагача, яъни етмиш икки соатгача ёки ўн суткагача, яъни икки юз қирқ соатгача маъмурий йўл билан ушлаб турилиши мумкин.

Бунда маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қатъий белгиланган қирқ саккиз соатлик муддатдан яққол ошиб кетган.

Энг муҳими, ушбу нормаларда маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатини қирқ саккиз соатдан узайтириш зарурати туғилганда, бунинг учун суднинг қарорини олиш лозимлиги назарда тутилмаган.

QMMB: 12/26/8/0966-son
25.09.2026-y.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ шахсни қирқ саккиз соатдан ортиқ ушлаб туриш фақат суд қарори асосида амалга оширилиши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 288-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатини суд қарорисиз уч суткагача ёки ўн суткагача узайтириш мумкинлиги тўғрисидаги норма Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси учинчи қисмига мувофиқ эмас деган хулосани келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддаси биринчи қисми ва Конституциявий қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, Конституциявий суд ишларини юритиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устунлиги принципи, қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳужжатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигига оид конституциявий принципнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бошқа нормаларининг рўёбга чиқарилиши асосида амалга оширилади.

Конституциявий суд фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига амал қилган ҳолда ишларни ҳал этади ва хулосалар беради.

Конституциявий суд юқорида кўрсатилган ҳолатларни инобатга олиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 288-моддаси иккинчи қисмидаги шахсни маъмурий йўл билан қирқ саккиз соатдан ортиқ ушлаб туришга рухсат берувчи қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси учинчи қисмига мувофиқ эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 133-моддаси биринчи қисми 1-банди, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 4-моддаси биринчи қисми 1-банди, 67, 69, 70, 72 ва 82-моддаларига амал қилган ҳолда, Конституциявий суд

**ҚАРОР ҚИЛДИ:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 288-моддаси иккинчи қисмидаги **“ҳуқуқбузарнинг шахсини ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳолларда эса – ушлаш пайтидан бошлаб йигирма тўрт соат ичида прокурорга ёзма тарзда маълум қилиб, уч суткагача ёки ҳуқуқбузарда ўзининг шахсини**

QMMB: 12/26/8/0966-son
25.09.2026-y.



**тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, прокурорнинг санкцияси билан ўн суткагача муддатга ушлаб турилиши мумкин”**лигини назарда тутувчи норма Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси учинчи қисмига мувофиқ эмас деб топилсин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мазкур қарори тегишли ташкилотларга ижро учун юборилсин.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ушбу қарори “Халқ сўзи” газетаси, “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами”, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси ва Конституциявий суднинг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

**4.** Мазкур қарор қатъий, унинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмас ва у расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Конституциявий суди**

Тошкент ш.,
2026 йил 22 сентябрь,
КСҚ–8-сон